

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**



**СамИСИ ўқув услубий  
кенгашида муҳокама этилган  
ЎУК раиси \_\_\_\_\_ Қ.Мирзаев  
Баённома № \_\_ 2021 йил \_\_\_\_\_**

**«РЕАЛ ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ  
«ОММАВИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАСИ  
ИҚТИСОДИЁТИ»**

**фанидан  
ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Билим соҳаси:** 200000 Ижтимоий соҳа, иқтисодиёт ва ҳуқуқ  
**Таълим соҳаси:** 230000 Иқтисодиёт  
**Таълим йўналиши:** 5230100 Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Ўқув-услугий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирининг 2017 йил 1 мартдаги 107-сонли “Янги ўқув-услугий мажмуаларини тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услугий кенгашининг 2021 йил 26 августдаги 1-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган «Оммавий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти» фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:**

**Т.С.Шарипов** Самарқанд ИИИ “Реал иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.

**Тақризчилар:**

**Қурбонова Р.Ж.** Самарқанд ИИИ “Иқтисодиёт” кафедраси доценти в.б., PhD  
**Сатторов А.** Самарқанд ИИИ сайёҳлик ва МЧЖ директори

Ўқув-услугий мажмуа Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услугий Кенгашида муҳокама этилган ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш ҳамда нашр учун тавсия этилган. Баённома №1, 2021 йил 26 август.

**«Оммавий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти»  
фанидан тайёрланган ўқув – услубий мажмуа**

**МУНДАРИЖАСИ**

|           |                                        |  |
|-----------|----------------------------------------|--|
| <b>1.</b> | <b>Ўқув материаллар</b>                |  |
| <b>2.</b> | <b>Амалий машғулотлар материаллари</b> |  |
| <b>3.</b> | <b>Мустақил таълим машғулотлари</b>    |  |
| <b>4.</b> | <b>Глоссарий</b>                       |  |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**



**«РЕАЛ ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ**

---

---

**«ОММАВИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ»**

**фанидан**

**ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАР**

---

---

**САМАРҚАНД 2021**

- 1-маъруза. Умумий овқатланиш корхоналари меҳнат ресурслари**
- 1.1. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнатни ижтимоий - иқтисодий моҳияти ва аҳамияти
  - 1.2. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини шаклланиши ва кўрсаткичлари
  - 1.3. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини таҳлили ва режалаштириш

### **1.1. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнатни ижтимоий - иқтисодий моҳияти ва аҳамияти**

Инсон билан табиат ўртасидаги моддий, жисмоний, ашёвий алмашувлар, муносабатларнинг умумий шарти меҳнатдир. Меҳнат инсон ҳаётининг доимий ва табиий шартидир. Меҳнат инсон билан табиат ўртасидаги нарсалар алмашувининг умумий шартидир. Меҳнат, бу нафақат инсоннинг мускул ва онг, жимоний ва ақлий энергиясини сарфлаш бўлиб қолмай, мақсадга мувофиқ фойдали, инсон ҳаёти учун зарур бўлган моддий, маънавий ва жамият бойликларини яратиш учун йўналтирилган ижтимоий-зарурий фаолиятдир.

Меҳнат жараёнини бошлашдан олдин инсон унинг натижасини ўз онгида шакллантиради, кейин меҳнатини ўз мақсадига эришиш учун йўналтиради. ўз хоҳишини амалга ошириш учун меҳнатни ташкил қилиш усулини ва йўналишини аниқлайди. Бунинг учун инсон меҳнат қуролларини яратади.

Меҳнатнинг бошланиш жараёнига инсоннинг мақсадга мувофиқ йўналтирилган фаолияти киради. Меҳнат жараёнида нафақат инсон билан табиат ўртасидаги моддий алмашув амалга ошади, унда инсонлар ўртасидаги муносабатлар ҳам шаклланади.

Инсоният тараққиёти тарихига назар солсак меҳнат унинг ривожланишига таъсир қилувчи асосий омил эканлигига имонимиз қомил бўлади.

Инсон меҳнати орқали моддий ва маънавий бойликни яратиш билан табиатни ўз хаётига мослаштириб, уни ўзгартириш билан бир қаторда ўзини ҳам такомиллаштиради. Меҳнат орқали инсон атроф-муҳитни ўзгартиради, уни ўзгартириш билан ўзининг доимо ортиб бораётган эҳтиёжини қондиришга интилиш билан инсон ўзининг табиатини ўзгартиради, яъни қобилиятини, билимини, қуникмаларини, имкониятларини кенгайтиради, такомиллаштиради ҳамда меҳнат жараёнини тубдан ўзгартириб боради. Меҳнат жараёни такомиллашади ва инсоннинг ўзи ҳам такомиллашади.

Шундай қилиб, меҳнат жараёнида инсон шаклланганлигини кўзатамиз.

Меҳнат натижасида инсон доимо энг мураккаб жараёнларни амалга ошириб, ўзига янада юқори мақсадларни қуйиб ва унга эришиб боради.

Биз юқорида айтгандек меҳнат инсон билан табиат ўртасидаги моддий неъматлар алмашувигина бўлиб қолмай, уни натижасида инсонлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар вужудга келади. Бу жараёнда меҳнатнинг мазмуни ва унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти намоён бўлади.

Меҳнатнинг мазмуни нуктаи назаридан меҳнат инсонни меҳнат қуроллари ва предметлари билан ўзаро боғланиши жараёнида ҳамда уларга инсоннинг таъсири, аралашуви натижасида вужудга келади.

Бу жараён доимо, танаффўзсиз давом этиб боради ва такрорланиб туради.

Меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти унинг ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлар жараёнидаги ўрнида намоён бўлади.

Инсон моддий неъматларни ёлғиз, бир-биридан ажралган ҳолда яратмайди, балки биргаликда, ҳамкорликда, меҳнат жамоаларига бирлашган ҳолда, бир-бирлари билан ишлаб чиқариш жараёнларини қилишиб ҳал қилиш асосида яратади. Инсоният жамиятини вужудга қилиши кўплаб ишлаб чиқарувчиларнинг биргаликда меҳнат қилиши, меҳнат фаолияти билан алмашувлар натижасидир.

Ўзаро меҳнат фаолиятини олиб боришда ишлаб чиқариш муносабатлари вужудга келган, энг аввало, меҳнат кооперацияси, меҳнатни

тақсимланиши, яъни меҳнатни ихтисосланиши кабилар. Натижада ижтимоий меҳнат тақсимоти шаклланиб келган. Меҳнат фаолиятини бирламчи бугинида фаолият билан алмашув ишлаб чиқарувчиларни тўғридан-тўғри контакти асосида амалга оширилса, жамият миқёсида маҳсулотлар билан айирабошлаш натижасида намоён бўлади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида алоҳида фаолият юритаётган субъектлар, соҳалар, тармоқлар, ягона бирлашган жамиятга айланади.

Жамият тараққиётини кандайдир бир ижтимоий-иқтисодий босқичида оддий маҳсулот алмашуви товар айирабошлашни шаклига, яъни олди-сотди жараёнини вужудга келтиради. Ушбу жараён алоҳида меҳнат фаолиятига ажралади ва тармок вужудга келган. Ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида ишлаб чиқаришдан товар муомаласи ажраб чиқиб, олди-сотди жараёни алоҳида тармокга айланади. Умумий овқатланиш тармоғи вужудга келди, шу билан бирга ундаги меҳнат ҳам алоҳида жараёнга айланди.

Озуқа тайёрлаш, тақсимлаш, олди-сотди истеъмолни жойида ташкил қилиш жараёни билан шугулланувчиларни меҳнати алоҳида фаолиятига ажралган ва жамият тараққиёти билан боғланган ҳолда, у ривожланиб ва такомиллашиб келмоқда.

Умумий овқатланишдаги ишчилар меҳнати жамиятдаги умумий ижтимоий зарурий меҳнатнинг ажралмас қисми бўлиб, умумий овқатланишнинг функцияларидан келиб чиқиб ўз хусусиятларига эгадир.

Умумий овқатланишда меҳнатнинг хусусияти маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш товар олди-сотди истеъмолни ташкил қилиш жараёнини (товарни қийматини алмаштириш) таъминлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан белгиланади.

Умумий овқатланиш ходимларини меҳнатининг табиати мураккаб жараён бўлиб, ўзига хос билим, куникмаларни (укитувчи, врачларга ухшаган) истеъдод ва қобилиятини талаб қилади. Айниқса, уткир рақобат шароитида биз келтирган хусусиятлар жуда юқори аҳамият топади.

## **1.2. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини шаклланиши ва кўрсаткичлари**

Меҳнат жараёни табиатга ишчи кучи, меҳнат предметлари ва меҳнат куроллари (иккаласи меҳнат воситаларини ташкил қилади) билан биргаликда таъсир қилиши туфайли содир бўлади.

Ишчи кучи бу жараёнда асосий рол эгаллайди. Ишчи кучи инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти билан белгиланади.

Ишчи кучи деганда бизлар инсонни жисмоний, ақлий, маънавий ва рухий қобилиятлари ва уларни зарурият тугилиши билан ишлатиб қандайдир моддий, маънавий ва маданий истеъмол қийматлар яратишга тушунамиз.

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёни учта фазадан иборат бўлиб унга:

- шаклланиш фазаси;
- тақсимот фазаси;
- истеъмол фазалари киради.

Жахон стандартларига биноан ишчи кучининг асосий қисмини ёлланма ходимлар ташкил қилади. Уларга шартнома (кантракт) асосида ишлаётган барча ходимлар киради. Статистикада ишчи кучи руйхатдаги ходимлар сифатида ҳисобга олинади. Руйхатдаги ходимларга барча доимий, вақтинча ва шартнома асосида ишга кабўл қилинганлар киради.

Вақтинча ишга кабўл қилинганлар таркибига бир кун ва ундан кўпроқ кунларга ишга кабўл қилинганлар киради. Бунга ҳақиқатда ишлаётган ва вақтинча ишга чиқмаган, лекин ишда формал ҳолда ҳисобланадиганлар киритилади.

Назарияда ва амалиётда меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти деган кўрсаткичлар ишлатилади.

VIII-Халқаро статистиклар (1954 йил) конференциясида меҳнат ресурсларига «Хусусан меҳнат ресурслари» ва «ҳарбий хизматчилар»

кириши таъкидланган. «Хусусан меҳнат ресурслари» ишловчилар ва ишсизлар категорияларига ажратилган.

БМТ статистика комиссияси 1966 йилги 14 сессиясида «Иқтисодий фаол аҳоли» тушунчасини жорий қилган. Уларга моддий неъматлар ишлаб чиқаришида ва хизмат қилишда катнаша оладиган шахслар мажмуаси киради деб айтилган.

Меҳнат ресурслари деганда меҳнатга қобилиятли ёшдаги (аёллар 16-55, эркеклар 16-60 ёшда) ишчилар сони тушунилади. Бу чегара қонун орқали белгиланган. Меҳнат ресурслари чегараланган, лекин ҳаётда ногиронлар, нафақахурлар, ёш болалар меҳнат қобилиятидан (иш кучидан) фойдаланилади.

Меҳнат ресурсларига буларни қўшсак меҳнат салоҳиятини ташкил қилади.

Масалан: вилоятда аҳолининг сони 2,0 млн. киши, шундан 60%, яъни 1,2 млн. – меҳнатга қобилиятли ёшдаги аёллар ва эркеклар.

Шулардан 0,3 млн. ишсиз.

Ишлаётган ишчилар сони 1,4 млн. киши.

Иш билан банд бўлган ногиронлар, нафақахурлар ва ёш болалар (16 ёшгача)  $1,4 + 0,3 - 1,2 = 0,5$  млн. (ишчилар сони  $1,2 - 0,3 + 0,5 = 1,4$ ).

Меҳнат ресурслари – 1,2 млн. киши.

Ишчилар сони – 1,4 млн. киши.

Меҳнат салоҳияти –  $1,4 + 0,5 = 1,9$  млн. киши.

Корхона миқёсида ишчи ходимлар сони меҳнат салоҳиятига тенг бўлади.

Ходимлар (ишчилар) сони корхоналарда ўрганишда ва статистик ҳисоботда икки хил турда бўлади.

1. Руйхатдагилар.

2. Ишга келганлар.

Руйхатдаги ходимлар сони барча руйхатдан утган ҳар хил сабаблар билан ишга (доимий, мавсумий, вақтинчалик) ишчилар сони киради. Уларга

(хизмат сафарида, меҳнат таътили, декрет таътили, касаллар, ишга ҳар хил бошқа сабаблар билан укиш, депутатлик ва х.к.) келмаганлар киради.

Руйхатдаги ходимларга қуйидагилар кирмайди:

- бир маротаба ёки алоҳида ишларни бажаришга таклиф қилинганлар (врачлар консультация учун, экспертиза учун, инвентарларни таъмирлаш, оклаш, краскаш кабилар);
- шартнома асосида (хукукий-фукаролик шартномалари), агар улар бошқа ташкилотда руйхатда турса;
- ўриндошлик асосида ишга кабўл қилинганлар ҳамда бошқа ходимлар ва иш ҳақи статистикаси тўғрисидаги низомда кўрсатилганлар.

Статистик ҳисоботда ходимларнинг ўртача руйхатдаги сони кўрсаткичи ишлатилади. (1 ой, квартал, 6 ой, 9 ой ва 1 йил). Бунда ишга келганлар ва келмаганлар ҳам ҳисобга олинади.

Масалан: ойлик учун ҳар куни руйхатдаги ишчилар сони (байрам, дам олиш кунлари ҳам ҳисобга олинган ҳолда) ҳар кунлигини жамлаб ойнинг таквим (календар) сонига бўлиш билан аниқланади (ишчи-кун:календар кунига).

3 ойга бўлса ҳар бир ойнинг ўртача кўрсаткичини жамлаб 3 га бўламиз ва хоказо. Агарда ишчилар сони ҳар ой бошига берилган бўлса ўртача хронологик усул билан аниқланади.

Ўртача руйхатдаги ходимлар сонини аниқлашда дам олиш ёки байрам кунларидаги ишга келганлар сони бир кун олдин ишга келганлар сонига тенг деб ҳисобга олинади. Масалан, жума куни 301 киши ишлаган бўлса, дам олиш кунлари, яъни шанба ва якшанба кунларига 301 ходим ишга чиккан деб ҳисобланади. Масалан: 2010 йилнинг январ ойига қуйидаги маълумотлар бор:

| Календар кун | Ишга келганлар    |
|--------------|-------------------|
| 1.01-        | 301               |
| 2.01-        | 301 Дам олиш куни |
| 3.01-        | 301 - " -         |

|        |                   |
|--------|-------------------|
| 4.01-  | 305               |
| 5.01-  | 307               |
| 6.01-  | 307               |
| 7.01-  | 312               |
| 8.01-  | 312               |
| 9.01-  | 312 Дам олиш куни |
| 10.01- | 312 - " -         |
| 11.01- | 305               |
| 12.01- | 306               |
| 13.01- | 301               |
| 14.01- | 310               |
| 15.01- | 310               |
| 16.01- | 310 Дам олиш куни |
| 17.01- | 310 - " -         |
| 18.01- | 312               |
| 19.01- | 312               |
| 20.01- | 320               |
| 21.01- | 320               |
| 22.01- | 318               |
| 23.01- | 318 Дам олиш куни |
| 24.01- | 318 - " -         |
| 25.01  | 320               |
| 26.01- | 320               |
| 27.01- | 317               |
| 28.01- | 315               |
| 29.01- | 315               |
| 30.01- | 315 Дам олиш куни |
| 31.01- | 315               |

Жами ишчи куни сони = 9657 киши – куни. ўртача руйхатдаги ходимлар сони ( $\bar{X}$ ) = 9657:31=311,5 киши.

Агарда ишга келганлар ҳар ойнинг бошига берилган бўлса, 1,01-570 киши, 1.02=575 киши, 1.03-572 киши ва 1.04 – 580 киши, бундай ҳолда ўртача хронологик усул билан руйхатдаги ўртача ходимларни ( $\bar{X}$ ) аниқлаш мумкин.

$$\bar{X} = \frac{\frac{570}{2} + 575 + 572 + \frac{580}{2}}{4-1} = 574_{\text{киши}}$$

Ойлар бўйича ходимларни ўртача сони қуйидагича берилган бўлса:

| Ойлар   | Ходимларни ўртача сони |
|---------|------------------------|
| Январ   | 500                    |
| Феврал  | 496                    |
| Март    | 500                    |
| Апрел   | 515                    |
| Май     | 530                    |
| Июн     | 518                    |
| Июл     | 560                    |
| Август  | 570                    |
| Сентябр | 565                    |
| Октябр  | 570                    |
| Ноябр   | 580                    |
| Декабр  | 600                    |
| Жами    | 6504                   |

Йиллик ходимларнинг ўртача сони

$$\bar{X} = \frac{6504}{12} = 542 \text{ кишига тенг бўлади.}$$

Статистикада ўртача иш ҳақи, меҳнат унумдорлиги ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш учун «ўртача иш ҳақи ва бошқа ўртача кўрсаткичларни аниқлаш учун ходимлар сони» кўрсаткичи ишлатилади.

Бу кўрсаткичини аниқлаш учун руйхатдаги ходимлар сонидан айрим ходимлар категориялари чиқариб ташланади. Уларга қуйидагилар киради:

- хомиладорлик ёки фарзанд тугилгандан кейинги таътилдагилар;
- болаларга (айрим ёшгача) қараш учун таътилдаги аёллар (иш ҳақисиз ёки қисман иш ҳақи туланадиган);
- кишлоқ хўжалик ишларини бажариш учун хизмат сафарига юборилганлар (хукумат қарори билан бундай ишларни (75 % иш ҳақи асосий иш жойида сакланиб қолинади), шофёрлар, механиклар, трактористлар, миханизаторлар;
- курилиш ишларига хизмат сафарига юборилганлар. Уларни ҳам 50-75 % иш ҳақи сакланиб қолинади. кишлоқ хужалиги ва курилиш ишларига жалб қилинганларга суткалик ва квартаера учун кушимча ҳақ туланмайди;
- махсус касалхоналардаги хронологик алкоголиклар;
- кечки ва сиртки укишда талабалар сессия даврида;
- иш ҳақини саклаб қолмасдан зарурий таътилга чиққанлар.

Ходимлар сони билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни ҳам киритиш лозим:

1. ишга келган ходимлар сони (уларни руйхатдаги ходимлар сонидаги ҳиссаси);
2. ишчи ходимларни таркиби;
3. ходимларни ўртача ёши;
4. меҳнат даври (стажи);
5. меҳнат унумдорлиги;
6. ишчи ходимларни рентабеллиги ёки даромадлиги ( $P_{и.х}$ ). Агарда яратилган қийматни  $C + V + m$  деб ҳисобласак, рентабеллик қуйидагича ифодаланади:  $P_{и.х} = \frac{m}{V}$

$C$  – доимий капитал ишлаб чиқариш воситалари;

$V$  – ўзгарувчан капитал, иш ҳақи;

$m$  – олинган фойда.

7. меҳнаткашларнинг бўш вақти (дам олиш, уқиш, малака ошириш жамоат ишлари, болалар тарбияси, жисмоний тарбия ва спорт, маданий дам олиш, маънавий эҳтиёжларни қондириш);
8. ходимларни кунимсизлик коэффиценти (ишдан кетган ва ҳайдалганлар: ўртача руйхатдаги сонига);
9. ходимларни кабул қилиш коэффиценти;
10. меҳнат унумдорлиги ва ўртача иш ҳақини солиштирма кўрсаткичи.

### **1.3. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини таҳлили ва режалаштириш**

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарида банд бўлган меҳнат ресурсларини (ходимлар сонини) таҳлил қилиш иқтисодий ишларнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки ходимлар сони, ҳар бир корхона меҳнат салоҳияти ва малакали иш кучи билан таъминланганлигини ифодалайди ҳамда катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ахволи, улар ишлаётган корхоналарда ишчилар бандлиги, уларнинг иш ҳақи миқдори ва бошқа рағбатлантириш механизмларининг қандай ташкил қилинганлиги билан ифодаланади.

Шу билан бир қаторда корхонанинг самарадорлиги унда фаолият кўрсатаётган ходимлар сонига, уларнинг малакасига, меҳнат шароити ва улар ўртасидаги маънавий-рухий муҳитига бевосита боғлиқ. Шу нуктаи назардан ходимлар сонини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар сонини таҳлил қилишнинг вазифаси, унинг аҳамиятидан келиб чиқади. Таҳлилнинг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фаолиятдаги (руйхатдаги) ходимлар сонини ва уларнинг штат жадвалига мувофиқлигини солиштириб баҳолаш;
- ходимлар таркибини ўрганиш;

- ходимлар малакасини, маълумоти бўйича таркибини ўзгаришига баҳо бериш;
- ходимлар умумий миқдори ва таркибини ўзгариш тенденцияларини, корхонанинг бошқа кўрсаткичлари билан боғлиқлигини урганган ҳолда баҳолаш;
- ходимларнинг ишлатилиш кўрсаткичлари, кунимсизлик коэффиценти, кабул қилиш коэффиценти, меҳнат унумдорлиги ва бошқаларни аниқлаш, уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни белгилаш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш.

Таҳлилнинг вазифаси бу келтирилганлар билан чекланиб қуолмайди, балки ҳар сафар таҳлилнинг мақсадидан келиб чиқиб, ўзгариб туриши табиий. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида вазиятлар тез ўзгариб туриши мумкин. Бу ўзгариш жараёнини таҳлил қилиб, тегишли қарорлар кабул қилиб, амалий чора-тадбирларни куллаш, бошқариш ва иш юритиш усулларини вазиятга қараб мослаб бориш чораларини куриш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар сонини таҳлили кадрлар таъминланганлиги, яъни лавозимлар штат жадвалини (поварлар, официантлар, маъмурий-бошқарув ва ёрдамчи ходимлар) тўлғазилганлиги аниқлаш билан бошланади. Агар алоҳида ишчи-ходимлар категорияси бўйича ҳақиқий кўрсаткичлар штат жадвалидан у ёки бу томонга фарқланса, унда фарқланиш сабаблари аниқланади ва зарурий чора-тадбирлар кўрилади. Ҳақиқий ходимлар сони бир неча йилга солиштирилади, ўзгариш тенденциялари аниқланади ва керакли хулосалар қилинади.

Овқатланиш корхоналари ходимларининг сонини ўрганишда ҳар хил гуруҳлашларни ишлатишни тақоза қилади. Масалан, умумий иш даври (стаж), жумладан Ушбу корхонада, ёши бўйича, мутахассисларнинг маълумоти бўйича (олий, ўрта махсус, ўрта маълумотли, маълумоти йўқлар).

Таҳлил жараёнида ходимларни қўнимсизлигини аниқлаш керак. Бунинг учун бир қатор коэффицентлар аниқланади.

Ишга қабўл қилиш ёки ишдан коэффицентлари-ишга қабўл қилинган ёки бўшатишган ходимлар сонини (ички тартибни бўзгани учун, ўз хохиши билан) ўртага рўйхатдаги ходимлар сонига бўлиш билан аниқланади. Ушбу коэффицент алоҳида алоҳида аниқланади. Бу коэффицентларни иккинчиси кадрларни қўнимсизлиги коэффиценти деб ҳам аталади.

Кадрларни умумий силжиши коэффиценти-ишга қабўл қилинган ва бўшатишганлар йиғиндисини ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига нисбати.

Ушбу коэффицентлар бир неча ўтган йиллар билан солиштиришиб, уларни ўзгариш тенденциялари аниқланади, хулоса қилинади ва таклифлар берилади.

Таҳлил жараёнида ходимлар ишлаш вақтини календар фонди ўнганилади. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаш тавсия қилинади:

1. битта ходим ишлаган ўртача кунлар сони - корхонада ишланган киши – кунлар сонини ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига нисбати;
2. ишчи вақтининг календар фондини ишлатилиши коэффиценти – ишлаган киши –кунлар сонини тўла календар фондига нисбати;
3. иш вақтини йўқотиш коэффиценти-ишга чиқмаган киши-кунлар сонини тўла календар фондга нисбати. Ишга чиқмаган кунларни сабабини ўрганиш катта аҳамият тутаети(касаллика, қонун билан белгиланган ёки иш берувчининг рухсати билан, таътил, сабабсиз ва хоказолар).

Ходимлар сонини таҳлил қилиш, уларнинг умумий сонини, таркибини, меҳнат унумдорлигини режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариш тенденцияларини аниқлашдан бошланади.

Кейинги боскичда ходимлар сонини корхонанинг даромади ёки фойдаси билан солиштириб ходимларга тўғри келган даромад ёки фойдани ўзгариш тенденцияларини баҳолаш зарур.

Таҳлил жараёнида меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақини ўзгариш тенденцияларини солиштириш катта аҳамиятга эга. Таҳлилни

кейинги боскичларида юқорида 1.2 & биз келтирилган ходимларга таълуқли барча кўрсаткичлар динамик қаторларда ўрганиш тавсия қилинади.

Ходимлар кўрсаткичларига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш зарур бўлади.

Ходимлар кўрсаткичларини умумий овқатланиш корхонасининг товар айланмасига таъсирини ўрганишни тавсия қиламиз.

Меҳнат унумдорлигини таҳлилни умумий овқатланиш корхоналари кўрсаткичларини амалда ва солиштирма баҳоларда ўтказиш зарур. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида баҳоларни ўзгариши қонуниятга айланиб бормоқда. Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- меҳнат унумдорлиги бажарилиши, фоизда;
- планга нисбатан чекланиши, абсолют кўрсаткичларда;
- меҳнат унумдорлигининг динамикаси, фоизда;
- меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи омилларнинг миқдори;
- меҳнат унумдорлигини товар айланмасига таъсири;
- меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.

Меҳнат унумдорлигини таҳлили умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг меҳнاتини самарадорлигини ошириш резервларини аниқлаш имкониятини яратади. 1.3.1 жадвалда шартли мисолда меҳнат унумдорлиги таҳлилни амалда баҳоларда келтирилган.

#### 1.3.1 жадвал

##### Меҳнат унумдорлигини баҳолаш

| Т/р | Кўрсаткичлар           | Ўлчов<br>бирлиги | Ўтган<br>йил | Ҳисобот<br>йили | Чекла<br>Ниши<br>(+:-) | Ҳисобот<br>йили<br>Ўтган<br>йилга<br>нисбатан |
|-----|------------------------|------------------|--------------|-----------------|------------------------|-----------------------------------------------|
| 1   | Умумий товар айланмаси | Млн.<br>сўм      | 4451,8       | 5164            | +712,2                 | 116,0                                         |

|   |                                                          |             |        |        |        |       |
|---|----------------------------------------------------------|-------------|--------|--------|--------|-------|
| 2 | Ўзи ишлаб чиқарган<br>товарларни сотиш                   | Млн.<br>сўм | 2397,8 | 3204,0 | +806,6 | 133,6 |
| 3 | Ўртача рўйхатдаги ходимлар                               | Киши        | 41     | 27     | -14    | 65,9  |
| 4 | Ўртача рўйхатдаги ишлаб<br>чиқариш ходимлари             | Киши        | 31     | 20     | -11    | 64,5  |
| 5 | Меҳнат унумдорлиги - жами<br>ходимлар (1:3)              | Млн.<br>сўм | 108,58 | 191,26 | +82,68 | 176,1 |
| 6 | Ушбу кўрсаткич<br>солиштира баҳода                       | Млн.<br>сўм | -      | 108,79 | -      |       |
| 7 | Ишлаб чиқариш<br>ходимларини меҳнат<br>унумдорлиги (2:4) | Млн.<br>сўм | 77,35  | 160,22 | +82,87 | 207,1 |

1.3.1 жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Умумий овқатланиш корхонасининг товар айланмаси (Умумий ва ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш бўйича) ўтган йилга нисбатан тегишлича 16,0% ва 33,6% га ўсган.

Ходимлари сони камайиш тенденциясига эга. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари юқори даражада ўсиб бормокда, 1,76 ва 2,0 баробар ўсган. Қиймат кўрсаткичларини ўсиши баҳо омили билан боғлиқ, чунки баҳо индекси 1,758 га тенг бўлган  $\left(\frac{191,26}{108,79}\right)$ . Бундан маълум бўлаяптики ўзи ишлаб чиқарган товарларга ва сотиб олган товарларни сотиш баҳосини ўсиши натижасида меҳнат унумдорлиги 82,47 млн.сўмга (191,26-108,79)ортган.

Юқорида келтирилган усул орқали официантлар меҳнат унумдорлиги – чакана товар айланиши ўртачи рўйхатдаги официантлар сонига нисбати, ҳам таҳлил қилинади.

Анализ жараёнида меҳнат унумдорлигига таъсир қилган омиллар ҳисоб китоб қилинади.

Баҳони таъсир миқдорини аниқлаш юқорида кўрсатилди.

Яна бита омил ходимлар сонини ўзгариши. Уни таъсирини ҳисолаш учун қуйидаги математик формула тавсия қилинади.

$$\Delta\dot{O} = \frac{\dot{Y}_{\delta}}{100 - \dot{Y}_{\delta}} * 100$$

бу ерда:  $\Delta\dot{O}$  -мехнат унумдорлигини ўсиш даражаси;

$\dot{Y}_{\delta}$  - қандайдир омил натижасида ходимлар сонини ўзгариши.

$\dot{Y}_{\delta}$  кўрсаткичи қуйидаги формула орқали ҳисоб китоб қилинади. Масалан омил сифатида янги техникани жорий қилиш ёки жихозни модернизация қилиш деб ҳисобласак

$$\dot{Y}_{\delta} = \left[ 100 - \frac{\hat{E} * 100}{(\hat{E}_1 * 100) + (\hat{E}_2 * \alpha)} * 100 \right] * t_{k2} : 12$$

бу ерда: K - умумий жихозлар сони, дона;

$K_1$  – эски ўрнида ишлатилаётган жихозлар, дона;

$K_2$  – янги ёки модернизация қилинган жихозлар, дона;

$\alpha$  – янги ёки модернизация қилинган жихозларни унумдорлигини эски (алмаштирилган ёки модернизацияланган) жихоз унумдорлигига нисбати, фоизда;

$t_{k2}$  – режалаштирилган даврда янги техника ёки модернизация қилинган жихозни ишлатиш муддати, ойлар ҳисобида.

Мехнат унумдорлигини оширишда ишчи вақтини йўқотишни камайтириш катта аҳамиятга эга.

Ишчилар сонини ишчи вақтини йўқолишини камайтириш орқали қисқартириш қуйидагича аниқланади.

$$\dot{Y}_{\delta} = \frac{(t_{\epsilon}^0 - t_{\epsilon}^1) * 100}{100 - t_{\epsilon}^1};$$

бу ерда:  $t_{\epsilon}^0$  – базис даврида ишчи вақтини йўқолиши, фоизда;

$t_{\epsilon}^1$  - ҳисобот даврида ишчи вақтини йўқолиши, фоизда;

Меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи омиллардан бири Умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмасининг таркибини «Меҳнат оғирлиги<sup>1</sup>»- кўрсаткичини ўзгариши ҳисобланади.

Товар айланиш таркибини ўзгариши натижасида 1 сўм товар айланмасига меҳнат ҳаражатларини ўзгариши (+;-) миқдорини ( $M_x$ ) қуйидагича ҳисоблаш мумкин.

$$\dot{I}_o = (100 * \Delta \dot{E}) : (50 + \dot{E}^0),$$

бу ерда:  $\Delta \dot{E}$  - ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳиссасини (товар айланишида) қўшимча ўсиш суръати;

$MK^0$  – ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни базис давридаги ҳиссаси.

Агарда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг ҳиссаси ортиб борса, у меҳнат ҳаражатларини ортишига олиб келади.

Олимларнинг ҳисоб коитоблари бўйича ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларга келган умумий ҳаражатлар суммаси сотиб олинган товарларни сотиш учун кетган ҳаражатлардан 2,5-3 баробар кўпроқ.

Масалан профессор А.М.Фридман келтирган ҳисоб китобларда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларга кетган ҳаражат даражаси – 35,6%, сотиб олган товарларни сотишга кетган ҳаражатлар даражаси – 13,7%. Уларни нисбати  $35,6:13,7=2,6$  ни ташкил қиляпти<sup>1</sup>.

Айрим олимлар умумий овқатланишда меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда шартли товар айланмасини ишлатилиши ва унинг учун товар айланмаси меҳнат оғирлиги коэффицентларича кўпайтириш орқали шартли товар айланишни ҳисоблашни, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни чакани сотиш 1,0-га, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни улгуржи сотиш 0,8-га, сотиб олган товарларни сотиш 0,4-га кўпайтириш орқали аниқлашни тавсия қилади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Меҳнат оғирлиги- кўпроқ меҳнат сарфини талаб қилиши.

<sup>1</sup> Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребителского общества. Учебник. М.: «Дашков и к°», 2008 г. 414 стр.

<sup>2</sup> Ефимова О.П. Экономика общественного питания. Минск «Новое знание», 2008 г. 221 стр.

Меҳнат унумдорлиги даражасига ходимлар таркибини ўзгариши ҳам таъсир қилади.

Масалан, умумий ходимлар таркибида маъмурий-бошқарув ходимлари ҳиссасини ўзгариши. Буни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$\Delta \dot{O} = \frac{\dot{A}_{\dot{o}}^0 - \dot{A}_{\dot{o}}^1}{100 - \dot{A}_{\dot{o}}^0} * 100$$

бу ерда:  $\Delta \dot{O}$  - ходимлар таркибини ўзгариши натижасида меҳнат унумдорлигини кўпинча ўзгариш суръати, фоизда;

$\dot{A}_{\dot{o}}^0, \dot{A}_{\dot{o}}^1$  - маъмурий-бошқарув ходимларининг ҳиссаси, тегишлича базис ва ҳисобот даврига.

Меҳнат ресурслари кўрсаткичларини таҳлил қилганда уларни товар айланишга ва маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорида таъсири даражасини алоҳида ҳисоб-китоб қилиш лозим.

Меҳнат унумдорлигини ўсишини (фоизда) товар айланмасига таъсирини  $\Delta \dot{O} \dot{A}$  қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$\Delta \dot{O} \dot{A} = 100 - [(\dot{O}_{\dot{n}} * 100) : \Delta \dot{O} \dot{A}_{\dot{o}}] * 100 ;$$

бу ерда:  $X_c$  – ходимлар сонини кўпинча ортиш суръати, фоизда;

$\Delta \dot{O} \dot{A}_{\dot{o}}$  – товар айланмасини кўпинча умумий ортиш суръати, фоизда;

$$\text{Ёки: } \Delta \dot{O} \dot{A} = [(\Delta \dot{O} \dot{A}_{\dot{o}} - \dot{O}_{\dot{n}}) : \Delta \dot{O} \dot{A}_{\dot{o}}] * 100$$

Меҳнат ресурслари бир нечта бир бири билан боғлиқ кўрсаткичларни товар айланишга таъсирини занжирли усулини ишлатиш орқали аниқлаш мумкин.

Масалан қуйидаги омиллар таъсири:

1. ўртача рўйхатдаги ходимлар сони, киши;
2. иш кучини ўртача давомийлиги, соат;
3. битта ходимни ўртача ишлаган кунлари сони, кун;
4. бита ходимни ўртача соатда меҳнат унумдорлиги, сўмда.

Бундай ҳисоб-китоб учун қуйидаги жадвални тўзиб, омиллар миқдари жойлаштириб, умумий товар айланиш ҳажмини ва унга алоҳида омиллар таъсири миқдорини аниқлаш мумкин.

### 1.3.1 жадвал

#### Товар айланишга меҳнат кўрсаткичларини таъсири

| № | Кўрсаткичлар                                     | Ўлчов<br>бирлиги |        |        |        |        |        |
|---|--------------------------------------------------|------------------|--------|--------|--------|--------|--------|
|   |                                                  |                  | 1      | 2      | 3      | 4      | 5      |
| 1 | Ўртача рўйхатдаги<br>ходимлар                    | киши             | Б      | $X_1$  | $X_1$  | $X_1$  | $X_1$  |
| 2 | Бита ходимни ўртача<br>ишлаган кунлари           | кун              | Б      | Б      | $X_1$  | $X_1$  | $X_1$  |
| 3 | Иш кучини ўртача<br>давомийлиги                  | соат             | Б      | Б      | Б      | $X_1$  | $X_1$  |
| 4 | Бита ходимни ўртача<br>соатда меҳнат унумдорлиги | сўм              | Б      | Б      | Б      | Б      | $X_1$  |
| 5 | Товар айланмаси ҳажми<br>(1*2*3*4)               | Млн.<br>сўм      | $TA_1$ | $TA_2$ | $TA_3$ | $TA_4$ | $TA_x$ |

Изоҳ: Б – базис даври кўрсаткичлари;

$X_1$  – ҳисобот даври кўрсаткичлари.

Ушбу жадвал маълумотларида товар айланмасига алоҳида омиллар таъсири қуйидагича аниқланади:

1. ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини ўзгариши  $=TA_2-TA_1$ ;
2. битта ходимни ўртача ишлаган кунларини ўзгариши  $=TA_3-TA_2$ ;
3. иш куни ўртача давомийлигини ўзгариши  $=TA_4-TA_3$ ;
4. бита ходимни ўртача соатда меҳнат унумдорлигини ўзгариши  $=TA_5-TA_4$

Ушбу усул орқали чакана товар айланмасига официантлар сонини ўзгариши; бита официантга беркитилган ўриндиқларни ўзгариши ва битта ўриндиқга тўғри келган чакана товар айланмасини ўзгаришларининг таъсирини ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Умумий овқатланиш корхонасининг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар бўйича товар айланмасига ишлаб чиқариш ходимлари сонини ўзгаришининг таъсирини  $\Delta \acute{O}\grave{E} \times \grave{I}\grave{O}\grave{A}$  қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин.

$$\Delta \acute{O}\grave{E} \times \grave{I}\grave{O}\grave{A} = (\acute{E} \times \tilde{O}_{\tilde{n}}^1 - \acute{E} \times \tilde{O}_{\tilde{n}}^0) * \grave{I}\acute{O}_{\acute{e} \div \grave{o}}^1 ;$$

бу ерда:  $\acute{E} \times \tilde{O}_{\tilde{n}}^0, \acute{E} \times \tilde{O}_{\tilde{n}}^1$  – ўртача рўйхатдаги ишлаб чиқариш ходимлари сони, тегишлича базис ва ҳисобот дарвларига;  
 $\grave{I}\acute{O}_{\acute{e} \div \grave{o}}$  – ишлаб чиқариш ходимларининг базис давридаги меҳнат унумдорлиги.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар бўйича товар айланмасига ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат унумдорлигини ( $\grave{I}\acute{O}_{\acute{e} \div \grave{o}}$ ) таъсирини қуйидагича ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

$$\Delta \acute{O}\grave{E} \times \grave{I}\grave{O}\grave{A} = (\grave{I}\acute{O}_{\acute{e} \div \grave{o}}^1 - \grave{I}\acute{O}_{\acute{e} \div \grave{o}}^0) * \acute{E} \times \tilde{O}_{\tilde{n}}^1$$

Икки хил бир бирига боғлиқ омилларнинг товар айланишга таъсирини интеграллаш усулини қўллаш йўли билан аниқлаш мумкин. Масалан: ходимлар сони ва меҳнат унумдорлигини товар айланмасига таъсири. Бунинг учун қуйидаги формуладани фойдаланиш мумкин.

$$\Delta \grave{O}\grave{A} = \grave{I}\acute{O}^0 * \Delta \tilde{O}_{\tilde{n}} + [(\Delta \grave{I}\acute{O} * \Delta \tilde{O}_{\tilde{n}}) : 2];$$

бу ерда:  $\Delta \grave{O}\grave{A}$  – ходимлар сонини ўзгариши ҳисобидан товар айланмасини ўзгарган суммаси, млн. сўм;

$\Delta \tilde{O}_{\tilde{n}}$  – ходимлар сонини ўзгарган сони, киши;

$\Delta \grave{I}\acute{O}$  – меҳнат унумдорлигини ўзгарган суммаси, млн.сўм

Ёки:  $\Delta \grave{O}\grave{A} = \Delta \tilde{O}_{\tilde{n}} * \hat{E}_{\tilde{n}}^1 * \Delta \grave{I}\acute{O}^1$

бу ерда:  $\hat{E}_{\tilde{n}}^1$  – бир ходимни базис йилида ишлаган кунлари;

$\Delta \grave{I}\acute{O}^1$  – меҳнат унумдорлиги, базис йитлига.

Меҳнат унумдорлигини товар айланмасига таъсири:

$$\Delta \grave{O}\grave{A} = \tilde{O}_{\tilde{n}} * \Delta \grave{I}\acute{O} + [(\Delta \grave{I}\acute{O} * \Delta \tilde{O}_{\tilde{n}}) : 2]$$

Ишчи вақтини йўқотилишини товар айланмасига таъсири:

$$\Delta \grave{O}\grave{A} = \tilde{O}_{\tilde{n}}^1 * \Delta \hat{E}_{\tilde{n}} * \Delta \grave{I}\acute{O}^1$$

Меҳнат ресурсларини режалаштириш ходимлар сонини аниқлаш ва штат жадвали тўзишдан бошланади. Умумий овқатланиш корхоналарида ушбу кўрсаткичларни режалаштиришда корхонани ишлаш тартиби, товар айланмаси, моддий-техника базасида ҳолати ва рўй берадиган ўзгаришлар, хом-ашё ва фабрикатлар билан таъминланиши, ҳар хил норма ва нормативлардан, умумий овқатланиш корхоналарининг турлари, категориялари ва бошқа кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ходимлар сонини режалаштириш норматив усули; эластиклик коэффиценти; товар айланмаси меҳнат оғирлиги индекси; меҳнат унумдорлиги; индекслар ва бошқа усуллардан фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Норматив усули орқали официантлар сонини аниқлаш хизмаёт қилиш нормалари умумий овқатланиш корхоналарининг турлари бўйича (ресторан, бар, кафе), ҳамда уларни категориялари бўйича (люкс, юқори, 1,2,3 категориялар).

Юқори категорияли ресторан учун битта официантга беркитилган ўриндиқлар сони нормаси 16-та бир сменага. Агарда хизмат қилиш бригада шаклида амалга оширилса ушбу норма 15% ошади. Хизмат столни олдиндан сервировка қилиш орқали ҳамда «швед» столи, экспресс-стол, «фуршет» столи каби турларда бўлса ушбу норма 1,5-2,0 маротаба ортади<sup>1</sup>.

Масалан: ресторан зали (биринчи категория) 65 ўридиққа эга. Хизмат шакли якка тартибда. Иш тартиби -1,5 смена. Битта официантни хўррандаларга хизмат қилиш нормаси 20 та 1,5 сменада ишлаганда ходимлар сонини ортириш коэффиценти -2,1 га тенг

Ушбу маълумотларда режалаштирилган йилга бир сменада ишлайдиган официантлар сони =  $65:20=3,25$  киши. Ишлаш тартибини ҳисобга олган ҳолда официантлар сони –  $3,25*2,1=6,8$  киши, ёки 7 киши.

---

<sup>1</sup> Ушбу нормалар Белоруссия Республикасида ишлатилади. Ефимова О.П. Экономика общественного питания. Минск. «Новое знание», 2008 г. 232 стр.

Кассирлар сони, агар хўррандалар ўзи – ўзини таъминлаш усули ишлатилса, 100 ўриндикга – 1 та кассир, агар тез таъминлаш (эксперт стол) усули ишлатилса 45-50 ўриндикга - 1 та кассир нормаси орқали ҳисоб-китоб қилинади<sup>1</sup>.

Юқори категорияли ресторанлар учун зал администратори (метродетель) иш тартибига қараб, бир сменага битта залга битта администратор<sup>1</sup>.

Поварлар, нонвойлар, кондитерлар сони ҳўжалик эҳтиёжидан келиб чиқиб ўтган йиллар маълумотларига асосан тажриба-статистик усулини ишлатиш йўли билан аниқланади. Бунда меҳнат унумдорлиги, жихозлар сони каби кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин.

Ходимлар сони ходимларни эластиклик коэффиценти кўрсаткичи орқали аниқланиши мумкин:

$$\hat{E}_{\dot{y}} = \Delta \tilde{O}_{\dot{n}} : \Delta \dot{O} \dot{A}$$

бу ерда:  $\Delta \tilde{O}_{\dot{n}}, \Delta \dot{O} \dot{A}$ – тегишлича ходимлар сони ва товар айланмасининг ҳисобот йилида базис йилига нисбатан қўшимча ўзгариш суръати, фоизда.

Бу ҳолда:  $\Delta \tilde{O}_{\dot{n}}^{\delta} = \hat{E}_{\dot{y}} * \Delta \dot{O} \dot{A}$

бу ерда:  $\Delta \tilde{O}_{\dot{n}}^{\delta}$  – ходимлар сонини қўшимча ўсиш суръатини ўзгариш миқдори, фоизда;

Ходимлар сони режалаштирилган йилга ( $\tilde{O}_{\dot{n}}^{\delta}$ ) қуйидагича аниқланади:

$$\tilde{O}_{\dot{n}}^{\delta} = \frac{\tilde{O}_{\dot{n}}^1 * (\Delta \tilde{O}_{\dot{n}}^{\delta} + 100)}{100}$$

Ходимлар сонини меҳнат оғирлиги индекси орқали аниқланганда қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширишлади.

Масалан: режалаштирилган йилга меҳнат оғирлиги кўрсаткичи 5% қисқаради дейлик, бунда меҳнат оғирлиги индекси – 0,95 га тенг бўлади.

Режалаштирилган йилга товар айланмасини ўсиш суръати – 20%. Ушбулардан келиб чиқиб, ходимлар сонини ўсиш суръати  $=1,20 \cdot 0,95 = 1,14$  га тенг бўлади, яъни ходимлар сони 14,0% ошади.

Агарда ҳисобот йилида ходимлар сони 27 кишини ташкил қилган бўлса, режалаштирилаётган йилга уларнинг сони  $=27 \cdot 1,14 = 31$  кишини ташкил қилиш керак бўлади.

Ходимлар сони ва меҳнат унумдорлиги индекси усули, иқтисодий-математик усуллар орқали ҳам аниқланиши мумкин. Масалан: товар айланмаси индекси – 1,20, меҳнат унумдорлиги индекси-1,09 бўлса ходимлар индекси- $1,20:1,09=1,09$  ни ташкил қилади. Ҳисобот йилида ходимлар сони 27 кишини ташкил қилган бўлса, режалаштирилаётган йилга ходимлар сони  $=27 \cdot 1,09 = 29$  кишини ташкил қилади.

Ходимлар сони аниқлангандан сўнг штат жадвали тўзилади. Унда ходимлар сони ҳар бир лавозим бўйича алоҳида кўрсатилади. Лавозимлар функционал вазифаларига қараб қуйидагича белгиланади.

1. Бошқарув аппарати ва мутахассислар (директор, директор муовини, администратор, бухгалтер, экономист, инженер-технолог ва бошқалар).

2. Ишлаб ичқариш – савдо ходимлари (поварлар, официантлар, кухня ишчилари, кассирлар, ишлаб чиқариш мудирлари ва бошқалар).

3. Ёрдамчи ходимлар (юк ортувчилар, супурувчилар, идиш ювувчилар, қоравул ва бошқалар).

Таянч иборалар: меҳнат, меҳнат ресурслари, ишчи кучи, ишчилар сони, рўйхатдаги ишчилар, меҳнат салоҳияти.

Такрорлаш учун саволар.

1. Меҳнатнинг моҳиятини ёритиб беринг?
2. Меҳнат ресурслари деганда нимани тушунасиш?
3. Меҳнат салоҳияти нима ва у меҳнат ресурсларидан қандай фарқланади?

4. Ишчи кучи нима?
5. Ишчи кучи такрор ишлаб чиқарилиши кандай фазалардан иборат бўлади?
6. Руйхатдаги ходимлар сони кандай аниқланади?
7. Ходимларни ўртача сони кандай аниқланади?
8. Меҳнат ресурсларни таҳлил қилишда кандай кўрсаткичлар аниқланади?
9. Умумий овқатланишда официантлар сони кандай режалаштирилади?

## **2-маъруза. Умумий овқатланиш корхоналарида иш ҳақи**

- 2.1. Иш ҳақи тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти
- 2.2. Иш ҳақини ташкил қилиш қоидалари
- 2.3. Иш ҳақининг шакллари, тизими ва ҳисоблаш усуллари
- 2.4. Иш ҳақи фондини таҳлили
- 2.5. Иш ҳақи фондини режалаштириш

### **2.1.Иш ҳақи тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.**

Иш ҳақи иқтисодиётда ташқи кўринишдан бажарилган ишни иш берувчи томонидан, меҳнат ҳаражатлари натижасига қараб, пул сифатида тўланадиган, ишчини рағбатлантиришнинг пулдаги ифодасидир. Лекин, бундай тариф юзаки ва уни ички табиатининг моҳиятини ёритмайди.

Социалистик жамият даврида иш ҳақида давлат томонидан ишчиларни моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун меҳнатни сон ва сифатига қараб тақсимланадиган миллий даромаднинг бир қисми сифатида қаралган. Бундай тариф оёша даврнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари тавсифига ва маъмурий бошқарув тизимига мос келган.

Бозор иқтисодиёти ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мазмунини тубдан ўзгартиришга олиб келди ва бозор иқтисодиётига мос иқтисодий дастакларни вужудга келтирди. Лекин ҳозирги иқтисодий ва оммавий адабиётларда иқтисодий категорияларга, жумладан иш ҳақида нисбатан ягона фикр йўқ. Уларнинг мазмунига ҳар хил таърифлар берилиши, турли хил ёритилишга олиб келмоқда. Шу сабабли биз иш ҳақида берилган

айрим таърифларни келтиришни лозим топдик. О.Е. Лучинин «Статистика в рыночной экономике» (Ростов-на-дону. «Феникс», 2006) иш ҳақиға қуйдагича таъриф беради: «Иш ҳақи – ижтимоий зарурий меҳнатнинг сон ва сифатига боғлиқ ҳолда ишчининг меҳнат даромадидир» (382 б).

Г.Х. Гендер, Н.И. Ведерниковалар «Оплата труда в упреждениях бюджетной сферы» (Санкт – Петербург, «Питер», 2003) иш ҳақининг моҳиятини ёритишда «... бозор иқтисодиётида иш ҳақи меҳнат ресурси баҳоси (ишчи кучи)» деб таърифлайди.

Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва Статистика Вазирлигининг 1998 йил 26 октябр №33 қарори билан тасдиқланган «Инструкция по статистике численности и заработной плате работающих по найму» да (Тошкент, 1999) иш ҳақи қуйдагича таърифланган: ««Иш ҳақи» тушунчаси пул ва натурал шаклдаги барча турдаги маошларни (ва ҳар хил мукофотлар, устамалар, қўшимчалар, ижтимоий имтиёзлар)ни... қамрайди».

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексида иш ҳақи атамаси ишлатилмаган, унда «Меҳнат ҳақи» иш ҳақи мазмунида ишлатилган. Кодекснинг 153-моддасида «Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувига биноан белгиланади деб таъкидланади.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарздаги тўловлар, жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касабга уюшмаси қўмитаси томонидан қабул қилинадиган бошқа локал йўжжатларда белгиланади. Меҳнат ҳақи, қоида тариқасида пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳолда бундан мустасно» - деб ёзилган.

Иш ҳақиға таълуқли чет эл адабиётларда берилган бошқа таърифларнинг айримларини келтирамиз. Уларда:

Иш ҳақи – бу меҳнат баҳоси; бу ишчи кучи баҳоси; бу меҳнат хизматлари баҳоси; бу иқтисодий рентанинг шакли; бу ишчи кучини ижараси учун тўлов каби таърифлар келтирилган.

Бундай таърифларни юзлаб келтириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иш ҳақи ниҳоятда мураккаб иқтисодий категория эканлигига шубҳа туғилмайди.

Ушбу масала юзасидан биз ўз мулоҳазаларимизни билдириб ўтамиз.

Иш ҳақи назарий жиҳатдан тарихий, ижтимоий-иқтисодий категориядир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар хил моддий неъматлар қаторида ишчи кучи олди-сотди предмети сифатида меҳнат бозори объектига айланади. Ишчи кучи олди-сотди предмети сифатида истеъмол қийматга ва қийматга эга бўлиши керак. Ушбу тушунчалар бошқа моддий неъматлар истеъмол қиймати ва қиймати тушунчаларига нисбатан фарқ қилиб, жуда мураккаб ва иқтисодий-статистик нуқтаи назардан ҳисобга олиниши алақанча мураккабдир.

Кўп ҳолларда ишчи кучи ва меҳнат товар деб ишлатилади. Аслида товарнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятидан келиб чиқилса, ишчи кучи ва унинг меҳнати бошқа товарлардан шаклан ва мазмунан фарқ қилади.

Товар деб ўзи учун эмас, сотиш учун ишлаб чиқилган маҳсулотни тушунамиз. Олди-сотти натижасида товарнинг эгаси, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўзгаради. Товар айрибошлаш жараёнидан чиқиб, истеъмол жараёнига ўтади ва истеъмол предметига айланади. У истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондирувчи моддий неъмат сифатида хизмат қилади.

Ишчи кучи биринчидан, шаклан моддий неъмат эмас, у ишлаб чиқариш қуввати сифатида фаолият кўрсатувчи жонли омилдир;

иккинчидан, у олди-сотди жараёнида ўзи сотилмайди, унга эгалик қилиш ҳуқуқи ўзгармайди, бозорда меҳнат ресурси, меҳнат жараёнида ишлатиладиган унинг касбий маҳорати, қуввати, яъни унинг меҳнат қобилияти сотилади;

учинчидан, моддий неъматларнинг олди-сотди жараёнида тўла қиймати (бу ерда тўла қиймат деганда, унинг ҳақиқий қиймати эмас,

ижтимоий-зарурий қиймати, яъни унинг барча омиллар таъсири натижасида шаклланган қийматининг пулдаги ифодаси, яъни баҳоси эътиборга олинган), айрибошланади, сотилади. Ишчи кучи атамасига келсак, унга меҳнатининг тўла қиймати тўланмайди, аксинча қийматини бир қисми тўланади. Чунки, унинг меҳнати натижасида қўшимча қиймат яратилади.

Ишчи кучи меҳнатининг зарурий қисмига иш ҳақи тўланади, қўшимча қиймат яратувчи қисмининг қиймати иш берувчи, яъни мулк эгаси (давлат, жамоа, корхона, иш берувчилар) ҳамда жамият тараққиёти учун зарур бўлган қисмида қолади;

тўртинчидан, моддий неъматларнинг олди-сотди жараёни бирор бир лаїзада содир бўлади, ишчи кучи меҳнатини олди-сотди жараёни ўзоқ даврда содир бўлади.

Ушбулар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ишчи кучи, меҳнат алоҳида, ўз хусусиятига эга бўлган, олди-сотди жараёнининг предмети сифатида қаралиши лозим.

Бу борада иш билан меҳнатни фарқлаш зарур. Ишни ишчи кучи, яъни унинг меҳнати, меҳнат қилиш қобилияти бажаради. Иш берувчи ишчининг бажарган иши учун ҳақ тўлайди. Шунинг учун ҳам расмий ҳужжатларда иш ҳақи атамаси ишлатилади.

Умуман олганда бозорда ишчининг жисмоний ва интеллектуал меҳнат қилиш қобилияти сифатида, унинг тўла қиймати тўланмайди, аксинча уни қийматинг бир қисми - баҳоси меҳнат қилиш жараёнида тўланиб борилади.

Меҳнат (1-маъруза, 1.1. парпграфга қаралсин) бу ишчиларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида амалга ошириладиган онгли фаолиятидир.

Шундай қилиб, ишчи кучи ёки унинг меҳнатини умуман товар сифатида тарифлаш илмий-назарий нуқтаи назардан тўғри бўлмайди. Ишчи кучининг онгли фаолияти, унинг жисмоний ва интеллектуал меҳнат қилиш қобилияти бозорда сотилади ва ана шу қобилият товар бўлиб ҳисобланади.

Иш ҳақиға эса юқорида келтирилган товар қийматининг бир қисмининг (зарурий меҳнат) пулдаги ифодаси нуқтаи назардан қараш лозим.

Иш ҳақи ишчи меҳнати мотивациясини ва рағбатлантиришнинг шакли сифатида намоён бўлади.

Иш ҳақи, меҳнат ҳақи категориялари адабиётларда кўп ишлатилади, айримлар уларни синоним қаторида ишлатади<sup>3</sup>, айримлар уларни фарқлайди. Бунга тегишли фикрларни биз юқорида ҳам келтирдик. Масалан, Ю.Ф. Елизаров «Экономика организации» дарсликида (М., «Экзамен», 2005) «...иш ҳақидан, меҳнатга тўлов (меҳнат ҳақи) кенгроқ тушунча бўлиб, у иш ҳақидан ташқари ҳар хил тўловлар ва имтиёзларни ўз ичига олади» - деб таъкидлайди (115 бет). Муаллифнинг ушбу фикрларига қисман қўшилган ҳолда қуйидаги назарий фикрларни эътироф этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ҳақиқатдан олганда ҳар хил қўшимча тўловлар иш ҳақининг элементи ҳисобланади. Иш ҳақини бир неча хил элементларга бўлиш мумкин. Улар асосан (базали) иш ҳақи, устамалар, қўшимча тўловлар ва иш ҳақининг ўзгарувчан қисмидир (ҳар хил рағбатлантирувчи тўловлар).

Асосан иш ҳақи ишчининг функционал вазифаларини ҳар қандай шароитда ўз вақтида ва сифатли бажариши учун тўланадиган, белгилаб қўйилган, доимий тўланадиган пул тўловидир (айрим йолларда натурал ҳолда бўлиши ҳам мумкин).

Устамалар ва қўшимча тўловлар ишчи меҳнатининг алоҳида шарт шароити ва мазмуни учун тўланади. Масалан, меҳнат стажи, қўшимча функцияларни бажарганлиги, кечқурун, дам олиш ва байрам кунларида ишлаганлиги учун, ишламаган вақтлари учун тўлов, ҳудудий коэффицентлар, оғир шароитлардаги ишлар учун қўшимчалар ва ҳакозолар.

Иш ҳақининг ўзгарувчан қисми режадан юқори даражада бажарилган иш натижалари учун тўланади. Унга ҳар хил мукофатлар киради. Масалан, товар айланмаси режасини ортиқча бажаргани учун, бирон давр (квартал,

---

<sup>3</sup> Раицкий К.А. «Экономика предприятия». М., ИВЦ «Маркетинг», 1999.; Экономика предприятия (фирма), Коллектив авторов, М., ИНФА-М., 2004.; Ворст Й., Ревентлоу П., Экономика фирмы, М., Высшая школа, 1994.

йил) натижалари учун тўланадиган мукофотлар, бонус тўловлар ва юкозолар учун.

Расмий статистикада «Ишчи кучини сақлаш учун кетган харажатлар» кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткични бизнинг фикримизча меҳнат ҳақининг зарурий қисмининг қийматига тенглаштириш мумкин.

Меҳнат ҳақиға иш ҳақидан ташқари маданий-оқартув, соғломлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ижтимоий суғўрталар, махсус тўловлар ва бошқа харажат кабилар киради.

Меҳнат ҳақининг ижтимоий пакети таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳар хил ижтимоий тўловлар;
- номоддий (пулсиз) имтиёзлар (ҳар хил имтиёзлар, иш вақтини мослаштириш, қўшимча меҳнат таътилини бериш, эрта нафақага чиқариш ва ҳ.к.);
- фирма, корхонанинг акцияларни ўз ишчиларига сотиш;
- меҳнат шароити ва мазмунини яхшилаш;
- ишда яхши ижтимоий, психологик муитни яратиш;
- ишчиларни хизмат поёналаридан кўтарилиб борилишини таъминлаш;

Шундай қилиб, «иш ҳақи» миқдори «меҳнат ҳақи» миқдоридан («Ишчи кучини сақлаш учун харажатлар») таркиби билан фақланади

Мотивация деганда ишчининг фаолият учун ички дунёвий қизиқишини тушуниш керак. Мотивация инсон эҳтиёжини сёз меҳнати фаолияти орқали қондиришга интилишидир. Меҳнат фаолияти орқали инсон ўзининг нафақат моддий эҳтиёжларини, ямда ижтимоий эҳтиёжини ҳам қондиришга интилади (масалан, ўзини ҳимоя қилиш, дўстона муносабатлар, бошқалар ҳурматига сазовар бўлиш, шон-шарафга эга бўлиш, нуфўз кабилар).

Иш ҳақи категориясини назарий ва амалий нуқтаи назардан номинал иш ҳақи ва реал иш ҳақиға ажратиш зарур. Чунки иш ҳақининг реал

миқдориға инфляция, баҳо каби омиллар салбий таъсир кўрсатади. Улар натижасида номинал иш ҳақи - иш ҳақи пул ҳисобида ўзгармай турса, реал иш ҳақи - олинган пулга сотиб олинadиган товарлар ва хизматлар миқдори камайиб боради. Шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида иш ҳақини индексация қилиш қўлланилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ҳақи ёки иш ҳақини талқин қилганда, бизнинг фикримизча қуйидаги назарий масалаларни эътиборга олиш зарур.

Иш ҳақи юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик субъектлари фаолияти билан боғлиқ бўлиб, у ёлланма ишчиларга тўланади. Якка тартибдаги ёки оилавий тадбиркорларда фаолият (иш) юритувчилар учун меҳнат натижаси қандай тўланади? Меҳнат натижаси иш ҳақи сифатида намоён бўладими ёки бошқачами, деган саволлар туғилади. Ушбу масала бўйича биз ўз фикр мулоҳазамизни билдирмоқчимиз.

Ушбу масалага назарий нуқтаи назардан ёндашсак бундай хўжалик субъектлари учун иш ҳақи катигорияси мазмунан мос келмайди.

Улар учун меҳнат фаолияти натижасидан олинган даромад категориясини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, якка тартибда ишлаётган тадбиркорнинг даромади, оиланинг иш фаолиятидан олган даромади. Ушбу даромадни назарий ва амалий жиҳатдан ёритишда уларни икки қисмга бўлиб қараш керак. Яъни, даромаднинг бир қисми шахсий истеъмол учун ишлатилади. Уни шахсий истеъмол фонди деб юритиш ва уларнинг иш ҳақиға тенглаштириш мумкин.

Даромаднинг иккинчи қисми фаолиятни кенгайтириш ёки такомиллаштириш учун мўлжалланган бўлиб, уни жамғариш фонди деб аташ мумкин.

Худди шундай шахсий томорқаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маҳсулотга тўлов сифатида уларни натурал маҳсулотлари хизмат қилади. Бунда маҳсулотнинг бир қисми бозорга чиқарилиб қиймат шакли (пул)да намоён бўлиши, иккинчи қисми

уруғлик фондини ташкил қилади. Ёки маҳсулот оилади натурал шаклда ишлатилиб, бир қисми истеъмол фондини иккинчи қисми уруғлик фондини ташкил қилади.

Булар ҳам меҳнат ҳақи (тўлови) билан иш ҳақини ўртасидаги фарқларни англатувчи белгилардан ҳисобланади.

Иш ҳақининг моҳияти ва аҳамияти унинг иқтисодий жараёнда бажараётган функцияларидан келиб чиқади.

**Иш ҳақи биринчидан, меҳнатни моддий рағбатлантириш функциясини бажаради.** Бу функцияни иқтисодий деб ҳам айтиш мумкин. Бу функция иқтисодий деб юритилса иш ҳақини рағбатлантириш функциясига кенгрок қараш зарур бўлади. Масалан: иш ҳақининг табақаланиши ҳамда аҳолининг даромади, ҳарид қобилияти, минимал эҳтиёж саватчасининг шаклланиши масалаларини киритиш мумкин. Ушбу функцияни бажариш орқали иш ҳақи меҳнат мотивациясини кўтарилишини таъминлайдиган омил сифатида хизмат қилади;

**иккинчидан, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш функциясини бажаради.** Иш ҳақи ҳақиқатда ишчи кучини (умуман инсониятни) такрор ишлаб чиқариш учун моддий омил яратувчи восита сифатида хизмат қилади;

**учинчидан, ижтимоий функцияни бажаради.** Иш ҳақи аҳолининг нафақат моддий, балки ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ҳам хизмат қилади. У орқали ижтимоий ҳақиқатни таъминлаш мумкин, аҳолининг юқори ҳаёт даражаси, ишчилар ва улар оиласи ҳаётини сифати таъминланишига эришилади;

**тўртинчидан, ҳисоб китоб функциясини бажаради.** Иш ҳақи орқали ишчининг меҳнат қилиш қобилияти, қуввати ҳисоб-китоб қилинади, баҳоланади. Жамиятда фаолият кўрсатаётган ҳар хил тармоқ, соҳадаги ишчиларнинг меҳнат қобилиятини, уларнинг мураккаблиги ёки соддалигини солиштириш имконияти туғилади. Ишлаб чиқариш (иш, хизмат) жараёнида жонли меҳнатнинг ҳиссасини аниқлаш имконини яратади. (масалан, товар (иш, хизмат) баҳосида, таннархида, савдода муомала ҳаражатларида ва ҳ.к.);

**бешинчи функциясига тақсимотни киритиш зарур.** Бу функция орқали иш ҳақи жамиятда яратилган биринчидан, миллий даромадни аҳоли ўртасида, уларнинг меҳнатининг сон ва сифат жиҳатларидан келиб чиқиб пул ва натурал шаклда тақсимланишини; иккинчидан, товар ва хизматларни реал иш ҳақи сифатида аҳоли ўртасида тақсимланиши таъминланади;

**олтинчидан, иш ҳақи жамиятни бошқаришда давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида ишлатилади.** Иш ҳақи товарлар ва хизматларни таркибининг асосий элементларидан бири. Қийматнинг классик формуласига эътибор берилса  $c + v + m$  иш ҳақи товар ва хизматлар қийматининг иккинчи элементи «v» сифатида намоён бўлади.

Ушбулардан келиб чиқиб давлат «Минимал иш ҳақи»ни белгилаш орқали, баҳони, талаб ва таклифни тартибга солади, ҳамда инфляциянинг таъсирини чегаралайди;

**еттинчидан, иш ҳақи сиёсий функцияни ҳам бажаради,** масалан иш ҳақини камайтириш аҳоли томонидан норозичиликка, иш ташлашларга олиб келади, бу эса сиёсий муҳитни бўзиб юборади. Шу сабабли иш ҳақининг даражасини, унинг ҳолатини нафақат иқтисодчилар, балки жамият ҳолатини ўрганувчи сиёсатчилар, давлат арматуралари, социологлар, психологлар ва бошқа мутахассислар ҳам чуқур ўрганиши зарур.

## **2.2 Иш ҳақини ташкил қилиш қоидалари.**

Иш ҳақининг шаклланиши, ҳисоб китоби, белгиланиши жараёнида бутун жаҳон амалиётида қабул қилинган, ишлатилаётган қоидалар мавжуд. Ушбу қоидаларга иш берувчи томонидан риоя қилиниши, давлат, жамият, касаба уюшма ташкилотлари ҳамда ҳар бир ишчи томонидан назорат қилиниши ва талаб қилиниши мукин.

Ушбу қоидаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- меҳнатни сифат ва сон жиҳатларини ҳисобга олиш, уни ишлаб чиқариш (хизмат) натижаларига қараб рағбатлантириш;

- иш ҳақини дифференциация қилиш. Ушбу қоида иш ҳақини ишчининг малакаси, меҳнатининг мураккаблиги ва соддалигига, ақлий ва жисмоний меҳнатга, меҳнат шароитига, меҳнатни нормаллаштириш каби ҳамда бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда белгиланишини талаб қилади;
- иш ҳақи ҳар қандай хўжалик субъекти ҳодимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш керак;
- моддий рағбатлантириш шакллари, миқдори рақобатбардошликни таъминлаши керак;
- иш ҳақи давлат томонидан белгиланган минимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак;
- реал иш ҳақининг мунтазам ошириб боришни таъминлаш зарур. Номинал иш ҳақи ўсиш даражаси инфляция даражасига нисбатан юқори бўлишини таъминлаш;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси ўртача иш ҳақининг ўсиш даражасига нисбатан юқори бўлишини таъминлаш.

Иш ҳақини ташкил қилиш қоидаларини кўриб чиқишда биринчи омил сифатида давлатнинг ролини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Давлат иш ҳақи тизимини қонуний нормалар орқали бошқаради, у иш ҳақини бошланғич, базис даражасини белгилайди. Унга минимал иш ҳақи миқдори, минимал яшаш даражаси каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Булардан ташқари давлат иш куни давомийлигини, меҳнат таътили даврини ва уларга тўлов миқдорини белгилайди. Давлат ишчи ва иш берувчилар ўртасидаги низоларни суд орқали ҳал қилувчи арбитор бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатнинг ҳуқуқий қонуний iужжати сифатида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ҳисобланади (Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасида 21 декабр 1995 йили тасдиқланган ва 1996 йил 1 апрелдан амалга тушган). Ушбу меҳнат кодексининг 16 моддасида меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқлари, жумладан меҳнат мотивацияси ва воситалари белгилаб қўйилган.

Улар қаторига қуйидагилар киради:

- меҳнат ҳақини қонун билан белгилаб қўйилган минимал миқдордан кам бўлмаган даражада олиш;
- тасдиқланган меҳнат таътили ва уни ҳақини олиш, дам олиш ва байрам кунлари дам олиш;
- меҳнат шарт-шароити, унинг хавфсизлиги ва гигиенаси таъминланишига эга бўлиш;
- меҳнат фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг қопланиши;
- қонун билан белгиланган ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш ва ҳ.к.

Иш берувчи ва ишловчининг ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва иш ҳақи масалалари хўжалик субъектларининг ичида тўзилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Ушбу шартномада меҳнат шароити, иш ҳақи, уй жой ва медицина таъминоти, кафиллар ва имтиёзлар кабилар ўз аксини топади. Шартномалар муддациз, бирон муддатга (беш йилга) ёки бирон ишни бажариш даврига тўзилади.

### **2.3. Иш ҳақининг шакллари, тизими ва ҳисоблаш усуллари.**

Жахон амалиётида иш ҳақини ҳисоб китоб қилиш учун тан олинган иш ҳақи шакли ва тизими яратилган.

Иш ҳақи қуйидаги икки шаклдан иборат:

- вақтбай иш ҳақи;
- ишбай иш ҳақи:

Иш ҳақи икки ҳил тизимда, яъни тарифли ва тарифсиз тизимда амал қилади.

Вақтбай иш ҳақи оддий вақтбай (соат, кун, ҳафта, ой) ва вақтбай – мукофотли тизимларга бўлинади.


Ишбай иш ҳақи эса оддий (бевосита) ишбай, ишбай-мукофатли, билвосита-ишбой, аккорд тизимларига бўлинади.

Юқоридагилар ҳаммаси таърифли тизимга киради.

Булардан ташқари тарифсиз тизим ҳам қўлланилади.

Иш ҳақи шакллари ва тизимларини қуйидаги (6.3.1) чизмада ифода этамиз.

2.3.1 чизма Иш ҳақи шакллари ва тизимлари



Иш ҳақини ташкиллаштириш хўжалик субъектларида қуйидаги элементлар (кўрсаткичлар)ни ишлаб чиқиш (шакллантириш, ҳисоблаш, тасдиқлаш) билан амалга оширилади:

- биринчидан, меҳнатни нормаллаштириш;
- иккинчидан, тариф тизимини аниқлаш;
- учинчидан, иш ҳақини муқобил шакли ва тизимини танлаш;
- тўртинчидан, иш ҳақи фондини шакллантириш;
- бешинчидан, моддий раҳбатлантириш турларини белгилаш.

Меҳнатни нормаллаштириш меҳнат сифатини ва умумий натижага индивидуал шахсларнинг ҳиссасини аниқлаш воситаси сифатида хизмат қилади. Меҳнатнинг самарадорлигини ошириш ҳамда иш ҳақини оқилона белгилаш, уни ташкил қилиш учун илмий асосланган меҳнат нормаси ва нормотивларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Норма ва нормотивлар орқали меҳнат ва иш ҳақи кўрсаткичларини чуқур тадқиқот қилиш, прогнозлаш ва режалаштириш осонлашди.

Бозор иқтисодиёти шароитида норма ва нормотивлар меҳнатни одилона, адолатли ва ва ҳаққона баҳолашни таъминлайди. Бу эса ўз вақтида корхона, ташкилот ва бошқаларда жамоанинг жипслашишига, меҳнат унумдорлигини ва самарадорлигини оширишга олиб келади.

Умумий овқатланишда меҳнатни нормалаштириш орқали сотиб олувчиларга хизмат кўрсатиш (масалан, бир сотувчи бирон даврда нечта сотиб олувчига хизмат қилиши) мумкинлиги нормасини, ошпазлар сотувчилар, буфетчилар, официантлар, раҳбарлар, мутахассислар ва ёрдамчи ходимларнинг рационал сонини ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

Тариф тизими – норматив мажмуаси бўлиб, улар асосида иш ҳақини дифференциациялаш таъминланади. Иш ҳақини дифференциациялаш меҳнатнинг мураккаблиги, шарт – шароити, табиий – иқлимий шароити, меҳнатнинг интенсивлиги унинг тавсифини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Иш ҳақини ташкил қилишнинг асосини тариф тизими ташкил қилади.

Биз юқорида келтирганимиздек Ўзбекистон Республикасида ҳам иш ҳақи тизими тарифли ва тарифсиз иш ҳақи тизимидан ташкил топади.

Тариф тизими қуйидаги нормотив іужжатлардан таркиб топади:

I – Иш ва ишчилар касб ҳунарини тарифий- малакавий маълумотномаси ҳамда хизматчилар лавозимини малакавий маълумотномаси. Ушбу маълумотнома нормотив іужжат ҳисобланиб, ишчи ва ишчига, лавозимга қўйиладиган талабларнинг малакавий таснифини белгилайди. Унда ишчига ёки ишни бажариш учун зарур бўлган билим, кўникмалар ва ҳар хил касб, малакага таълуқли ишлар туркуми тарифланади. Тарифий – малакавий маълумотнома ишчилар малакаси даражасини ва тариф разрядини белгилайди;

Тарифий-малакавий маълумотнома бажариладиган ишларнинг тўла тавсифини ва уни бажарадиганлар учун қўйидаги малакавий талабларни ўз ичига олади. Улар ишни баҳолашда ягона мезондан фойдаланишни ва ишнинг мураккаблигидан келиб чиқиб ишчиларга таълуқли разряд белгилашни таъминлайди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда 1985 йил тасдиқланган Ягона тариф – малака маълумотномаси (ЯТММ) ишлатилмоқда. Унда ишнинг тавсифи ва ишга қўйиладиган талаблар келтирилган. Маълумотномада ҳар бир касб – ҳунарга бериладиган малакавий разряд кўрсатилади.

ЯТММ – га ўхшаш «Хизматчилар лавозими малакавий маълумотномаси» (ХЛММ) мавжуд. Унда ҳар бир лавозимда бажарилиши лозим бўлган бурчлар ва мутахассиларга, хизматчиларга қўйиладиган малакавий талаблар келтирилади.

II - Тариф ставкаси, иш вақти ўлчов бирлигига тўланадиган иш ҳақи миқдорининг пулдаги ифодаси.

Ишчиларга иш ҳақи тўлашда иш вақти ўлчов бирлигида(соат, кун, ой) ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) учун тўланадиган иш ҳақи миқдори белгиланади. Тариф ставкасини у ёки бу тўрини (соат, кун, ой) ишлатиш

корхонада фойдаланилаётган меҳнат нормалари туридан боғлиқ бўлади. Хозирги кунда соатбай тариф ставкасини ишлатиш кўпроқ тарқалган. Умумлаштириб айтганда ишчилар учун тариф ставкаси иш вақти ўлчов бирлигида бажариладиган оддий меҳнатни («О» - разряд) учун тўланадиган иш ҳақининг абсолют(пул ифодасида) миқдорини белгилайди.

«О» - разряд тариф ставкаси давлат томонидан белгиланган минимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Раҳбарлар, мутахассислар, хизматчилар, ёрдамчи хизматчилар ва айрим нормаллаштириш мумкин бўлмаган ишларни бажарувчилар учун тариф ставкаси лавозим оклади орқали белгиланади.

Тариф ставкага нисбатан рағбатлантириш тизими шаклланади. Мукофотлар, қўшимчалар, устамалар, ҳудудий коэффициентлар тариф ставкасига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

Бажариладиган иш хизмат разрядига қараб аниқланган, тариф ставкаларининг бир бирига нисбати тариф сеткасида ҳар бир разряд учун кўрсатиладиган тариф коэффициентларида ўз аксини топади. «0» разряд коэффициент бирга тенг. «0» разряддан бошлаб тариф сеткасида белгиланган максимал разрядгача тариф коэффициенти ортиб боради. (Тариф сеткасига қаралсин 2.3.1 жадвал).

III – Тариф сеткаси, иш ҳақини дифференциялашган миқдорни белгилайди. Унда меҳнат (иш, хизматлар)нинг хусусиятларидан келиб чиқиб ишчилар учун белгиланадиган разрядга қараб, тариф коэффициентлари орқали ойлик тариф ставкалари аниқланади. Тариф сеткасида иш ҳақи шкаласи ишлатилади, унда тариф разряди ва тариф коэффициентлари, тариф ставкаси ўз ифодасини топади.

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси бюджетдан молиялаштириладиган корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи – хизматчилар учун иш ҳақини белгилашда Ягона тариф сеткаси (ЯТС) асосида ҳисоб китоб қилинади.

Ягона тариф сеткасида тариф разряди ва тариф коэффициентлари келтирилади.

Тариф разряди ишчининг малака даражаси, ишнинг мураккаблиги, реал (аниқ)ликлиги ва бажариладиган вазифанинг жавобгарлигини аниқлайди.

Тариф коэффициенти тариф ставкасини тариф разрядининг ортиб боришига нисбатан юқориланиш даражасини белгилайди, яъни «0» разрядга нисбатан юқори малакали иш, хизмат неча маротаба кўпроқ иш ҳақи олишини кўрсатади.

Тариф разряди ва тариф коэффициенти орқали тариф ставка миқдори қуйидагича аниқланади:

$T_{ci} \text{ қ } T_o \cdot K_i$ ; бу ерда:

$T_{ci}$  – тариф ставкаси,  $i$  – разряддаги ишчи ёки ходим учун, сўмда;

$T_o$  – «0» разряддаги ишчи ёки хизматчи учун белгиланган тариф ставкаси, сўмда;

$K_i$  –  $i$  - разряддаги ишчи ёки ходим учун белгиланган тариф коэффициенти.

ЯҚ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи тўлашнинг ягона тариф ставкасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 20 июнь 2000 йилги 280 – сонли қарори билан тасдиқланган. У 22 тариф разрядини ўз ичига олган бўлиб, тариф коэффициентлари орқали ҳар хил турдаги иш ва лавозим окладларини белгилаш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ – 3808 – сон фармонида мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим ставка(оклад)лари миқдори қуйидагича белгиланган (2.3.1 - жадвал).

Давлат ва давлат акциядор корхоналари ЯҚ низомига риоя қилишлари шарт.

Бюджет тизимига қарамаган хўжалик субъектлари ўзлари иш ҳақи шаклини, тизimini, моддий раҳбатлантириш миқдорини, қўшимча тўловлар кабиларни мустақил белгилайдилар. Давлат тариф ставкаси окладларини улар асос сифатида ишлатишлари мумкин. Лекин, уларда ўрнатилган минимал иш ҳақи давлат томонидан белгиланган даражадан кам бўлмаслиги керак.

Уларнинг миқдорига меҳнат бозоридаги рақобат ва корхоналарнинг молиявий имкониятлари таъсир қилади.

IV. Худудий коэффициентлар. Ушбу коэффициентлар ҳар хил табиий-иқлимий шароитларда ишловчиларнинг ҳаёт даражасини дифференциацияланишини таъминлайди ва иш ҳақиға қўшимча тўлов миқдорини коэффициент ўлчов бирлигида кўрсатади.

V. Устамалар ва ҳар хил қўшимча тўловлар. Булар тариф ставкасида ҳисобга олинмаган омилларни ҳисобга олиб, иш ҳақининг яқка тартибланишини таъминлайди. Масалан, бажариладиган иш ёки лавозимнинг муҳимлиги; меҳнат стажининг доимийлиги; тил билиши; меҳнатга муносабати;

## 2.3.1- жадвал

### Бюджет муассаса ва ташкилотлари ходимларининг лавозим ставка (оклад)лари миқдори

| Тариф<br>разрядлари | Тариф коэффи<br>циент<br>лари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015<br>йил 24 августдаги ПФ – 4751-сонли Фармони ва<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги<br>206-сонли қарори асосидаги тариф<br>коэффициентларига биноан 2015 йил сентябрдан<br>қўлланиладиган тариф ставкалари миқдори, (сўм) |
|---------------------|-------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1.                  | 2                             | 3                                                                                                                                                                                                                                                                               |
| 1.                  | 2.476                         | 322474                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 2.                  | 2.725                         | 354904                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 3.                  | 2.998                         | 390460                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 4.                  | 3.297                         | 429401                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 5.                  | 3.612                         | 470427                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 6.                  | 3.941                         | 513276                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 7.                  | 4.284                         | 557948                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 8.                  | 4.640                         | 604314                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 9.                  | 4.997                         | 650809                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 10.                 | 5.362                         | 698347                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 11.                 | 5.733                         | 746666                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 12.                 | 6.115                         | 796418                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 13.                 | 6.503                         | 846951                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 14.                 | 6.893                         | 897744                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 15.                 | 7.292                         | 949710                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 16.                 | 7.697                         | 1002457                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| 17.                 | 8.106                         | 1055725                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| 18.                 | 8.522                         | 1109905                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| 19.                 | 8.943                         | 1164736                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| 20.                 | 9.371                         | 1220479                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| 21.                 | 9.804                         | 1276873                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| 22.                 | 10.240                        | 1333658                                                                                                                                                                                                                                                                         |

қўшимча вазифага ёки ишда йўқ ишчини лавозимини бажариш; кечкурун,  
дам олиш, байрам кунларида ишлаш кабилар учун тўловлар.

Уларнинг хусусиятларига қарасак, устама компенсация ролини  
ўйнайди, қўшимчалар эса рағбатлантириш хусусиятига эга.

Тариф тизими, юқорида келтирилгандек иш ҳақини ҳар хил шаклларида фойдаланишни тақозо қилади. иш ҳақи шаклларига батафсил тўхталиб ўтамиз.

#### Вақтбай иш ҳақи.

Вақтбай иш ҳақи икки хил тизимдан иборат:

- оддий - вақтбай;
- вақтбай - мукофотли.

Оддий- вақтбай иш ҳақи шакли ишлатилганда иш ҳақи тариф ставкаси ёки лавозим оклади асосида ҳисобланади. Лавозим окладлари лавозим (штат) жадвалларида кўрсатилади. Лавозим оклади – тўла ишлаган ой учун белгиланган иш ҳақи миқдори. Ишчиларга иш ҳақи ҳисоблашда оддий-вақтбай шакли, соатбай ёки кунбай турлари ишлатилади. Бунда иш ҳақи миқдори соатбай (ёки кунбай) иш ҳақи ставкасини ҳақиқий ишлаган соатлар ёки кунлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Унинг учун қуйидаги формулани ишлатиш мумкин.

$$I_x \text{ қ } C_{tc} \cdot t_i \quad \text{ёки} \quad I_x \text{ қ } K_{tc} \cdot K_o \text{ бу ерда}$$

$I_x$  – ишчининг ойлик иш ҳақи суммаси, сўмда;

$C_{tc}$  – ишчига белгиланган бир соатли тариф ставкаси, сўмда;

$t_i$  – ишчиларнинг бир ойда ишлаган вақти, соат;

$K_o$  - бир ойда ишчининг ишлаган кунлари сони, кун;

$K_{tc}$  – ишчига белгиланган бир кунлик тариф ставкаси (7 ёки 8 соат иш кунига белгиланган), сўмда.

Юқорида келтирилган шакл (оддий-вақтбай) асосан ёрдамчи ва хизмат қилувчи ходимлар учун қўлланилади.

Лавозим окладлари бошқарув, маъмурий хўжалик ходимлари, мутахиссислар ва меҳнат жараёни нормаллаштирилиб бўлмайдиган ёки

асосли ҳисобга олишни иложи йўқ иш турларни бажарадиганлар учун қўланилади.

Хизматчиларга иш ҳақи тўлаш ўзининг мазмуни жиҳатидан вақтбай-мукофотлига яқин бўлиб, у асосида иш ҳақининг асосийси – лавозим оклади (одатда бир ойлик) ва ундан ташқари қўшимчалар ва мукофотлар тўланади.

Лавозим оклади ишбай жадвали асосида хизматчининг касбий малакаси, иш ҳажми, тавсифи ва бошқа омилларга қараб белгиланади.

Вақтбай-мукофотли иш ҳақи шакли ишлатилганда тариф ставка ёки лавозим оклади орқали аниқланган иш ҳақидан ташқари ишчи ва хизматчиларга ҳар хил мукофотлар тўланади. Унинг учун корхона, хўжалик субъектлари махсус низом ишлаб чиқади.

Моддий рағбатлантириш миқдори низомда ишчи ва хизматчилар бажарган ишлар ва вазифаларни сон ва сифат кўрсаткичларига қараб фоизда ёки абсолют сўмда кўрсатилиши мумкин. Рағбатлантириш кўрсаткичлари ва миқдори жамоа шартномаси ёки меҳнат шартномасида кўрсатилиши ёки раҳбар буйруғи билан амалга оширилиши мумкин.

Моддий рағбатлантириш ҳар ойда, кварталда, йил натижаси бўйича ва айрим иш ёки вазифани бажарилиши натижаси бўйича амалга оширилади. Мукофот суммаси ( $M_c$ ) қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$I_x (p + k \cdot n)$$

$M_c$  қ-----; бу ерда:

$$100$$

$p$  – режалаштирилган 100,0% бажарганлиги учун рағбатлантириш миқдори, %;

$k$  – режани ортиғи билан бажарганлигининг ҳар бир фоизи учун моддий рағбатлантириш миқдори, %;

$n$  – режанинг ортиғи билан бажарилган даражаси, %.

Вақтбай иш ҳақи шакли қуйидаги ҳолларда кўпроқ самара беради:

- ишчининг вазифаси техник-технологик жараёнларни кўзатиш ва назорат қилиш билан боғлиқ бўлса. Савдода ва оммавий овқатланиш соҳасида улар қаторига савдо залидаги назоратчилар, маъмурлар киритилиши мумкин;
- фаолият жараёнида ишнинг сафати ва хизматни бажариш муддати муҳим аҳамиятга эга бўлса. Савдода ва оммавий овқатланиш соҳасида менежерлар, технологлар, мастер-товарлар, юқоридаги жараёнлар учун жавобгар шахслар киради;
- сон жиҳатдан натижани ҳисобга олиш қийин ёки имконияти бўлмаса. Булар қаторига раҳбарлар, мутахассислар, ва ёрдамчи ходимларни киритиш мумкин.

#### Ишбай иш ҳақи

Ишбай иш ҳақи меҳнат натижасини сон ва сифат жиҳатдан ҳисоб-китоб қилиш имконияти бўлган ишчи ва хизматчилар учун қўлланилади. Бунда асосан бажарилган иш ёки хизмат ўлчов бирлигига нисбатан расценка ишлатилади. Масалан, 1000 сўмлик товар айланмасига, 100 порция ишлаб чиқарилган овқатлар сонига, хизмат кўрсатилган хўрандалар сонига ва ҳоказолар учун.

Ишбай иш ҳақи шакли иш ёки хизмат натижасини ошириб бориш асосий мақсад бўлганда ёки меҳнат натижаси ишчига ёки бригадага боғлиқ бўлганда ёки меҳнат натижасини аниқ ҳисоблаш имконияти бўлганда ишлатилса кўпроқ самара беради.

Ишбай иш ҳақи тизимида ишлатиладиган усуллар 11.1.1 чизмада келтирилган.

Ишбай иш ҳақи шакли савдода ва оммавий овқатланиш соҳасида асосан сотувчилар, кассирлар, официантлар, ошпазлар ва буфетчилар учун ишлатилади.

Ишни ташкил қилиш шароитига қараб ишбай иш ҳақи якка тартибда ва жамоавий (бригада) турларига бўлинади.

Бевосита ишбай иш ҳақи ҳақиқий бажарилган иш, хизмат миқдорини белгиланган расценкага кўпайтириш йўли билан аниқланади ва бу ҳолда мукофотлар ишлатилмайди.

Масалан: а) якка тартибда расценка белгиланган бўлса

$I_{x.} \text{ қ } \sum p_{i.} \cdot q_{i.}$  бу ерда:

$p_{i.}$  –  $i$ - иш ёки хизмат ўлчов бирлигига белгиланган расценка, сўм;

$q_{i.}$  – ишчи томонидан бажарилган  $i$ -иш ёки хизматнинг миқдори, сон бирлигида бир ойга.

б) жамоа (бригада) учун расценка белгиланган ҳолда жамоа (бригада) бажарган иш ёки хизмат миқдори белгиланган расценкага боғлиқ бўлади. Ҳар бир ишчининг иш ҳақи уларнинг разрядлари ва бир ойда ишлаган иш вақтига пропорционал тақсимланади. Бунда бригадани иш ҳақи ( $I_{x.б.}$ ) қуйидагига тенг бўлади:

$I_{x.б.} \text{ қ } \sum p_{i.б.} \cdot q_{i.б.}$  бу ерда:

$p_{i.б.}$  – бажарилган иш ёки хизмат ўлчов бирлигига белгиланган бригада расценкаси, сўм;

$q_{i.б.}$  – бир ойда бригада бажарган иш ёки хизматнинг сон миқдори, сўм, дона ва ҳоказо.

Ишчининг иш ҳақи қуйидагича ҳисобланади:

$$Ц_{i.} \cdot t_i$$

$I_{x.i.} \text{ қ } I_{x.б.} \cdot \frac{\sum (Ц_{i.} \cdot t_i)}{n}$ ; бу ерда:

$$\sum_{i=1}^n (Ц_{i.} \cdot t_i)$$

$I_{x.i.}$  –  $i$ - ишчининг бир ойлик иш ҳақи миқдори, сўм;

$T_{с.i.}$  –  $i$ - ишчининг разряди бўйича белгиланган соатбай тариф ставкаси;

$t_i$  – ишчининг бир ойда ишлаган вақти, соат;

$n$  – бригададаги ишчилар сони.

Иш ҳақининг ишбай-мукофотли шакли ишлатилганда белгиланган расценка бўйича асосий иш ҳақи юқоридагича ҳисобланади.

Ишбай-мукофотли иш ҳақи усули ишлатилганда мукофот суммаси вақтбай-мукофотли иш ҳақи усулида ишлатилган формула орқали ҳисобланади.

Прогрессив ишбай иш ҳақи шакли ишлатилганда (бу шакл асосан ишлаб чиқариш тармоқларида кўпроқ қўлланилади) режа даражасида бажарилган иш учун иш ҳақи белгиланган расценкага қараб ҳисобланади, режадан ортиқ бажарилган иш учун эса оширилган расценкага нисбатан ҳисобланади.

Билвосита ишбай иш ҳақи шакли асосан қўшимча ишларни бажарувчи ишлар учун ишлатилади.

Аккорд иш ҳақи шакли бажариладиган ишнинг умумий хажмига белгиланади ва унда иш тез (белгиланган муддатга нисбатан) бажарилгани учун мукофот бериши режалаштирилади. Бу шакл қурилиш корхоналари ва автотранспортларда ишлатилади.

Хўжалик субъектлари учун мотивация муҳитини яратиш муҳим масалалардир. Шундай мотив ва рағбатлантириш усуллари яратиш керакки, раҳбардан тортиб, то оддий ишчигача ишларни бажариш улар учун ҳам қизиқарли, ҳам фойдали бўлсин. Бизнинг фикримизча мулкдор учун ҳам, ёлланма ишчи ҳам хўжалик субъектининг асосий мақсадини, («Х» даражадаги фойда ёки даромад олиш бир томондан, «Ҳ» даражадаги талаб ёки эҳтиёжни қондириш иккинчи томондан) бажариш умумий нуқта бўлиб ҳисобланиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳаракатдаги кафолатланган тариф ставкалари ва лавозим окладлари ишчи ва ходимларнинг маошини хўжалик субъекти мақсади билан боғлиқлигини тўла ифода қилмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида юқоридаги муаммони ҳал қилиш учун иш ҳақининг прогрессив шакллари, моделлари фойдаланишга ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бунга ушбу масалада хўжалик

субъектларининг мустақиллигини ошириш имконият яратмоқда. Бундай шаклга (моделга) тарифсиз тизимни киритиш мумкин. Бунда кафолатли тариф ставкалар лавозим окладлари, айрим устамалар ва кўшимчалар ишлатилмайди. Ушбу тизимда иш ҳақи фонди ёки жамоа томонидан ишлаган маошининг хажми улар ўртасида ишчи ходимнинг малакаси ва меҳнатининг сифатига қараб тақсимланади. Бунда иш ҳақини индивидуллаштиришга эришилади. Ушбу шакл (модел) чет элларда (АҚШ., Япония, Франция) қисман тажриба шаклда Россия ва Ўзбекистон корхоналарида ишлатилмоқда.

Тарифсиз тизим асосида маошларни меҳнатнинг сифатига (малакаси, маҳорати, лавозими) қараб унинг умумий фонддаги ҳиссаси ва миқдори аниқланади. Бунинг учун қуйидаги иш ҳақини ҳисоб-китоб формуласи ишлатилади.

$$I_{xi} = \frac{K_i}{\sum_{i=1}^n K_i} \cdot I_{x.\phi}$$

Бу ерда:  $I_{x.i}$  –  $i$  – ишчининг иш ҳақи;

$K_i$  –  $i$  – ишчининг иш ҳақи неча маротаба минимал иш ҳақидан юқорилигини кўрсатувчи коэффицент;

$n$  – ишчиларнинг умумий сони.

Тарифсиз иш ҳақи тизими ишлатилганда алоҳида ишчининг иш ҳақини ҳисоблашда юқоридагидан ташқари алоҳида ишчининг меҳнатига иштирок этиш коэффицентини аниқлаш орқали ҳам, ишчининг иш ҳақи фондидаги ҳиссасини ва иш ҳақининг миқдори ҳисоб китоб қилинади.

Хозирги вақтда савдо ва омавий овқатланиш соҳасида иш ҳақининг тарифсиз тизимидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Бунда силжувчи окладлар, шартномавий (меҳнат шартномаси, жамоавий шартномаларда кўрсатилиши мумкин) ва комиссион усули қўлланилади.

Иш ҳақининг тарифсиз тизимида иш ҳақи фондини тақсимлаш қоидаси ишлатилади. Яъни бригада ёки жамоа учун ажратилган иш ҳақи фонди ишчи ёки хизматчилар ўртасида уларнинг фаолият натижасига қўшган ҳиссасини (ишнинг мураккаблиги, ишчининг малакаси, жавобгарлиги даражаси, ишлаган вақти кабилар) ҳисобга олган ҳолда тақсимланади. Бунда хир хил коэффицентлар, баллар тизими (рейтинг) кабилар ишлатилиши мумкин.

Иш ҳақининг тарифсиз тизимининг мақсади иш ёки хизматни (корхона, хўжалик субъекти, ташкилот) пировардидаги натижани моддий рағбатлантиришга қаратилади. Ушбу натижага қараб иш ҳақи фонди режалаштирилади.

Иш ҳақи миқдори унинг учун ажратилган маблағ ҳажмига қараб аниқланади.

Албатта ишчига қонуний iўжжатларда белгиланган минимал иш ҳақи миқдорини тўлаш кафолатланиши зарур.

Иш ҳақини силжувчи окладлар тизими иш ёки хизмат ҳажми режаси бажарилганда бошқа кўрсаткичлар (масалан: товар айланмаси таркиби, муомала (давр) ҳаражатлари даражаси ва таркиби, даромад, фойда миқдори, рентабеллик даражаси, меҳнат унумдорлиги ва бошқалар) ўзгарса белгиланган (келишилган) иш ҳақи миқдори ўзгартирилиб борилади. Ўзгартирилиш миқдори кўрсаткичларни у ёки бу томонлама ўзгарилиши миқдорига қараб коэффицентларда ёки фоизларда белгиланиши мумкин.

Комиссион иш ҳақи тизими сотувчиларга, савдо агентлари, диллерлар, реклама агентлари, товарлар билан таъминловчилар, овқатланиш зали маъмурлари, ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланувчилар, айрим мутахасислар, хизматчилар кабиларга қўлланилиши мумкин.

Комиссион иш ҳақи тизимининг кўп хиллари қўлланилади. Конкрет усули корхона, савдо, оммавий овқатланиш шайобчаларининг мақсадига, муомаладаги товарларнинг хусусиятига, бозорнинг муҳитига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Тарифсиз иш ҳақининг коммиссион усули қўлланилганда иш ёки хизмат натижаси миқдорига коммиссион фоиз (якка тартибдаги ёки жамоа, бригада) белгиланади ва у қуйидагича аниқланади:

$$Их.б. = \frac{ТА \cdot K_{ф.б}}{100} \text{ ёки } И_{x.i} = \frac{ТА \cdot K_{ф.i}}{100}$$

Бу ерда: ТА – бажарилган иш, хизмат миқдори ёки бошқа белгиланган кўрсаткич, бу ерда товар айланмаси суммаси келтирилган;

$K_{ф}$  – «ТА» миқдорига белгиланган коммиссион тўлов фоизи, % да - тегишлича «б» бригада, «i» алоҳида ишчи учун.

Корхона ёки хўжалик субъекти товар айланиш хажмини оширишга интилса, одатда товар айланиш хажмига нисбатан коммиссион фоизи белгилананди.

Масалан, савдо шаъоибчаси сотувчисига магазин директори томонидан товарлар айланиши хажмига нисбатан 10,0% коммиссион тўлови белгиланган. Ой давомида товар айланмаси хажми 900000 сўмни ташкил қилган бўлса, сотувчини иш ҳақи 90000 сўмни ( $900000 \times 10/100$ ) ташкил қилади.

Коммиссион – ошиб борувчи (прогрессив) усул ишлатилганда иш ҳақини қуйидагича аниқлаш формаласини тавсия қиламиз.

$$Их.i = K_{их.p} + \frac{K_{их.p} \cdot КТФ}{100}$$

Бу ерда:  $I_{x.i}$  – i – сотувчининг ойлик иш ҳақи;

$K_{их.p}$  – режадаги коммиссион тўлов суммаси;

КТФ – коммиссион рағбатлантириш миқдори, % ҳисобида.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иш ҳақининг контаракт (шартномавий) тизими кенг тарқала бошланди. Умуман контракт (шартномавий) иш ҳақи тизими бутун жаҳонда кенг тарқалган. Шуни эътиборга олиш керакки, бу тизим ишлатилганда аслида тариф сеткаси, тариф разрядлари, тариф коэффицентлари, тариф ставкалари ва моддий рағбатлантириш тизимларини ҳамда бошқа омилларни чуқур таҳлил қилиш

асосида иш ҳақини контракт (шартномада) кўрсатилган миқдорда аниқланади.

Бу албатда контракт (шартнома) миқдори иш берувчи ёки мулкдорнинг иш ҳақи учун ажрата оладиган маблағи ҳажми, уни имконияти чегарасида белгиланади.

Меҳнат (жамоавий) контракт (шартнома) да иш ҳақи миқдори (вақтбай ёки ишбай шакли кўрсатилиши мумкин) моддий рағбатлантириш ва жавобгарлик шарти, меҳнат шарт-шароити, ишчининг ҳуқуқи ва бурчи, контракт (шартнома) муддати келишилади.

Иш ҳақининг тарифсиз тизими ишлатилишда:

- аниқ савдо ходимиға қўйилган вазифа ва мақсадни;
- мақсадға эришиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар;
- мақсадға эришиш даражаси ва моддий рағбатлантириш миқдорини сон нисбатини аниқлаб олиш лозим бўлади.

#### **2.4. Иш ҳақи фондининг таҳлили.**

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари (корхона, ташкилот, муассаса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик)ни иш ҳақи тўлаш соҳасидаги сиёсатига бир қанча омиллар таъсир қилади. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш лозим:

- бажариладиган иш ҳажми (савдода асосан товар айланмаси, оммавий овқатланишда маҳсулот ишлаб чиқариш, товар айланмаси, хизмат кўрсатилган ходимлар сони);
- хўжалик субъектларини молиявий ҳолати;
- минимал иш ҳақи миқдори;
- тариф ставкаларини ва тариф сеткасининг (разрядлар, тариф коэффиценти) ўзгариши;
- устамалар ва қўшимча тўловлар миқдорининг ўзгариши;
- корхоналар, хўжалик субъектларининг меҳнатини рағбатлантириш сиёсати;

- ишчи ходимларни сони, уларнинг малакаси ва касбий маҳратининг ўзгариши;
- меҳнат бозори конъюнктураси;
- рақобат даражаси ва бошқалар.

Иш ҳақини тадқиқот қилишда унинг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари, унга бевосита ва билвосита алоқадор кўрсаткичлар ишлатилади.

Ушбу кўрсаткичларга тўхталиб ўтамиз.

Иш ҳақининг абсолют кўрсаткичи сифатида иш ҳақи фондининг суммаси, унга бевосита таъсир қилувчи тариф ставкалари, лавозим окладлари, хўжалик субъектларининг иш ҳажми (савдо ва оммавий овқатланишда уларнинг товар айланмаси ҳажми) муомала ҳаражатлари, даромад ва фойда суммаси кабиларни киритиш мумкин.

Иш ҳақининг нисбий кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- иш ҳақининг даражаси. Ушбу кўрсаткич бирон бир даврга (ой, квартал, йил) иш ҳақи фонди суммасини 100,0га кўпайтириб тегишли соҳани, корхонанинг товар айланмаси ҳажмига бўлиш орқали аниқланади;
- ишчи ва ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори. Бу кўрсаткич тегишли соҳада, корхонада, бирон давр давомида ишчи ва ходимларга тўланган, иш ҳақига киритиладиган барча пул ва натурал шаклдаги тўловлар ва ижтимоий нафақалар суммасини даврдаги ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига бўлиш орқали аниқланади;
- иш ҳақининг даромадлилигини, яъни бир сўм иш ҳақига қанча даромад тўғри келишлиги. Бу кўрсаткич бирон бир даврда ходимлар фаолиятига тегишли бўлган даромадлар суммасини уларнинг иш ҳақи суммасига бўлиш билан ҳисобланади;

- иш ҳақи рентабеллиги. Уни аниқлаш учун бирон бир даврда ходимлар фаолиятига тегишли бўлган фойда суммасини 100,0 га кўпайтириб, иш ҳақи суммасига бўлинади. Ушбу кўрсаткич иш ҳақи бирлиги неча фоиз фойда келтираётганлигини билдиради;
- иш ҳақининг муомала харажатларидаги ҳиссаси. Ушбу кўрсаткич бирон бир даврга иш ҳақи суммасини муомала харажатлари суммасига бўлиш ва 100,0 га кўпайтириш орқали аниқланади.
- устамалар ва қўшимчаларнинг иш ҳақидаги ҳиссаси, фоизда ёки коэффициентларда;
- иш ҳақининг бирон бир даврга (3,5,10 йил) ўртача ўсиш суръати. Ушбу кўрсаткични оддий ўртача геометрик формуласи орқали аниқлаш мумкин, яъни

$$\bar{I}_{x,y,c} = \sqrt[n]{I_{x,y,c}^1 \cdot I_{x,y,c}^2 \cdot \dots \cdot I_{x,y,c}^n}$$

Бу ерда:  $\bar{I}_{x,y,c}$  иш ҳақини бирон бир даврга ўртача ўсиш суръати

$I_{x,y,c}^{1,2,3,\dots,n}$  қ иш ҳақини тегишли йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати. Ушбу кўрсаткич конкрет олинган йилдаги иш ҳақини ундан олдинги (ўтган) йил кўрсаткичига бўлиш ва 100,0га кўпайтириш орқали фоизда ёки индекс ўлчовида аниқланади, яъни

$$I_{x,y,c}^1 \text{ қ } \frac{I_x^1}{I_x^0} * 100,0 \text{ ёки } \frac{I_x^1}{I_x^0}$$

Иш ҳақини ўртача ўсиш суръати ва тегишли индекслар алоҳида ходимларнинг ўртача иш ҳақи кўрсаткичи бўйича ҳам

аниқланади. Таҳлил жараёнида статистик кўрсаткичлар ҳам аниқланиши мумкин.

- реал иш ҳақини индекси ( $J_{p.и.х}$ ). Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

бу ерда:  $JI_{x.ў.с}$  – иш ҳақини бирор бир даврга индекси;

$J_p$  – истеъмол товарлари индекси тегишли даврга.

Иш ҳақи фонди таркиби ва ҳажмини аниқлашда статистик ҳисоботда иш ҳақиға нималар киритилса, шулардан келиб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси «Минмакроиктисодстат» давлат департаментининг 1998 йил 26 октябр №33 сонли қарори билан тасдиқланган «Ёлланма ишчилар сони ва иш ҳақини статистикаси тўғрисида»ги йўриқ хатида иш ҳақи тушунчасига барча қиймат (пулда) ва натурал шаклда, молиялаштириш манбаларидан қатъий назар, тўланадиган маошлар ҳамда мукофотлар, қўшимчалар, устамалар, ижтимоий-имтиёзлар, ишчиларга пул шаклида тўланган, қонунда белгиланган, ишламаган вақтлари (таълим, дам олиш ва байрам кунлари) учун тўловлар киритилади.

Иш ҳақи статистик ҳисоботларда:

а) пул шаклида-барча пул шаклида тўланган (ҳисоб-китоб қилинган), тўлов iужжатларига мос маошлар «брутто», яъни солиқлар ва барча турдаги тўловларни ҳисобга олган ҳолда;

б) натурал шаклда эса барча натурал тўловларни бозор баҳосида ҳисобга олган ҳолда кўрсатилади.

Пул шаклидаги иш ҳақиға:

I – Расценкалар, тариф ставкалари, лавозим окладлари (хўжалик субъектларида ишлатиладиган иш ҳақи шакли ва тизимидан келиб чиққан ҳолда) маошлар ва барча рағбатлантириш учун берилган пуллар суммаси киради.

II – Низомға асосан рағбатлантирувчи тўловлар, яъни:

а) бир маротаба тўланадиган мукофот, йил натижаси бўйича берилган тақдирлов;

б) рағбатлантирувчи тавсифга эга, бирламчи ijжатларда кўрсатилган мукофотлар;

в) устозлар (мураббийлар), касбий маҳорат учун тариф ставкаси ёки лавозим окладига устамалар;

г) моддий ёрдам сифатида ҳар йилги таътилга қўшимчалар;

д) кўп йиллар хизматлари учун бериладиган тўловлар (ижтимоий фондларга тўловларни ҳисобга олган ҳолда) киради.

III – Булардан ташқари иш режими ва шароитига қараб ўзини қопловчи (компенсация) тавсифига эга бўлган, ҳамда ишламаган кунлар учун тўловлар ҳам иш ҳақи таркибига киритилади.

Натурал шаклдаги иш ҳақига ишчиларга берилган барча товар, маҳсулот ва бошқа қийматга эга бўлган нарсалар ва улар учун бажарилган иш ёки хизматга тўловлар киритилади (коммунал хизмати учун тўлов, бепул овқатланиш, квартира тўлови, транспорт тўлови, ўзида қоладиган махсус кийимлар қиймати, даволаниш, дам олиш йўлланмалари қиймати, суғўрта ва ҳ.к.)

Ишчи кучини сақлаш учун кетган ҳаражатларга (уй-жойни жорий таъминлаш, берилган мебеллар қиймати) капитал қурилишларидан ташқари; барча ижтимоий суғўрталар (ижтимоий, нафақа, медицина, бандлик ва бошқа бюджетдан ташқари фондлар); махсус тўловлар (меҳнат билан таъминлашга, штатларнинг қисқариши, нафақага чиқишда бир марталик қўшимчалар, болаларга 2 ёшгача қараш учун, касбий касаллик ва бошқа иш жараёнида соғлиқни йўқотиш билан боғлиқ зиёнлар учун тўловлар); кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; маданий оқартув ишлар ва бошқалар киритилади. Булар иш ҳақи таркибига киритилмайди.

Иш ҳақи ва ишчи кучини сақлаш учун ташкилот, корхона ва бошқа хўжалик субъектларининг ҳаражатлари ишчи кучига кетган ҳаражатлар қиймати деб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган иш ҳақи фонди таркиби бўйича иш ҳақи фонди ташкилот, корхона ва бошқа хўжалик субъектларининг иш ҳақи фонди ҳисоб-китоб қилинади ва режалаштирилади. Иш ҳақи фондини таҳлил қилишда кенг иқтисодий ахборотлардан фойдаланиш зарур бўлади. Уларнинг манбалари бухгалтерия баланси, молиявий ва статистик ҳисоботлар, тезкор маълумотлар ва бошқалар. Ушбу манбалардан товар айланмаси, ходимлар сони, муомала ҳаражатлари, иш ҳақи фонди, даромадлар ва фойда каби кўрсаткичлар олинади ва фойдаланилади.

Улар қаторига Давлат статистик ҳисоботларидан «Товарлар сотиш ва қолдиқлар тўғрисида» (3-савдо шакл); «Чакана товар айланмаси тўғрисида» (1-савдо шакл); «Савдо ташкилоти ҳаражатлари тўғрисида» (5-С (савдо) шакли); «Меҳнат ҳисоби» (1-Т шакл); «Меҳнат, ходимлар сони ва таркиби тўғрисидаги ҳисобот» (1-Т шакл); «Ишчи кучини сақлаш ҳаражатлари қиймати тўғрисида» (1-Т шаклга илова); «Ходимлар сони ва таркиби тўғрисида ҳисобот» (1-Т(кадрлар) шакли); «Бухгалтерия баланси» (1-сонли шакл); «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-сонли шакл) ва бошқалар.

Иш ҳақи фондини таҳлил қилиш қуйидаги жараёнлар (босқичлар)дан иборат бўлади:

- маълумотларни тўплаш (режалар, ҳақиқатда ва кутилаётган);
- маълумотларга ишлов бериш, яъни тартибга солиш, солиштирма юзага келтириш, жадвалларга жойлаштириш;
- иш ҳақи фондига тегишли кўрсаткичларни исоблаш (меҳнат унумдорлиги, 1 ходимга тўғри келадиган иш ҳақи; иш ҳақи фондини товар айланмасига нисбати - %; иш ҳақи фондини муомала ҳаражатларига нисбати - %; даромадлар ёки фойдани иш ҳақи фондига нисбати - % ва бошқалар);
- таҳлил қилиш жараёни;
- хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Иш ҳақи фондини таҳлил қилишда ўртача иш ҳақини аниқлаш катта аҳамият тутadi. Чунки ушбу кўрсаткич бошқа ўртача кўрсаткичлар билан солиштирилиши (масалан: меҳнат унумдорлиги) улар ҳолатига баҳо бериш, прогноз қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи корхона бўйича умуман иш ҳақи фондидан тўланган (пул ва натурал шаклда) суммани ўртача иш ҳақи ва бошқа ўртача кўрсаткичларни аниқлаш учун ишлатиладиган ходимлар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Таҳлил жараёнида иш ҳақига тегишли бўлган кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилиши, уларни бир неча йилларга динамикаси ўрганилади ва иш ҳақи фондига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир қилиш даражаси (миқдори) аниқланади.

Таҳлилни «Ишчи кучини сақлаш учун тўловлар ва ҳаражатлар қиймати» кўрсаткичи таркибини ўрганишдан бошлашни тавсия қиламиз.

Унинг учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади (6.4.1 жадвал).

#### 2.4.1 – жадвал

##### Ишчи кучини сақлаш учун тўловлар ва ҳаражатлар қийматининг таҳлили

| №      | Кўрсаткичлар                                                 | Ўлчов<br>бирлиги | Ўтган<br>йил | Ҳисобот йили |   | Ўзгариш<br>сурати; % ва<br>Фарқи<br>( +, - ) |   |
|--------|--------------------------------------------------------------|------------------|--------------|--------------|---|----------------------------------------------|---|
|        |                                                              |                  |              |              |   |                                              |   |
| 1      | 2                                                            | 3                | 4            | 5            | 6 | 7                                            | 8 |
| 1.     | Товар айланмаси                                              | м.с.             |              |              |   |                                              |   |
| 2.     | Иш ҳақи фонди:                                               |                  |              |              |   |                                              |   |
| 2.1.   | сўмда                                                        | м.с.             |              |              |   |                                              |   |
| 2.2.   | Товар айланмасига нисбати                                    | %                |              |              |   |                                              |   |
| 3.     | Иш ҳақи:                                                     |                  |              |              |   |                                              |   |
| 3.1.   | Пул шаклидаги иш ҳақи                                        |                  |              |              |   |                                              |   |
| 3.1.1. | Сўмда                                                        | м.с.             |              |              |   |                                              |   |
| 3.1.2. | % да иш ҳақига нисбатан $(3.1.1. \cdot 100/2)$               | %                |              |              |   |                                              |   |
| 3.2.   | Натурал шаклидаги иш ҳақи:                                   |                  |              |              |   |                                              |   |
| 3.2.1. | Сўмда                                                        | м.с.             |              |              |   |                                              |   |
| 3.2.2. | % да иш ҳақига нисбатан $(3.2.1. \cdot 100/2)$               | %                |              |              |   |                                              |   |
| 4.     | Иш ҳақи ёзишда инобатга олинмайдиган тўлов ва ҳаражатлар     | м.с.             |              |              |   |                                              |   |
| 5.     | Ишчи кучини сақлаш учун кетган тўлов ва ҳаражатлар $(3 + 4)$ | м.с.             |              |              |   |                                              |   |
| 6.     | Ишчи кучини сақлаш учун кетган тўлов ва ҳаражатлар таркиби:  |                  |              |              |   |                                              |   |

|        |                                                                                                                |      |  |  |  |  |  |
|--------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------|--|--|--|--|--|
| 6.1.   | Иш ҳақи фонди ( $2 \cdot 100/5$ )                                                                              | %    |  |  |  |  |  |
| 6.2.   | Иш ҳақи ёзишда инobatга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар<br>( $4 \cdot 100/5$ )                             | %    |  |  |  |  |  |
| 7.     | Рўйхатдаги ходимларнинг йиллик ўртача сони киши (ўртача<br>миқдорларни исоблаш учун қабул қилинадиганлар сони) | киши |  |  |  |  |  |
| 8.     | 1 ходимга тўғри келадиган:                                                                                     |      |  |  |  |  |  |
| 8.1.   | Ишчи кучини сақлаш учун кетган тўлов ва харажатлар қиймати<br>( $5 : 7$ )                                      | Сўм  |  |  |  |  |  |
| 8.2.   | Иш ҳақи ( $2 : 7$ ) жумладан:                                                                                  | Сўм  |  |  |  |  |  |
| 8.2.1. | Пул шаклида ( $3.1 : 7$ )                                                                                      | Сўм  |  |  |  |  |  |
| 8.2.2. | Натурал шаклида ( $3.2. : 7$ )                                                                                 | Сўм  |  |  |  |  |  |
| 8.3.   | Иш ҳақини ёзишда инobatга олинмайдиган тўловлар ва<br>харажатлар қиймати ( $4 : 7$ )                           | Сўм  |  |  |  |  |  |

Иш ҳақи фондини таҳлил қилишда корхона, хўжалик субъектлари, ташкилотлар, корпорациялар, бирлашмалар иш ҳақи фонди режасининг (ой, квартал, йил) бажарилишини ўзлуксиз ўрганиб бориши зарур, ўз имкониятларидан келиб чиқиб келгуси ой ёки квартал режаларига ўзгартиришлар (корректировка) киритиш ёки иш ҳақи сиёсатини такомиллаштириш чора тадбирларини амалга ошириб бориши лозим.

Бундай таҳлил албатта иш ҳақи фондига биз юқорида келтириб ўтган омилларнинг таъсир даражасини ўрганишда статистиканинг «Занжирли боғланиш» ва индекс усуллардан кенг фойдаланиш мумкин.

Масалан: Иш ҳақи фондига ишбай иш ҳақи шаклини қўлланилганда савдо шайобчасининг чакана товар айланмаси (ЧТА) ҳажми, сотувчининг меҳнат унумдорлиги ( $M_y$ ), уларнинг сони ( $X$ ) ва ўртача иш ҳақи ( $\bar{Y}_x$ ) миқдори таъсир қилади.

Умуман олганда иш ҳақи фонди ( $I_\phi$ ) тенг бўлади (1)  $\bar{Y}_x \cdot X$ ; бу ерда  $X = \frac{ЧТА}{M_y}$  тенглигини ҳисобга олсак (2)  $I_\phi = \bar{Y}_x \cdot \frac{ЧТА}{M_y}$  келиб чиқади. Ушбу учта омилнинг иш ҳақи миқдорига таъсир даражаси «Занжирли боғланиш» усули орқали қуйидагича ҳисоб китоб қилинади.

Ҳар хил вариантларда иш ҳақи фонди ҳисобланади ва тегишли омилнинг таъсир даражаси аниқланади. Бу ҳисоб-китобларни қуйидаги шартли маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилиш мисолини кўриб чиқамиз.

2.4.1-жадвал.

Ишчилар сони, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи фонди.

| № | Кўрсаткичлар                               | Ўлчов<br>бирлиги | Ҳисобот йили |                  | Ўсиш<br>сурати (%) | Фарқи (+;-<br>) |
|---|--------------------------------------------|------------------|--------------|------------------|--------------------|-----------------|
|   |                                            |                  | Режа «0»     | Ҳақиқатда<br>«1» |                    |                 |
| 1 | Чакана товар<br>айланмаси                  | Млн сўм          | 45950        | 46841            | 101,3              | +891            |
| 2 | Ўртача рўйхатдаги<br>ходимлар сони         | Киши             | 1486         | 1335             | 89,8               | -151            |
| 3 | Меҳнат унумдорлиги                         | Минг<br>сўм      | 30922        | 34862            | 112,7              | +3940           |
| 4 | Иш ҳақи фонди<br>(барча<br>ходимларнинг)   | Млн сўм          | 1342         | 1269             | 94,6               | -73             |
| 5 | Ходимларнинг<br>ўртача иш ҳақи<br>(йиллик) | Минг<br>сўм      | 903          | 951              | 105,3              | +48             |

2.4.2 жадвал

Иш ҳақи таъсир қилган омиллар таъсирининг ҳисоб- китоби

| № | Кўрсаткичлар                      | Ҳисоблаш<br>формуласи                                                     | Ҳисоб-китоблар                                                            |
|---|-----------------------------------|---------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Чакана товар<br>айланмаси         | $\frac{ЧТА^1 \cdot I_x^{-0}}{M_y^0} - \frac{ЧТА^0 \cdot I_x^{-0}}{M_y^0}$ | $\frac{46841 \cdot 903}{30922} - 1342 = 1359 - 1342 = 17 \text{ млн.с}$   |
| 2 | Меҳнат<br>унумдорлиги             | $\frac{ЧТА^1 \cdot I_x^{-0}}{M_y^1} - \frac{ЧТА^1 \cdot I_x^{-0}}{M_y^0}$ | $\frac{46841 \cdot 903}{34862} - 1359 = 1205 - 1359 = -154 \text{ млн.с}$ |
| 3 | Ходимларнинг<br>ўртача иш<br>ҳақи | $\frac{ЧТА^1 \cdot I_x^{-1}}{M_y^1} - \frac{ЧТА^1 \cdot I_x^{-0}}{M_y^1}$ | $1269 - 1205 = +64 \text{ млн.с}$                                         |

2.4.1 жадвалда келтирилган маълумот бўйича иш ҳақи фонди режага нисбатан 73 млн. сўмга камайган.

Таҳлил натижаси бўйича ушбу камайиш чакана товар айланмасининг 891 мл.с ортиши натижасида 17 млн.сўмга кўпайган, меҳнат унимдорлигининг 3940 минг сўмга ортиши натижасида 154 млн. сўмга камайган, ўртача иш ҳақини 48 минг сўмга ўсиши натижасида 64,0 млн. сўмга ортган. Шундай қилиб учала омил натижасида иш ҳақи фонди  $+17 - 154 + 64 = +73$  млн.сўмга ортган.

Агарда таҳлил вазифасида иш ҳақи фондига ходимлар сонининг таъсири аниқлаш масаласи қўйилган бўлса иш ҳақи фондини юқорида келтирилган биринчи формуласидан фойдаланиш мумкин. ( $\dot{Y}_x \cdot X$ ). Бу ҳолда ходимлар сонининг таъсири қуйидагича аниқланади.

$$\dot{Y}_x^0 \cdot X^1 - \dot{Y}_x^0 \cdot X^0 - \text{бизни мисолда } 903 \cdot 1335 - 1342 = 1205 - 1342 = -137 \text{ млн.с}$$

Ходимлар сонини 151 кишига камайиши иш ҳақи фондини -137 млн.сўмга камайитишга олиб келган. Ушбу ҳол чакана товар айланмаси ва меҳнат унимдорлигининг ўзгариши таъсири остида вужудга келган.

Ўртача иш ҳақини ўзгариши натижасида юқоридаги 2.4.2. жадвал маълумотидан иш ҳақи фонди +64 млн.сўмга ортган. Умуман бу икки омил натижаси ҳам + 73 млн.сўмни ташкил қилади.

Иш ҳақини таҳлил қилишда унинг суммасини, даражаси ва муомала (давр) ҳаражатлари таркибининг ўзгаришини ўрганиш зарур. Бундай таҳлил учун қуйидаги жадвалдан (2.4.3) фойдаланиш мумкин.

Иш ҳақини ўзгариш суръатларини меҳнат унимдорлигининг ўзгариш суръатлари билан бир неча йилларга таққослама таҳлил қилиш амалий ва назарий аҳамиятга эга. Чунки жамиятда жамғаришни таъминлаш учун меҳнат унимдорлиги иш ҳақиға нисбатан тезроқ суратларда ўсиб бориши зарур. Бундай жараёни алоҳида хўжалик субъектидан тортиб, соҳа, тармоқ ва жамият миқёсида таъминлашга эришиш лозим.

2.4.3. - жадвал

Иш ҳақи суммаси, даражасининг ва муомала ҳаражатларидаги  
ҳиссасининг ўзгариш суръати

| № | Кўрсаткичлар                                                                                                                                                                     | Ўлчов бирлиги         | Ўтган йиллар |   |   |   | Ҳисобот йили |       | Режага нисбатан ўзгариш сурати, (%), фарқи (+;-) | Ҳисобот йили ўтган йилларга нисбатан, %, фарқи (+,-) |   |   |   |
|---|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|--------------|---|---|---|--------------|-------|--------------------------------------------------|------------------------------------------------------|---|---|---|
|   |                                                                                                                                                                                  |                       | 1            | 2 | 3 | 4 | режа         | Ҳақи- |                                                  | 1                                                    | 2 | 3 | 4 |
| 1 | Товар айланмаси                                                                                                                                                                  | м.с                   |              |   |   |   |              |       |                                                  |                                                      |   |   |   |
| 2 | Муомала ҳаражатлари:<br>2.1. сўмда<br>2.2. даражаси<br>$(\frac{2 \cdot 1 \cdot 100}{1})$                                                                                         | м.с<br><br>%          |              |   |   |   |              |       |                                                  |                                                      |   |   |   |
| 3 | Иш ҳақи фонди.<br>3.1. сўмда.<br>3.2. даражаси.<br>$(\frac{3 \cdot 1 \cdot 100}{1})$<br>3.3. Муомала (давр) ҳаражатлардаги ҳиссаси.<br>$(\frac{2 \cdot 1 \cdot 100}{2 \cdot 1})$ | м.с<br><br>%<br><br>% |              |   |   |   |              |       |                                                  |                                                      |   |   |   |

Ушбу таҳлилни амалга ошириш учун қуйидаги жадвалдан (2.4.3.) фойдаланиш мумкин.

## Иш ҳақи ва меҳнат унимдорлигини ўзгариш суръатлари.

| № | Кўрсаткичлар                                                                                                                | Ўлчов<br>бирлиги  | Йиллар (х)     |                |                |                |                |                |
|---|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
|   |                                                                                                                             |                   | X <sub>1</sub> | X <sub>2</sub> | X <sub>3</sub> | X <sub>4</sub> | X <sub>5</sub> | X <sub>6</sub> |
| 1 | 2                                                                                                                           | 3                 | 4              | 5              | 6              | 7              | 8              | 9              |
| 1 | Товар айланмаси:<br>1.1. суммаси.<br>1.2. ўзгариш сурати<br>1.2.1. базис йилга нисбатан.<br>1.2.2. ўтган йилга нисбатан.    | м.с<br><br>%<br>% |                |                |                |                |                |                |
| 2 | Иш ҳақи фонди<br>2.1. суммаси<br>2.2. ўзгариш сурати:<br>2.1.2. базис йилга нисбатан.<br>2.2.2. ўтган йилга нисбатан.       | м.с<br><br>%<br>% |                |                |                |                |                |                |
| 3 | Ўртача иш ҳақи ва бошқа ўртача<br>миқдорларни ҳисоблаш учун қабул<br>қилинадиган ходимлар сони.                             | Киши              |                |                |                |                |                |                |
| 4 | Ўртача иш ҳақи:<br>4.1. суммаси<br>4.2. ўзгариш суратлари:<br>4.2.1. базис йилига нисбатан.<br>4.2.2. ўтган йилга нисбатан. | сўм<br><br>%<br>% |                |                |                |                |                |                |
| 5 | Меҳнат унимдорлиги<br>5.1. суммаси.<br>5.2. ўзгариш сурати<br>5.2.1. базис йилига нисбатан.<br>5.2.2. ўтган йилга нисбатан. | м.с<br><br>%<br>% |                |                |                |                |                |                |

## 2.5. Иш ҳақи фондини режалаштириш.

Иш ҳақини режалаштириш масаласи Ўзбекистон Республикаси корхоналари, хўжалик субъектларида қўлланилаётган одатдаги иш ҳақи тизимидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқамиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари иш ҳақини мустақил ташкил қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, унинг шакл ва моделларини ўзлари танлаши мумкин. Лекин бу деганимиз улар абсолют эркин, ўз хохиши билан иш ҳақини ташкил қилишнинг барча жиҳатларини ҳал қилади деган гап эмас. Иш ҳақининг минимал миқдори, тариф сеткаси устамалар ва айрим қўшимчалар давлат томонидан қонуний ҳужжатларда белгилаб қўйилади. Ҳар қандай шароитда иш ҳақи миқдори иш ҳақи нормасига, яъни ишчи кучи қийматининг зарурий қисми (ишчига мулкдор ёки давлат томонидан тўландаган), меҳнат бозорида унга талаб ва таклифдан келиб чиқадиган қийматига тенг бўлиши керак.

Норма – бу қонуний тусга эга бўлган, тан олинган тартиб, тасдиқланган меъёр ва ўртача кўрсаткичдир.

Иш ҳақи нормасининг хусусияти, шундаки, унда жамият, жамоа ва шахснинг иқтисодий манфаатлари келиштирилган ҳолда иқтисодий фаолиятни мақсадли топшириқлари, шарт-шароитлари, восита ва усуллари кўрсаткичлар орқали нормалаштирилади. Ушбу нормалар албатта қонуний ҳужжатларда ўз аксини топиши ва уни бўзилганлиги учун ҳуқуқий жавобгарлиги санкцияларда белгилаб қўйилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 155 моддасида «Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларни тўлиқ бажарган ходимнинг айрим меҳнат ҳақи миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас» - деб таъкидлаган.

Минимал иш ҳақи миқдори (МИХМ) Ўзбекистон Республикасида Президент фармони билан тасдиқланади ва уни бажариш барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик субъектлари учун мажбурий ҳисобланади.

МИХМ таркибига устамалар, қўшимчалар, моддий рағбатлантириш, норма ва иш вақтидан четга чиққан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган миқдорда тўланган ҳақлар, бошқа компенсацион тўловлар, шунингдек район коэффициентлари кирмайди.

Чет амалиёти ва умуман назарий нуқтаи назардан минимал иш ҳақи миқдори меҳнатга лаёқатли шахснинг минимал яшаш даражаси ёки аҳолининг минимал истеъмол саватчаси миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

МИХМ давлат томонидан иш ҳақини индексация қилиш шакли сифатида ҳам ишлатилади.

Хўжалик субъектларида, жумладан савдо соҳаси ва оммавий овқатланиш корхоналари ва шағобчаларида иш ҳақи фондини режалаштиришда нормотив, техник-итисодий ҳисоб китоблар, статистик-тажрибавий, индекс, коэффициентлар каби усуллардан фойдаланилади. Бунда албатта ишлатилаётган таъриф тизими ва иш ҳақи шакллари асос бўлиб ҳисобланади.

Иш ҳақи фондини режалаштиришда умумий овқатланиш соҳаси корхоналари ва шағобчаларида чакана товар айланмасининг умумий ҳажми ва товарлар ассортиментлари бўйича режаси, режалаштирилган ишчи ходимлар сони (ишчи ходимлар малакаси, бажариладиган ишлар турлари бўйича гуруҳлари), умумий овқатланиш шағобчалари типлари, таъриф ставкаси, лавозим окладлари, таъриф разряди ва коэффициентлари, корхонанинг молиявий имкониятлари кабилар ишлатилади.

Иш ҳақини фондини таҳлил қилганда ва режалаштиришда иш ҳақини асосий ва қўшимча қисмларга бўлинишини ҳисобга олиш лозим. Иш ҳақининг асосий қисми маошнинг таъриф ставкалар (лавозим окладлари, расценкалар) ва мукофотлардан ташкил топади. Унинг қўшимча қисмига ҳар хил устамалар ва қўшимча ҳақлар киритилади.

Иш ҳақини режалаштиришда қўлланилаётган иш ҳақи шаклига ва тизимига қараб ишчи ва ходимлар алоҳида гуруҳларга табақалаштирилиши лозим. Иш ҳақи ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ҳисобланади.

Таъриф ставкалари (лавозим окладлари) олувчи ходимларни иш ҳақи фонди қуйидагича ҳисобланади.

$$I_{x.\phi.m.c.} = \sum_{i=1}^n X_{m.c.i.} \cdot D \cdot T_{c.i.}$$

$I_{x.\phi.m.c.}$  - таъриф ставкаси оладиган ходимлар асосий иш ҳақи фонди;

$X_{m.c.i.}$  - бир хил таъриф ставкаси оладиган ходимлар сони;

$D$  - режалаштирилган давр учун ойлар сони;

$T_{c.i.}$  - ходимнинг ойлик таъриф ставкаси;

$n$  - ушбу гуруҳдаги ходимлар сони.

Ушбу ҳолда иш ҳақи фондини ишчи ходимларнинг касаллиги туфайли ишга чиқмаган кунлари учун иш ҳақи миқдори камайтиришни назарда тутиш зарур. Унинг миқдори ўтган йиллар таҳлилини (камида 3 йил) натижасига қараб  $I_{x.\phi.m.c.}$  - га нисбатан фоизда ва кейин суммаси аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз.

$$I_{x.k.} = \frac{D_{k.k.}}{D_{\bar{y}}} \cdot I_{x.\phi.m.c.};$$

$I_{x.k.}$  - ишчиларни касаллик кунлари учун иш ҳақи миқдори, сўмда;

$D_{k.k.}$  - ишчиларни касал бўлган кунлари;

$D_{\bar{y}}$  - йиллик иш кунлари;

Товар айланиш суммасига (1000,0 сўм) нисбатан расценка ишлатилаётган савдо шаъобчаларида сотувчиларнинг иш ҳақи фонди қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$I_{x.\phi.m.p} = \sum_{i=1}^n \frac{ЧТА_i \cdot T_{p.i}}{1000}; \text{ бу ерда;}$$

$ЧТА_i$  -  $i$  товар гуруҳ (ассортименти, тури) учун режалаштирилган чакана товар айланиш ҳажми;

$T_{p.i}$  -  $i$  товар гуруҳ (ассортимент тури) учун белгиланган 1000 сўмига расценка.

Моддий рағбатлантириш суммаси  $M_p$  ҳаракатдаги рағбаилантириш низоми ёки жамоавий шартномада белгиланган кўрсаткичлар ва ишчи ходимларни лавозимларга қараб, таъриф ставкалари (лавозим окладлари)га нисбатан аниқланади.

Устамалар ( $Y$ ) ва қўшимча тўловлар ( $K_m$ ) уларни қўшимча жамоавий шартномада корхонани уставида ёки махсус низом (агар мавжуд бўлса) белгиланган миқдор асосида ҳисобланади.

Йиллик меҳнат таътили ( $Й_{m.m}$ ) миқдорини қуйидагича аниқлашни тавсия қиламиз.

$$Й_{m.m} = \sum_{i=1}^n \left( \frac{D_{m,i}}{D_{\bar{i}}} \cdot I_{x,i} \right); \text{ бу ерда:}$$

$D_{m,i}$  -  $i$  ишчининг йиллик таътил куни;

$D_{\bar{i}}$  - йиллик ишчи кунлар;

$I_{x,i}$  -  $i$  ишчининг режалаштирилган йилга асосий иш ҳақи суммаси.

Корхона, ташкилот ёки бошқа хўжалик субъектларининг умумий иш ҳақи фонди ( $I_{x,y}$ ) қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$I_{x,y} = (I_{x,\phi..m.c} - I_{x,\kappa}) + I_{x,\phi..m.c} + \sum_{i=1}^n (M_{p,i}) + \sum_{i=1}^n Y_i + \sum_{i=1}^n K_{m,i} + Й_{m.m}$$

Иш ҳақи фондини статистик-тажрибавий усулни қўллаш орқали ҳам аниқлаш мумкин. Бунда иш ҳақи фондини ўтган 3 ёки 5 йил даврга таҳлил қилиб, уни ўзгариш тенденцияларини аниқлаб, режалаштирилган йилга иш ҳақиға таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариш тенденцияларини (индекслар ёки эластиклик коэффициентлари орқали) ҳисобга олиб аниқлаш мумкин.

Иш ҳақи фондини ўзгариш миқдорини меҳнат унумдорлиги тенденцияси билан солиштириб, улар ўртасидаги пропорционалликни таъминлаш зарар бўлади.

**Таянч иборалар:** Меҳнат ҳақи, иш ҳақи, ишчи кучи қиймати, таъриф тизими, таъриф ставкаси, лавозим оклади, таъриф разряди, таъриф коэффиценти, мотив, вақтбай иш ҳақи, ишбай иш ҳақи, таърифсиз тизим.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Иш ҳақининг мазмунини ёритинг?
2. Меҳнат ҳақини иш ҳақидан фарқини тушунтиринг?
3. Ишчи кучини сақлаш учун тўлов ва харажатларга нималар киради?
4. Меҳнат ҳақи ижтимоий пакетига нималар киради?
5. Иш ҳақи тизими моҳияти ва аҳамияти.
6. Иш ҳақини ташкил қилиш қоидалари.
7. Иш ҳақи шакллари.
8. Меҳнат мотивацияси деганда нимани тушунасиз ва у қандай воситалар орқали амалга оширилади?
9. Таърифсиз тизимнинг авзалликлари қандай номоён бўлади?
10. Прогрессив иш ҳақи тизимини тавсифлаб беринг.
11. Вақтбай – мукофотли иш ҳақи шакли ишбай– мукофотли иш ҳақи шаклдан нима билан фарқланади ва улар қандай ҳолларда ишлатилади?
12. Иш ҳақи фондининг таҳлили нимадан бошланади ва қандай кўрсаткичлар ишлатилади?
13. Иш ҳақи фонди қандай режалаштирилади?

**3- Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари  
маъруза.**

- 3.1. Умумий овқатланиш корхоналари даромадларининг табиати, моҳияти ва турлари
- 3.2. Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари таҳлили
- 3.3. Умумий овқатланиш корхоналари даромадларини режалаштириш ва прогнозлаш

Умумий овқатланиш корхоналари даромадларининг табиати, моҳияти ва турлари

Умумий овқатланишда даромадлар маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш ва истеъмол қилинишини ташкил қилиш ҳамда сотиш учун сотиб олинган товарларни айрибошлаш ва бошқа фаолиятларга боғлиқ.

Умумий овқатланишда даромад улар фаолиятининг баҳоси яъни улар фаолиятида сарфланган ижтимоий зарурий меҳнатнинг (меҳнат воситалари ва ишчи кучи харажатлари) қиймати ва қўшимча қийматнинг пулдаги ифодасини англатади. Назарий жиҳатдан  $у = c + v + m$  -га тенг. Бу ерда « $c + v$ » жонли ва жонсиз меҳнат сарфларини, яъни умумий овқатланиш харажатларини англатса, « $m$ » - уларни соф фойдасини миқдорини англатади.

Умумий овқатланишда ишлаб чиқаришдан фарқли, барча харажатлари даромад (уларни устамалари) ҳисобидан қопланади, яъни улар товарлар қиймати таркибида акс топади, ишлаб чиқаришда эса, харажатлар таннарх таркибига киради ва у маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинган соф тушум ҳисобидан қопланади. Умумий овқатланишда фаолияти қиймати ( $c + v + m$ ), уларнинг даромадида ўз аксини топади. Ушбулар нуқтаи назаридан, бизларнинг фикримизча, Умумий овқатланишда ҳам савдодаги каби «даромад»ни, улар фаолиятида яратилган қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида, яъни улар фаолиятининг баҳоси сифатида қаралиш иқтисодий назария нуқтаи назаридан ҳақиқатга яқин бўлади.

Умумий овқатланиш корхоналари (шаҳобчалари)нинг даромади – бу улар фаолияти натижасида яратилган қийматнинг пулдаги ифодасидир ва у умумий овқатланиш соҳаси фаолиятининг баҳоси сифатида намоён бўлади.

Даромаднинг иқтисодий йўналтирилиш моҳияти бўйича барча харажатлар, солиқлар, тўловларни ва фойдани таъминлашдир.

Ушбу соҳада сотишдан олинган даромадлар улар томонидан ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сотиб олинган хом ашёларга ҳамда сотиладиган товарларни сотиб олинган баҳоларига қўйиладиган устамалар миқдорида ўз аксини топади.

Умумий овқатланиш соҳасида савдо соҳасига ўхшаш даромадларни асосий қисми тегишлича ўз маҳсулотларини ва сотиш учун сотиб олинган товарларни сотишдан шаклланади.

Бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)ларининг даромадлари қуйидагича шаклланади.

«Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» да (5 феврал 1999 йил 54 – сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори) хўжалик субъектлари, жумладан Умумий овқатланиш корхоналари даромадларининг турлари ва аниқлаш усуллари келтирилган.

Назарий жиҳатдан Умумий овқатланиш корхоналарини ўз маҳсулотларини ва сотиш учун сотиб олинган товарлар сотишдан олинган даромади уларни харажатларини қоплаш ва фойда олиш манбаи бўлиб, у бир томондан Умумий овқатланиш соҳасининг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни қийматидаги, иккинчи томондан, сотиш учун сотиб олинган истеъмол товарлар баҳосидаги ҳиссасининг миқдорини англатади. Бундан келиб чиқиб, овқатланиш соҳасининг сотишдан олинган даромади овқатланиш соҳаси хизматларини қийматини пулдаги ифодасидир. Ушбу таъриф маҳсулотлар ва товарларни сотишдан олган даромадни моҳиятини очиқ беради.

Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)лари ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш тармоқларидаги каби янги қиймат яратади. Ушбу нуқтаи назардан Умумий овқатланиш соҳасида ишлаб чиқариш тармоқларида товар қийматини яратилиши ва улар баҳосини шаклланишига мос келади. Шу сабабли уларда ҳам «таннрах» ва «фойда» каби кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин. Лекин Умумий овқатланишда даромадларнинг шаклланиши ва аниқлаш усуллари савдоникига мослаштирилган.

Умумий овқатланишда маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан ҳамда товарларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчиларга етказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш товарларни чакана баҳоси (устамалар) ҳисобидан амалга оширилади.

Умумий овқатланишда устамалар (хом ашё ва товарлар учун) товарлар чакана баҳоси билан товарларни сотиб олиш (чакана ва улгуржи савдодан, деҳқон бозорларидан, ишлаб чиқаришдан ёки бошқа воситачилардан) баҳоси ўртасидаги фарқи сифатида аниқланади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг даромадлари юқорида келтирилган Низом бўйича қуйидагилардан таркиб топади:

1. сотишдан олинган даромад. Умумий овқатланишнинг «Товарларни сотишдан олган ялпи даромади» сотишдан олинадиган соф тушумдан сотилган товарларни харид қийматини чегириб ташлаш орқали аниқланади;
2. асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;
3. асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар. Улар қаторига молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фавқулотдаги даромадлар киради.

Даромадлар миқдори абсолют-сўмда ва нисбий кўрсаткичларда ҳисоб-китоб қилинади. Даромадлар кўрсаткичларини уларни шаклланиш манбаларидан келиб чиқиб қуйидагича аниқлашни тавсия қиламиз:

- товарларни сотишдан олинган даромадларни Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)ларининг умумий товар айланмасига (чакана+улгуржи) нисбатан, фоизда ёки коэффициентда;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишдан олинган даромадларни, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш бўйича умумий товар айланмаси (чакана+улгуржи)га нисбатан фоиз ёки коэффициентда;

- сотиш учун сотиб олинган товарларни сотишдан олинган даромадларни сотиб олинган товарларни сотиш товар айланмасига нисбатан фоиз ёки коэффициентда;
- товарларни сотишдан олинган даромадларга муомала харажатларни нисбати фоизда ёки коэффициентда; ёки ушбу кўрсаткичнинг тескариси;
- ялпи даромадни барча активларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларни амортизация суммаси, айланма маблағлар ва молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадларни молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда.

Бундан ташқари даромадларнинг таркиби ҳар бир элементининг уларга тегишли, уларни шакллантирадиган кўрсаткичларга ёки манбасига нисбатан тегишли кўрсаткичлар аниқланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

### **3.2. Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари таҳлили.**

Умумий овқатланишда даромадлар таҳлилининг вазифаси ялпи даромад, унинг таркибий турлари бўйича режанинг бажарилиши, уларни динамикасини (ўзгариш) тенденциялари, таркибий силжишлар ҳамда уларга таъсир қилган омилларни таъсир даражасини аниқлаш асосида корхонани молиявий-хўжалик фаолияти натижасига баҳо бериш бўлиб ҳисобланади.

Даромадларни таҳлил қилишда бухгалтерия, молиявий, статистик ҳисоботлар ва танлаб кўзатиш, эксперт баҳолаш натижалари каби маълумотлар ишлатилади.

Ҳисоботларга қуйидагиларни киритиш лозим:

- бухгалтерия баланси - 1-сонли шакл;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сонли шакл;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот – 9-шакл;
- корхона харажатлари тўғрисидаги ҳисобот – 5-С (савдо) шакли;

- улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисидаги ҳисобот – 1-савдо шакли;
- товарлар сотиш ва қолдиқ тўғрисидаги ҳисобот – 3-савдо шакли;

Булардан ташқари бухгалтериядаги товар гуруҳлари бўйича савдо устамалари тўғрисидаги маълумотлар ишлатилади.

Даромадлар миқдори абсолют – сўмда ва нисбий кўрсаткичларда ҳисоб-китоб қилинади. Унинг нисбий кўрсаткичларига қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз:

- сотишдан олинган даромадларни товар айланмасига нисбатан, фоизда ёки коэффициентда;
- сотишдан олинган даромадларга муомала ҳаражатларини нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларини барча активларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларни асосий фондларга; айланма мабалағларга, молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадларни молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда.

Бундан ташқари даромадларни таркиби ҳар бир элёмантини уларга тегишли, уларни шакллантирадиган кўрсаткичларга ёки манбасига нисбатан тегишли кўрсаткичлар аниқланиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Даромадларни таҳлил қилишда ялпи даромадга, унинг таркибий қисми сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадларга савдонинг иқтисодий фаолиятидан келиб чиқадиган омиллар таъсирини ўрганиш катта аҳамият тутди.

Даромадларнинг ҳажмига, унинг турларига мос равишда бир неча омиллар таъсир қилади.

Товарларни сотишдан олинган даромадларга қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- товар айланмасининг хажми, таркиби ва ассортименти;
- товарларни келтириш шартлари;
- товарларни силжитиш. Бу жараёнда товарлар физик (реал) миқдорда ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказилади. Товарларни силжитиш бир неча бўғинлардан иборат бўлади (улгуржи савдо базалари, складлари; ҳар хил воситачилар). Ушбу бўғинлар қанча кўп бўлса, савдо устамаси уларнинг ўртасида тақсимланади ва чакана савдонинг ҳиссасини камайишига олиб келиши мумкин. Уларнинг сони товар ассортиментларининг мураккаблигига, товарларни ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказиш шарт-шароитларига ва бошқаларга боғлиқ.
- савдо устамасининг даражаси (сотиб олиш баҳосига нисбатан, %);
- товарларни сотишда аҳолига кўрсатиладиган қўшимча хизматларнинг сони, сифати ва уларнинг тарифлари.

Товар айланмасининг ортиши даромадларни ортишига олиб келади, чунки қанча товар кўп сотилса, шунча савдо устамасининг суммаси юқори бўлади.

Товарлар ассортиментига қараб ҳар хил устамалар белгиланади, бу эса агар юқори устама қўйилган товарлар кўпроқ сотилса, улар учун устама суммаси юқори бўлади ёки тескари ҳолат рўй бериши мумкин.

Товарларни келтириш шартларига эътибор қаратсак баҳолар ўзгармаган шароитда товарларни силжитиш бўғинлари қанча кўп бўлса, чакана савдо бўғинлари шунча кам даромад олишлари мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналари савдо устамаларини мустақил белгилайди. Айрим товар гуруҳлари бўйича савдо устамалари давлат ва маҳаллий ҳоқимиятлар томонидан чегараланиши мумкин. Буни улар

аҳолининг кундалик эҳтиёжига таълуқли товарларни баҳосини чегаралаш мақсадида ҳам амалга оширади. Бу жаҳон амалиётида ҳам мавжуд. Лекин бундай шароитда бир томондан даромадни камайтирмаслик керак, иккинчи томондан, истеъмол товарларига рақобатбардош баҳоларни ушлаб туриш зарар бўлади.

Даромадларни бошқа турларига таъсир қилувчи омиллар уларнинг иқтисодий табиатидан ва шаклланиш шароитидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (масалан: ҳар хил хизматлар ва уларнинг тарифлари, қимматбаҳо қоғозлар баҳоси, ҳар хил фоизлар ва ҳ.к.)

Фавқулотда даромадларнинг вужудга келиши, уларни иқтисодий табиатидан маълум, лекин буларни ҳам сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш, ҳулосалар қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлил жараёнида биз юқорида келтирган кўрсаткичларни режага нисбатан ўзгариш миқдори, бир неча йилларга динамикаси ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Даромадларни таҳлили фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили билан тифиз боғлиқ бўлганлиги муносабати билан уларнинг таҳлили фойда ва рентабилликни таҳлили параграфида кенгроқ ёритилади

### **3.3                    Умумий овқатланиш корхоналари даромадларини режалаштириш ва прогнозлаш**

Бозор иқтисодиёти шароити савдо корхоналарини даромадлари уларни шаклланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва прогнозлаштиришни талаб қилади.

Савдо корхоналари даромадлари уларни шаклланиш манбаларига қараб товарларни сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (асосий воситалар сотилиши ва бошқа чиқимлардан олинган фойда, бошқа активларни сотишдан ва берилишидан олинган фойда, ундирилган жазо, жарима ва боқимандалар, қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар ва бошқалар), молиявий фаолиятдан олинган

даромадлар (роялти кўринишидаги нау-хоу, лицензия, компьютер дастурларини ижарага бериш ва сотиш), дивидентлар, фоизлар, валюта курслари фарқлари ва ҳоказолар.

Даромадларни режалаштириш ва прогнозлаштириш авваламбор ўтган йиллар маълумотларини таҳлил натижалари ва хулосаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Даромадларни режалаштириш уларнинг турлари ва шакллантириш манбаларидан келиб чиқиб, тегишли усулларни ишлатиш асосида амалга оширилади.

Даромадларни режалаштириш ва прогнозлаштиришда тўғридан-тўғри техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар усули, корреляцион усул, эластиклик коэффициенти орқали аниқлаш, безарарлик нуқтасини аниқлаш ва бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, товарларни сотишдан олинган даромад товар айланмаси режасини (сотиб олиш баҳоларида) товарлар ассортименти бўйича ва товларга қўйилган савдо устамаси даражасига (% ҳисобида сотиб олиш баҳоларига нисбатан) кўпайтириш ва 100 га бўлиш ҳамда барча товар гуруҳлари бўйича суммалаштириш орқали ҳисобланади.

Даромадларни прогнозлаш юқорида келтирилган усуллардан ташқари иқтисодий математик моделларни қўллаш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Даромадларни режалаштириш масаласи кенгроқ фойдани режалаштириш параграфида ёритилади.

Таянч иборалар; товар айланмаси, қиймат, баҳо, устама, ялпи даромад, товарларни сотишдан олинган даромад, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавқулотдаги даромадлар.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Даромадлар тушунчаси моҳиятини ёритиб беринг.
2. Савдонинг даромадини таърифини айтинг.

3. Савдонинг даромадига қандай тарифлар берилган?
4. Нега савдонинг даромади уни фаолиятининг баҳоси дейилади?
5. Савдонинг даромадлари қандай йўналишларда ишлатилади?
6. Даромадларни қандай турларини биласиз ва улар таркибига нималар киради?
7. Даромадларни таҳлил қилишни вазифаларини айтинг.
8. Даромадларни таҳлил қилишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
9. Даромадларни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар аниқланади?
10. Даромадларга қандай омиллар таъсир қилади?
11. Даромадлар қандай режалаштирилади?

#### **4 Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатлари маъруза.**

- 4.1. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг моҳияти, табиати ва кўрсаткичлари
- 4.2. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг таснифи
- 4.3. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларига таъсир қилувчи омиллар
- 4.4. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг иқтисодий таҳлили
- 4.5. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларини режалаштириш

##### **4.1. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг моҳияти, табиати ва кўрсаткичлари**

Умумий овқатланиш соҳасининг фаолияти моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишни тақозо қилади. Назарий жиҳатдан моддий меҳнат ва молиявий ресурсларни маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш, истеъмолни ташкил қилиш ва товарларни сотиш жараёнидаги ҳаражатларини пулдаги ифодаси оммовий овқатланишнинг ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатлари деб юритилади.

Расмий ҳужжатларда ва амалиётда «ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатлари» атамаси ишлатилмайди, улар «муомала ҳаражатлари» деб юритилади.

Умумий овқатланиш соҳаси ҳаражатлари бошқа тармоқлар ва савдодан табиати ва таркиби билан фарқ қилади (расмий ҳисоботда савдо ва умумий овқатланиш соҳаларининг ва муомала ҳаражатларининг моддалари бир хил бўлишига қарамай).

Савдо соҳасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар йўқ, ишлаб чиқаришда товарларни жойларда истеъмолини ташкил қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар йўқ. Шу билан бир қаторда ишлаб чиқаришда ҳам ашё ва материаллар қиймати таннарх таркибига киритилади, умумий овқатланишда эса ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатларига киритилмайди. Шу сабабли оммовий овқатланишнинг ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатлари уларнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлари таннарҳини тўла акс эттирмайди, уларда фақат маҳсулот ишлаб чиқариш уларни сотиш, истеъмолни ташкил қилиш ва сотиб олинган товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлган жорий ҳаражатлар акс эттирилади.

Умумий овқатланишни ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркибига: ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишчиларни иш ҳақи; ҳам ашё ва ярим фабрикатларни ташиш, сақлаш билан боғлиқ, ёқилғи ва электрэнергияга ҳаражатлар, асосий фондлар (ишлаб чиқариш билан боғлиқ) амортизацияси, уларни ижараси, таъминлаш ҳаражатлари; муддати бир йилгача бўлган меҳнат воситаларни эскириши билан; махсус кийим кечакларни эскириши, ювиш, таъмирлаш билан боғлиқ ҳаражатлар киритилади.

Тайёр маҳсулотларни жойларда истеъмол қилишни ташкил қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар: ўзи ишлаб чиқарган овқатларни ва сотиш учун сотиб олинган товарларни истеъмол қилишни ташкиллаштириш билан банд бўлган ишчилар иш ҳақи (офицантлар, овқатланиш заллари метроделлари, администраторлари, идиш-товоқ ювувчилар, зални тозаловчилар, гардеробчилар ва ҳакозолар); овқатланиш зали билан, жихозларни эскириши,

ижараси ва таъминлаш билан боғлиқ ҳаражатлари; идиш-товоқларни эскириши; зал ишчиларини махсус кийим кечакларини ювиш, таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлардан ташкил топади.

Товарларни сотиш билан боғлиқ ҳаражатлар: сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш (уларни жойларда истеъмол қилдириш билан боғлиқ ҳаражатлардан ташқари) билан боғлиқ тегишли муомала ҳаражатлари моддаларидан ташкил топади.

Муомала ҳаражатларини юқоридагидек таснифлаш амалиётда ишлатилмайди. Лекин уларнинг миқдорини эксперт текшириш, танлов текширишлар орқали ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари ҳар қандай субъектида мавжуд бўлганидек умумий овқатланиш корхоналарида ҳам «Маъмурий-бошқарув ҳаражатлари» алоҳида ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомга биноан муомала ҳаражатлари сотиш ҳаражатлари, маъмурий ҳаражатлар; бошқа операция ҳаражатларига бўлинган.

Муомала ҳаражатлари абсолют ва нисбий кўрсаткичларда ҳисобга олинади, таҳлил қилинади ва режалштирилади. Муомала ҳаражатларининг абсолют кўрсаткичи сўмда, нисбий кўрсаткичлари унинг даражаси, яъни товар айланмасига нисбатан фоиз ҳисобида, таркиби эса муомала ҳаражатларининг умумий суммасида унинг алоҳида моддаларининг ҳиссаси фоизларда кўрсатилади. Бу кўрсаткич муомала ҳаражатларининг умумий суммасига алоҳида моддаларнинг суммасини бўлиб юзга кўпайтириш орқали аниқланади.

#### **4.2. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг таснифи**

Биз юқорида айтганимиздек муомала ҳаражатлари иқтисодий табиати, йўналтириш мақсадлари, савдо ва оммавий овқатланиш соҳаларининг функцияларидан, кўрсатиладиган бошқа тармоқларнинг

хизмати турларидан, ҳисобот нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳажми ва таркиби бўйича ҳар хилдир.

Муомала ҳаражатларини қуйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

- тармоқлар ва соҳалар бўйича;
- истеъмол товарлари муомаласи соҳалари бўйича;
- бажариладиган функциялар ва вазифалар бўйича;
- йўналтирилиш мақсадлари бўйича;
- муомала ҳаражатларининг айрим омиллардан боғлиқлиги бўйича;
- ҳаражатларни турлари (номенклатураси) бўйича.

Муомала ҳаражатларини таснифланиш белгилари бўйича таснифлаб чиқамиз.

#### **Тармоқлар ва соҳалар бўйича:**

- ишлаб чиқариш тармоқларида;
- қишлоқ хўжалик субъектларида;
- чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланувчи бошқа тармоқларда;
- ишлаб чиқариш воситаларини айрибошлаш соҳасида;
- истеъмол товарларини айрибошлаш соҳасида;
- ташқи савдо соҳасида.

#### **Истеъмол товарлари муомаласи соҳалари бўйича**

- савдо соҳасида (чакана ва улгуржи савдода);
- оммавий овқатланиш соҳасида;
- махсус қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳарид қилувчи ва сотувчи хўжалик субъектларида;
- микрофирмалар ва кичик корхоналарда. Булар ҳаражатлар тўғрисида статистик ҳисобот топширмайдилар;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари. Буларда маҳсулотларни сотиш билан (улгуржи ёки чакана) боғлиқ ҳаражатлари мавжуд.

#### **Савдонинг функциялари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда:**

- соф ва қўшимча;

- бевосита ва билвосита;
- операцион ва маъмурий бошқарув.

### **Йўналтириш мақсадлари бўйича:**

- ходимлар иш ҳақи;
- бошқа тармоқлар хизмати ҳақи;
- моддий ҳаражатлар;
- моддий йўқотишлар;
- солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва ижтимоий суғўрта;
- бошқа ҳаражатлар.

Муомала ҳаражатларининг айрим омиллардан боғлиқлиги бўйича. (Ушбу турдаги ҳаражатлар бўйича соф ва қўшимча ҳаражатлар каби алоҳида ҳисобот юритилмайди, бундай таснифлаш муомала ҳаражатларининг турларидан келиб чиқиб, таҳлил қилиш ва режалаштириш жараёнида қўлланилади):

- шартли-ўзгарувчан;
- шартли-ўзгармас.

Буларнинг таснифини 4.3-параграфда батафсил кўриб чиқамиз.

**Муомала ҳаражатлари турлари (номенклатураси) бўйича.** Бундай таснифлашда муомала ҳаражатлари фаолиятга йўналтирилишига қараб моддаларга бўлинади. Статистика ҳисоботида (5-с(савдо шакли)<sup>1</sup> муомала ҳаражатлари қуйидаги моддаларга ажратилган:

|                                                                                                                     |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар:                                                                |
| улардан темир йўл, сув, ҳаво, автомобил ва от-улов транспорти билан юкларни ташиш;                                  |
| иш ҳақи ҳаражатлари;                                                                                                |
| ижтимоий суғўрта ҳаражатлари;                                                                                       |
| савдо эҳтиёжида фойдаланиш учун, ижара ҳаражатлари ва бинолар, иншоотларни таъмирлаш, хоналар ва жиҳозларни сақлаш: |
| шу жумладан:                                                                                                        |
| жорий таъмирлаш ҳаражатлари (иш ҳақидан ташқари);                                                                   |
| ижара тўлови;                                                                                                       |
| асосий воситалар амортизацияси;                                                                                     |
| ёқилғи, газ ва электр энергия ҳаражатлари;                                                                          |
| товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) ҳаражатлари;                                               |

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган.

|                                                                                                                                                                                                    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| савдо рекламаси ҳаражатлари;                                                                                                                                                                       |
| ташиш, сақлаш ва сотиш даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўқотилиши;                                                                                                                             |
| тара ҳаражатлари;                                                                                                                                                                                  |
| инвентарлар ва хўжалик буюмлари қийматини ҳисобдан чиқариш ва бошқа ҳаражатлар (таъмирлаш, ювиш, тўзатиш ва бошқа ҳаражатлар);                                                                     |
| ўз транспорти ҳаражатлари (иш ҳақидан ташқари);                                                                                                                                                    |
| бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар ва йиғимлар;                                                                                                                                                  |
| давлат мақсадли фондларига ажратмалар (ижтимоий суғурта ажратмаларидан ташқари);                                                                                                                   |
| бошқа ҳаражатлар: банк кредитлари ва бошқа молия-кредит ташкилотлар фоизлари; хизмат сафари ҳаражатлари; улардан: кунлик чиқимлар; номоддий хизматлар ва банк хизматлари тўлови; бошқа ҳаражатлар. |

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли қарори билан тасдиқланган Низом бўйича давр ҳаражатлари таркибидаги сотиш ҳаражатлари – 22 моддага, маъмурий ҳаражатлар – 15 моддага ва бошқа операция ҳаражатлари – 21-моддага ажратилган.

#### **4.3. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларига таъсир қилувчи омиллар**

Муомала ҳаражатларининг суммаси ва нисбий кўрсаткичлари табиатдан ўзгарувчан ҳисобланади. Унинг суммасига ва даражасига кўп омиллар бевосита ва билвосита таъсир ўтказади.

Ушбу омилларнинг айримлари унинг суммаси ва даражасининг ортишига олиб келса, айримларни уларнинг қисқаришига олиб келади. Бу омилларнинг бири савдо корхоналари ва шағобчалари фаолиятига бевосита боғлиқ, бошқалари эса улар фаолиятидан келиб чиқмайди, яъни ташқи омиллардир.

Муомала ҳаражатларининг даражаси ҳудудлар, умумий овқатланиш корхоналари, турлари унинг шохобчаларининг типлари бўйича бир-биридан фарқланади, чунки транспорт коммуникацияси, турлари, йўл шароитлари, ишлаб чиқаришнинг ҳудудлараро жойлашиши, уни ривожланиш даражаси,

умумий овқатланиш корхоналарини ва шахобчаларининг жойлашиши (дислокацияси); аҳолининг харид қилиш қобилияти, товар айрибошлаш тезлиги, товар айланмасининг ҳажми ва таркиби, товарларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳар хилдир. Шунинг учун муомала ҳаражатларининг сумма ва даражаси замонда ва маконда барқарор хусусиятга эга эмас.

Муомала ҳаражатларига таъсир қилувчи, умумий овқатланиш фаолиятидан боғлиқ бўлган омилларга умумий овқатланишни ташкил қилиш даражаси, маҳсулот маҳсулот ишлаб чиариш, иқтисодий ва тижорий (коммерция) ишларнинг ҳолати, умумий овқатланиш корхонаси ёки шахобчасининг хусусий ва қарз маблағларининг миқдори, моддий-техник базасини ҳолати, товар айланмаси ҳажми ва таркиби, товар айрибошлаш тезлиги, ходимлар сони, уларнинг меҳнат унумдорлиги, қўлланилаётган иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш тизими кабилар киради.

Умумий овқатланиш фаолиятидан келиб чиқмайдиган омилларга баҳо ва таърифлар, фойдаланилаётган транспорт турлари, йўл шароити, ҳар хил солиқлар ва тўловлар миқдори, банк фоизлари миқдори, ижара миқдори, инфляция даражаси кабиларни киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган омилларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда объектив ва субъектив омилларга ажратиб ўрганишни тавсия қиламиз.

Объектив омиллар таркибига, бизнинг фикримизча уларнинг таъсир даражасини статистик нуқтаи назардан ҳисоб-китоб қилиш имконияти мавжуд кўрсаткичларни киритиш зарур.

Субъектив омиллар – булар инсон омили билан боғлиқ, яъни умумий овқатланиш ходимларининг маҳорати, билимдонлиги, кўникмалари, тадбиркорлиги (ишбилармонлиги), жавобгарликни ҳис қила билиши, тезкор хизмат қилиши ва ҳозиржавобгарлиги каби хислатларига боғлиқ фаолият натижалари ҳисобланади. Амалиётда муомала ҳаражатларига таъсир қилувчи омиллар бундай таснифлаб ҳисоб-китоб, таҳлил қилинмайди ҳам, режалаштирилмайди ҳам. Лекин илмий тадқиқотларда амалиётда уни таҳлил қилишда бундай таснифлаб ўрганиш фойдадан холи эмас.

Муомала харажатлари суммаси ва даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоблаш мумкин бўлган омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- товар айланмаси ҳажми (умумий ва чакана товар айланмаси, ўзида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг товар айланмаси ҳажми);

- товар айланмасини таркиби (ассортименти)ни ўзгариши ( маҳсулот турлари, товар айланмаси турлари, сотиб олинган товарлар ҳамда ўз маҳсулотини сотиш билан боғлиқ товар айланмаси ҳамда ассортимент);

- товар айрибошлаш тезлиги (кунларда ва маротаба);

- истеъмол товарларига баҳони ўзгариши;

- умумий овқатланишга хизмат кўрсатувчи соҳаларни таърифларини ўзгариши (транспорт, коммунал хизмати, электроэнергия, газ, ёқилғи, алоқа, аудит ва бошқалар;

- моддий ресурслар баҳосини (қоғоз, инвентарлар, тара материаллари, хўжалик буюмлари, махсус кийим-кечаклар, қадоклаш (ўраш), биноларни таъмирлаш материаллари) ўзгариши;

- солиқлар, тўловлар, ижтимоий суғўрталар миқдорини ўзгариши;

- банк ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг ўзоқ муддатли кредитлари бўйича фоизларини ўзгариши;

- тўлов муддати ўтган ва ўзайтирилган ссудалар бўйича фоизларни ўзгариши;

- қисқа муддатли кредитлар фоизини ўзгариши;

- ходимлар сонини ўзгариши;

- минимал иш ҳақи ва нафақалар миқдорини ўзгариши;

- умумий овқатланиш шаҳобчаларида савдо-технологик жараёнларини такомиллаштирилиши;

- товар айрибошлаш жараёнидаги иштирокчилар сонини ўзгариши, яъни товарларни силжитиш бўғинлари сонини ўзгариши ва ҳоказолар.

#### **4.4. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг иқтисодий таҳлили**

Муомала ҳаражатлари таҳлили мунтазам ва ўзлуксизлик (ой, квартал, йил) ўтказилиб борилиши лозим. Чунки уни суммаси ва даражасини ўзгарилиш миқдори умумий овқатланиш корхоналари ва шаҳобчаларини самарадорлигига бевосита таъсир қилади.

Муомала ҳаражатларини таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- муомала ҳаражатлари бўйича тўзилган режани умумий ҳажмини, таркибини (моддалар бўйича) бажарилишини ўрганиш (абсолют ва нисбий кўрсаткичлари бўйича);

- муомала ҳаражатларини умумий ҳажмини ва таркибини бир неча йилларга (3-5 йил) ўзгариш суръатларини (абсолют ва нисбий кўрсаткичлар бўйича) кўзатиш;

- муомала ҳаражатларини суммаси ва даражасига таъсир қилувчи омилларни таъсир даражасини аниқлаш;

- унумсиз ҳаражатларни вужудга келиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- таҳлил натижаси бўйича хулосалар қилиш ва келгуси даврга тўзиладиган режалар учун таклифлар тайёрлаш.

Таҳлил қилиш учун тегишли даврдаги ахборотлар ишлатилади. Улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори, тегишли вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, компаниялар ва бошқаларнинг қарорлари ва топшириқлари;

- оператив маълумотлар (умумий овқатланиш корхоналарининг оператив ҳисоботлари, мутахассисларни кўзатувлари, бухгалтерия, маркетинг бўлимларини оператив ҳисоботлари, рўзнома ва ойномаларда

ушбу корхонага ёки унинг конкурентлари ва алоқадор хўжалик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар кабилар);

- бухгалтерия ҳисоботи (бухгалтерия баланси 1-сонли шакл);
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сонли шакл;
- ҳаражатлар тўғрисидаги ҳисобот 8-сонли шакл;
- статистик ҳисоботлар – «Корхоналар ҳаражатлари тўғрисида 5-С (савдо шакли)», «Товарлар сотиш ва қолдиқлар тўғрисида 3-савдо шакл», «Улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисида 1-савдо шакли», «Овқатланиш корхоналари товар айланмаси тўғрисида 4-савдо шакли», «Корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида 5-Ф шакли» кабилар.

Муомала ҳаражатларини таҳлили ҳам бошқа кўрсаткичлар таҳлили каби алоҳида кетма-кет бажарилиши лозим бўлган босқичлардан иборат бўлади. Уларни кетма-кет бажарилиши таҳлил жараёнини мантиқий мазмунини таъминлайди.

Уларга қуйидагиларни киритиш лозим бўлади:

- ахборотлар ва маълумотларни тўплаш;
- ахборотлар ва маълумотларга ишлов бериш (уларни тегишли жадвалларга жойлаштириш, солиштирма юзага келтириш ва бошқалар);
- муомала ҳаражатларига тегишли ва алоқадорлар кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинаётган даврга режаларни бажарилиши;
- муомала ҳаражатларига тегишли ва алоқадор кўрсаткичларни бир-неча йиллар (ой, квартал)га ўзгариш суръатларини ўрганиш;
- муомала ҳаражатларига таъсир қилувчи омилларни уни суммаси ва даражасини ўзгаришига таъсирининг миқдорини ҳисоб-китоб қилиш;
- таҳлил натижаси бўйича хулосалар ва таклифлар тайёрлаш.

Муомала ҳаражатларини таҳлил қилишда ҳар хил статистик, иқтисодий математик ва бошқа усуллардан фойдаланилади. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш зарур: солиштириш, гуруҳлаш, техник-иқтисодий ҳисоблар, индекс, корреляцион ва регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш, монографик тадқиқот кабилар.

Муомала ҳаражатларини таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлар ишлатилади.

### **I. Муомала ҳаражатларини абсолют суммасини ўзгариш миқдори**

Муомала ҳаражатларини режадаги ва ҳақиқий суммасини фарқи (+;-) унинг абсолют ортиқча ҳаражати ёки тежами ( $\Delta Mx$ ) деб юритилади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

$$\pm \Delta Mx = Mx^1 - Mx^P$$

Бу ерда: «1» ва «р» - тегишлича ҳақиқий ва режадаги даврни билдиради.

Шунга ўхшаш ҳолда муомала ҳаражатлари суммасини ўтган йилларга нисбатан ўзгариш миқдорини ҳам аниқлаш мумкин. Бунда « $Mx^P$ » ўрнига « $Mx^i$ » ёки « $Mx^b$ » белгиларини ишлатиш лозим бўлади. Бу ерда «i» - ўтган йиллардан бири, «б» - базис йили билан солиштирилаётган йил маълумоти ишлатилади.

### **II. Муомала ҳаражатлари суммасининг нисбий миқдори**

Муомала ҳаражатларини таҳлил қилишда унинг суммаси ўзгаришининг нисбий миқдорини аниқлаш муомала ҳаражатларини ўзгаришига реал баҳо беришни таъминлайди. Чунки муомала ҳаражатларининг режадаги суммаси режада мўлжалланган товар айланмаси ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган бўлиб, у ҳақиқий товар айланиш миқдорини ҳисобга олмайди. Шу сабабли режадаги муомала ҳаражатлари суммаси ( $Mx^P$ ) ҳақиқий товар айланмаси суммасидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади ( $Mx^P_{\text{кх}}$ ). Ушбу сумма қуйидагича аниқланади.

$$Mx^P_{\text{кх}} = \frac{Y^P_{\text{мх}} \cdot TA^i}{100}; \text{ унинг даражаси } Y_{Mx^P_{\text{кх}}} = \frac{MX^P_{\text{кх}}}{TA^P};$$

Муомала ҳаражатлари суммасини нисбий миқдори тенг бўлади.

$$\pm \Delta M^P_{\text{кх}} \text{ қ} = MX^i - MX^P_{\text{кх}} \quad \text{ёки} \quad \pm \Delta M^P_{\text{кх}} = \frac{\Delta Y^P_{\text{мх}} \cdot TA^i}{100};$$

Муомала ҳаражатлари динамикасини ўрганишда ушбу кўрсаткичлар таҳлил қилинаётган тегишли даврга олинади («р», «i», «б»).

### III. Муомала ҳаражатларини нисбий даражаси (Умх)ни ўзгариш миқдори

Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

**1. ҳисобот йилида муомала ҳаражати нисбий ортиқча ёки ўзгариш тежаси даражаси**

$$\pm \Delta Y_{\text{мх}}^p = \frac{MX^p \cdot TA^p}{100} - \frac{MX^p_{\text{кх}} \cdot TA^p}{100} = Y_{\text{мх}}^p - Y_{\text{мх}}^{p\text{кх}};$$

**2. Муомала ҳаражати даражасини ўтган йилларга нисбатан ўзгариши**

$$\pm \Delta Y_{\text{мх}}^i = Y_{\text{мх}}^i - Y_{\text{мх}}^i \quad \text{ёки} \quad \pm \Delta Y_{\text{мх}} = \frac{MX^i \cdot 100}{TA^i} - \frac{MX^i \cdot 100}{TA^i};$$

**3. Базис йили билан солиштирилмаси**

$$\pm \Delta Y_{\text{мх}}^b = Y_{\text{мх}}^b - Y_{\text{мх}}^b \quad \text{ёки} \quad \pm \Delta Y_{\text{мх}} = \frac{MX^b \cdot 100}{TA^b} - \frac{MX^b \cdot 100}{TA^b};$$

### IV. Муомала ҳаражати даражасини ўзгариш суръати (темпаси)

Ушбу кўрсаткич ҳисобот йилидаги муомала ҳаражатлари даражасини режадаги, ўтган йиллардаги ёки базис йилдаги миқдорларга нисбатан фоиз ҳисобида ( $Y_{\text{мх}}^{\text{ўс}}$ ) ёки индексларда ( $J_y$ ) ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади.

**1. Режадаги даражасига нисбатан**

$$Y_{\text{мх}}^{\text{ўс.р}} = \frac{(Y_{\text{мх}}^1 - Y_{\text{мх}}^p) \cdot 100}{Y_{\text{мх}}^{p\text{кх}}} \quad \text{ёки} \quad J_y = \frac{Y_{\text{мх}}^1 - Y_{\text{мх}}^{p\text{кх}}}{Y_{\text{мх}}^{p\text{кх}}}$$

**2. Ўтган йилларга нисбатан**

$$Y_{\text{мх}}^{\text{ўс.и}} = \frac{(Y_{\text{мх}}^1 - Y_{\text{мх}}^i) \cdot 100}{Y_{\text{мх}}^i} \quad \text{ёки} \quad J_y = \frac{Y_{\text{мх}}^1 - Y_{\text{мх}}^i}{Y_{\text{мх}}^i}$$

**3. Базис йилга нисбатан**

$$Y_{\text{мх}}^{\text{ўс.б}} = \frac{(Y_{\text{мх}}^1 - Y_{\text{мх}}^b) \cdot 100}{Y_{\text{мх}}^b} \quad \text{ёки} \quad J_y = \frac{Y_{\text{мх}}^1 - Y_{\text{мх}}^b}{Y_{\text{мх}}^b}$$

Ушбу кўрсаткичлар муомала ҳаражатларини ўзгаришида рўй браётган интенсив ҳолатни билдиради.

### V. Муомала ҳаражатлари ҳажмида унинг моддалари ҳиссаси

Ушбу кўрсаткич муомала ҳаражатлари моддалари суммасини 100,0 кўпайтириб унинг умумий суммасига бўлиш орқали аниқланади. Бу кўрсаткич муомала ҳаражатларининг таркиби деб юритилади.

Юқорида келтирилган (I-V) кўрсаткичлар муомала ҳаражатларининг моддалари бўйича ҳам ҳисобланади.

## **VI. Муомала ҳаражатларига таъсир қилувчи омилларни миқдорини аниқлаш.**

Бунинг учун статистик-иқтисодий, иқтисодий-математик индекслар, эластиклик коэффициенти, занжирли боғланиш каби усуллардан кенг фойдаланиш зарур бўлади.

### **4.5 Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларини режалаштириш**

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан, ташкилий-ҳуқуқий туридан қатъий назар, жумладан, савдо корхоналари ва шағобчалари ҳам ўз хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ўзоқ муддатга прогнозлаш ва жорий режалаштирилиши зарур. Акс ҳолда уларни инқирозга учраши эҳтимолдан ўзоқ бўлмайди.

Муомала ҳаражатларини режалаштиришни асосий мақсади савдо корхоналари ва шағобчаларининг мақсадига («Х» - миқдорда даромад ёки фойда олиш ва «У» - даражадаги талабни қондириш) эришишни таъминлаш, савдо хизмати маданияти юқорилаштириш ва тежамкорлик асосида уни миқдорини иқтисодий асослаган ҳолда ҳисоб-китоб қилишдан иборатдир.

Муомала ҳаражатларини режалаштириш жараёнини ташкиллаштириш асосида мантиқий фикр юритишни анализ ва сентиз усуллардан, яъни «Умумийликдан хусусийликка» ёки «хусусийликдан умумийликка» қараб иш юритиш мақсадга мувофиқдир.

Муомала ҳаражатларини режалаштиришда ушбу усуллар, муомала ҳаражатларини олдин умумий суммаси ва даражасини аниқлаш, кейин моддаларини ҳисоб-китобига ўтиш ёки бу ҳолни тескараси, олдин муомала

ҳаражатларини моддалари бўйича режани ишлаб чиқиш, кейинги босқичда, уларни суммалаштириш йўли билан, муомала ҳаражатларини умумий миқдорий кўрсаткичларини аниқлашни англатади.

Муомала ҳаражатларини умумий суммасини ва моддаларини режалаштиришда тажрибавий статистик, техник-иқтисодий, индекс, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик (корреляция, регрессия) безарарлик нуқтасини аниқлаш усуллардан, эластиклик коэффициентидан, норма ва нормотивлардан фойдаланилади.

Муомала ҳаражатларини режалаштириш умумий ҳажми ва даражасини аниқлашдан бошланса, бу ҳолда уни ўтган йиллар учун таҳлили натижалари, унга таъсир қилувчи омилларни режалаштириладиган даврларга ўзгаришини эксперт баҳолаш, айрим кўрсаткичларни индекслари, эластиклик коэффициентлари кабилардан фойдаланган тарзда ҳисоб-китоб қилинади. Иккинчи босқичда уни моддалари миқдори аниқланади.

Муомала ҳаражатларини умумий ҳажминини режалаштиришда, фараз қилайлик уни ўтган йилларда товар айланмаси таъсири остида «шартли-ўзгарувчан» моддаларни ўзгариши нисбатини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилмоқчимиз.

Агарда «шартли-ўзгарувчан» ҳаражатлар ( $MX_{ш.х}$ ) товар айланмасига нисбатан аниқ миқдорда ўзгариш тенденциясига эга бўлса, ушбу ҳаражатлар суммасини қуйидаги формула орқали ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

$$MX_{ш.х}^p = MX_{ш.х}^x \cdot \left[ 1 + \left( \Delta TA_{y.c}^p \cdot \frac{\overline{\Delta MX_{y.c}^n}}{\overline{\Delta TA_{y.c}^n}} \right) \right]$$

Бу ерда:  $MX_{ш.х}^x$  - муомала ҳаражатларини «шартли-ўзгарувчан» қисмини ҳисобот йилидаги миқдори, сўмда;

$\Delta TA_{y.c}^p$  - режалаштирилаётган йилга товар айланмасини қўшимча ўсиш суръати, %;

$\overline{\Delta MX_{y.c}^n}$  - ўтган йилларда «шартли-ўзгарувчан» муомала ҳаражатларини ўртача қўшимча ўзгариш суръати, %;

$\Delta \overline{TA}_{y.c}^n$  - ўтган йилларда товар айланмасини қўшимча ўзгариш суръати, %.

Муомала ҳаражатларини «шартли-ўзгармас» ( $MX_{ш.у}$ ) қисмини суммаси қуйидагича аниқланиши мумкин.

$$MX_{ш.у}^p = MX_{ш.х}^x \cdot \left(1 + \Delta \overline{MX}_{ш.у}^n\right)$$

Бу ерда:  $MX_{ш.у}^p; MX_{ш.у}^x$  - тегишли «шартли-ўзгармас» ҳаражатларни режалаштирилган ва ҳисобот йилларига суммаси;

$\Delta \overline{MX}_{ш.у}^n$  - «шартли-ўзгарувчан» ҳаражатларни ўтган йиллар даврида қўшимча ўсиш суръати.

Муомала ҳаражатларини умумий суммаси тенг бўлади.

$$MX^p = MX_{ш.х}^p + MX_{ш.у}^p;$$

$$\text{Унинг даражаси } U_{mx} = \frac{MX^p \cdot 100}{TA^p}$$

Худди шундай муомала ҳаражатлари даражасини баҳолар ўзгаришига нисбатан ёки бошқа омилларни таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилиб, умумий оптимал вариантни аниқлаш мумкин. Бундай ҳисоботларни ўтказиш учун корроляцион анализ, экстрополяция, эластиклик коэффициентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муомала ҳаражатларини режалаштиришда дастлаб унинг моддалари миқдорини аниқлаш ва кейин умумий ҳажмини ҳисоблаш орқали реал, ҳақиқатга яқин натижага эришиш мумкин.

Муомала ҳаражатларини айрим моддаларини режалаштириш усулларини кўриб чиқамиз.

Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар бўйича ҳаражатлар таркибида асосий ўринни «темир йўл, сув, ҳаво, автомобил ва от-улов транспорти билан юкларни ташиш ҳаражатлари эгаллайди. Ушбу ҳаражатлар алоҳида транспорт турлари бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Бу

масалани ҳал қилишда транспорт турлари бўйича ташиладиган юклар миқдорини аниқлашдан бошлаш керак.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва шаҳобчалари одатда автомобил ва от-улов транспортлари харажатларини қоплайди.

Товарларни автомобил транспорти билан ташишда савдо ва оммавий овқатланиш корхоналари базалари, алоҳида магазинлар, овқатхоналар ўз транспортидан ва четдан жалб қилинган транспорт корхоналари хизматидан фойдаланиши мумкин.

Муомала харажатлари моддалари таркибида «Ўз транспорт харажатлари» (иш ҳақи харажатларидан ташқари, чунки бу харажатлар иш ҳақи фондида ўз аксини топади) моддаси алоҳида кўрсатилади. Шу сабабли транспорт харажатларини юқорида келтирилган моддаси бўйича четдан жалб қилинган транспорт корхоналарини хизмати харажатлар акс эттирилади.

Ушбу харажатларни ҳисоб-китоб қилиш учун дастлаб транспортни физик юк айланиши ( $q_{\phi}$ ) ва транспорт юк айланиши ( $q_T$ ) аниқланади.

Физик юк айланиши товарларни нетто ва брутто ҳажми бўйича ҳисобланади.

Нетто юк ҳажми ( $q_{н.і}$ ) товар гуруҳлари бўйича режалаштирилган товар айланиш ( $TA^p_i$ ) суммасини ушбу товарни 1 тоннасини ўртача қийматига, сўмда ( $\bar{T}^p_{к.і}$ ) бўлиш билан аниқланади.

Брутто юк ҳажми ( $q_{б.і}$ ) нетто юк ҳажмига ( $q_{н.і}$ ) тарани (одатда товар оғирлигига нисбатан фоиз ҳисобидан олинади) оғирлиги қўшилади.

Брутто юк ҳажми физик юк айланишига тенг бўлади.

Транспорт юк айланиши физик юк ҳажмини ( $q_{\phi}$ ) юкларни қайта ташиш коэффициентига ( $K_k$ ) (ушбу кўрсаткич ўтган йиллар маълумотлари асосида аниқланади) кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Яъни у қуйидаги формула орқали ҳисобланиши мумкин.

$$q_{т.і} = q_{\phi.і} \cdot K_k$$

Барча товар гуруҳлари бўйича бу кўрсаткич бўлади:

$$\sum_{i=1}^n q_{mi} = \left( \sum_{i=1}^n q_{\phi i} \right) \cdot K_{\kappa}$$

Транспорт юк айланиши аниқлангандан сўнг, уни ўз транспорти ва четдан жалб қилинган транспорт ташкилотлари орқали ташиш ҳиссаси аниқланади. Уларнинг ҳиссаси фоизда ўтган йиллар маълумотлари, режалаштирилган йилга тўзилган шартномаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва ушбу кўрсаткични транспорт юк айланишига кўпайтириб, юзга бўлиш орқали уларнинг миқдори (тоннада) ҳисоб-китоб қилинади ва юклар классларга ажратилади.

Кейинги босқичда товар ишлаб чиқарувчилардан (агар улар савдо ва оммавий овқатланиш корхонаси ёки шаёбчасига товарларни воситачиларсиз, ўзлари тўғридан-тўғри юборишса) ёки улгуржи савдо база ва омборларидан чакана савдо ва оммавий овқатланиш корхонаси ёки шаёбчаларигача бўлган масофа ( $S_{км}$ )ни ўртача миқдори (ўтган йиллар маълумотлари ва шартномалар асосида) ҳисобланади.

Транспорт юк айланиши ( $q_{т.км.i}$ ) қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$q_{т.км.i} = q_{т.i} \cdot S_{км}$$

Юк айланишни умумий миқдори ( $т.км$ ) тенг бўлади:

$$\sum_{i=1}^n q_{т.км.i} = \left( \sum_{i=1}^n q_{mi} \right) \cdot S_{км}$$

Ушбу юк айланиши юкларни классларига тақсимланади ва уларни транспорт тарифларига кўпайтириш орқали юк ташиш ҳаражатлари суммаси аниқланади.

Юкларни юклаш ва тушуриш ҳаражатлари ушбу модда таркибига киради, агарда бу ишни штатдан ташқари ходимлар бажарса. Ҳаражатлар суммаси юкни транспорт юк айланиши  $\sum_{i=1}^n q_{mi}$  ва белгиланган расценкалар орқали ҳисобланади.

Юқорида келтирилган усул орқали алоҳида савдо шаёбчалари бўйича транспорт ҳаражатларини режалаштириш кўп меҳнат қилишни,

вақтни талаб қилади. Бундан ташқари бу жараён иқтисодий-техник ҳисоблар нуқтаи назардан аллақанча мушкул иш. Шу сабабли оддийроқ тажрибавий-статистик усулдан фойдаланиш ҳам мумкин.

Масалан: ўтган йиллар (камида 3 йил) маълумотлари асосида товарларни ташишда ҳар бир уларни келтирилиши неча сўмга ( $P$ ) тушушини аниқлаб, 1 тонна юкни ташиш қиймати ва режалаштирилган йилга мўлжалланган товарларни келтириш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт юк айланиши ( $q_i$ ) миқдорини аниқлаш керак бўлади.

Транспорт юк айланиши, ишлатиладиган автотранспортни юк кўтара олиш имконияти миқдори ( $q_{iat}$ ) ва юк кўтара олиш имкониятини ишлатиш коэффициентидан ( $Kq_{iat}$ ) келиб чиқиб, автотранспорт орқали товарларни неча маротаба келтирилиши миқдорини ( $Z$ ) ҳисоблаб олиш мумкин. Бундай ҳисобот қуйидагича амалга оширилиши мумкин

$$Z \cdot q_T : q_{iat} = Kq_{iat}$$

Ушбу кўрсаткични бир маротаба юк ташиш учун кетган транспорт ҳаражатлари суммасига кўпайтириш орқали четдан жалб қилинган автотранспорт учун тўлов ҳаражатларини ҳисоблаб олиш кўп қийинчилик туғдирмоқда. Бу ҳаражатлар суммаси ( $I_{хат}$ ) қуйидагича аниқланади.

$$I_{хат} = Z \cdot P$$

Ушбу суммага юклаш ва тушуриш ҳаражатларини (агар бу ишни ёлланма ишчилар бажарса) қўшиш керак бўлади.

«Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар» моддасида бошқа ташкилот хизмати учун тўловлар ҳам кўрсатилади. Уларга алоқа, ахборот-ҳисоблаш хизмати, ташқи идора куриқлаш хизмати, аудитор ташкилотлар, реклама агентликлари, натурал ва юридик муассасалар ва бошқа хизматлар ҳам киради.

Ушбу ҳаражатлар суммаси ўтган йиллар маълумотларини таҳлили натижасидан келиб чиққан ҳолда аниқланган уларни ҳажмини режалаштирилган йилга белгиланган тариф тўловлари миқдорига (ёки

тарифларни ўзгариш индексларидан фойдаланган ҳолда) кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Муомала ҳаражатларида энг катта ҳиссага эга бўлган модда – бу «Иш ҳақи ҳаражатлари»дир. Ушбу моддани режалаштириш масаласи 6.5 параграфда батафсил ёритилган.

«Ижтимоий суғўрта ҳаражатлари» белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

«Умумий овқатланиш эҳтиёжида фойдаланиш учун, ижара ҳаражатлари ва бинолар, иншоотларни таъмирлаш, хоналар ва жиҳозларни сақлаш» ҳаражатлари ижарага олинган бинолар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини сони, тури ва бошқа жиҳатларидан келиб чиққан ижара ҳақи миқдоридан (шартномалар асосида) келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Қолган ҳаражатлар иншоотларни таъмирлаш ишлар сметасидан, хоналар ва жиҳозларни сақлаш нормаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

«Асосий воситалар амортизацияси». Ушбу ҳаражатлар хусусий асосий фондларнинг бошланғич қиймати (баланс қиймати) ва уларнинг турлари бўйича белгиланган амортизация нормалари асосида ҳисоб-китоб қилинади.

«Ёқилғи, газ ва электроэнергия ҳаражатлари» ушбу ҳаражатларни суммаси ёқилғи, газ ва электроэнергия истеъмол қиладиган асосий воситаларни тегишли ўлчов бирликлари (Масалан, бинони кубатураси, транспорт воситаларини ҳар 100 км ёқилғи ишлатиш нормаси ва бошқалар) бўйича сони, ҳажми, улар учун белгиланган ҳаражатлар нормаларидан ва тарифлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

«Товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) ҳаражатлари» ўтган йиллар таҳлили натижалари, режалаштирилган йилга ушбу ҳаражатларни талаб қиладиган товар гуруҳлари бўйича товар айланмаси ҳажми ва тегишли норма ва нормотивлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

«Умумий овқатланиш рекламаси ҳаражатлари» маркетинг бўлимини иш режаларидан ва реклама учун ҳаражатлар сметасидан келиб чиққан ҳолда ва ўтган йиллардаги ушбу ҳаражатларни ўзгариш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

«Ташиш, сақлаш ва сотиш даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўқотилиши» бўйича ҳаражатлар тегишли товар гуруҳлари бўйича товар айланмаси режаси (сотиб олиш баҳоларида) ва белигалланган нормалар асосида ҳисобланади.

Муомала ҳаражатларини қолагн моддалари ҳам тегишлича норма ва нормотивларни қўллаган ҳолда техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида аниқланади.

**Таянч иборалар:** товар айланмаси, ҳаражатлар, муомала ҳаражатлари, давр ҳаражатлари, муомала ҳаражатлари даражаси, муомала ҳаражатлари таркиби, иш ҳақи, амортизация, ижтимоий суғўрта, «шартли-ўзгарувчан», «шартли-ўзгармас», норма, нормотив, омиллар.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ҳаражатлар тушунчасини ёритиб беринг.
2. Муомала ҳаражатлари тушунчасини айтинг.
3. Умумий ҳаражатлар муомала ҳаражатларидан нима билан фарқланади?
4. Муомала ҳаражатлари даражси қандай аниқланади?
5. Муомала ҳаражатлари даражаси мазмунини тушунтиринг.
6. Муомала ҳаражатлари таркиби деганда қандай кўрсаткичларни тушунасиз?
7. Муомала ҳаражатларига қандай омиллар таъсир қилади?
8. Муомала ҳаражатларига товар айланмасини таъсирини қандай аниқлаймиз?
9. Муомала ҳаражатларига баҳо ва ҳар хил тарифлар таъсир қилиш моҳиятини ёритиб беринг.
10. Муомала ҳаражатлари таҳлилини вазифалари нималардан иборат?

- 11.Муомала ҳаражатлари таҳлилини ўтказишда қандай кўрсаткичлар ишлатилади?
- 12.Муомала ҳаражатлари умумий ҳажми ва даражаси қандай таҳлил қилинади? Қандай усуллардан фойдаланилади?
- 13.Муомала ҳаражатларини режалаштириш мақсади ва вазифаларини айтинг.
- 14.Муомала ҳаражатларини режалаштириш усулларини айтинг.
- 15.Муомала ҳаражатларини умумий ҳажми қандай режалаштирилади? Қандай усуллардан фойдаланилади?
- 16.Муомала ҳаражатларини моддалари қандай режалаштирилади?

**5-март. Умумий овқатланиш корхоналари фойдаси**

- 5.1. Фойда ва рентабелликнинг моҳияти ва аҳамияти
- 5.2. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар
- 5.3. Фойда ва рентабелликнинг таҳлили
- 5.4. Фойда ва рентабелликни режалаштириш ва прогнозлаш

**5.1. Фойда ва рентабелликни моҳияти ва аҳамияти**

Фойда иқтисодий табиатидан ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ мураккаб иқтисодий ва тарихий категориядир. У келиб чиқиши, йўналтирилиши, хўжалик субъектларини хусусиятларидан ва бошқа меъёрларга қараб таснифланиши ва тавсифланиши зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида максимал фойда олиш, эҳтиёжларни қондириш, хўжалик субъектларини самарадорлигини оширишда тижорий фаолиятни аҳамияти ортиб боради. Фойда ва рентабеллик, бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда, тижорий фаолиятни, унда қатнашаётган ресурсларни самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткичдир. Фойда хўжалик фаолиятининг натижавий кўрсаткичи сифатида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойда муҳим аҳамият топти. Унинг миқдори корхоналарни ривожланишига жамғариш манбаи сифатида асос солади; мулкдорни мулкни кўпайишини таъминлайди; акциядорларни даромадини (дивидендларни ортиши орқали) оширади; корхона молиявий

барқарорлигининг ва тўлов қобилиятини сақлашга имконият яратади ва ниҳоят у савдони ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Фойданинг моҳияти уни иқтисодий табиатидан келиб чиққан ҳолда ёритиладиган бўлса, у қўшимча қийматнинг пулдаги ифодасидир. Иқтисодиётда фойда товар қийматининг  $(C+V+m)$  асосий элементларидан бири, яъни « $m$ »-ни англатади. Ушбу назарий асосдан келиб чиқиб, савдо фойдасини савдо фаолиятида яратилган қўшимча қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида таърифлаш тўғри бўлади.

Шундай қилиб, фойда умумий овқатланиш фаолияти қийматининг бир элементи, ушбу қийматнинг пулдаги ифодаси бўлиб, товар баҳосининг элементиدير. Бу ерда ҳам юқорида келтирилган қийматнинг классик формуласидан  $(C+V+m)$  келиб чиқсак фойда - « $m$ »да ифодаланади.

Иқтисодиётга тааллуқли адабиётларда фойдани таърифлашда унга ялпи даромад ва муомала ҳаражатлари ўртасидаги фарқ сифатида қаралиб келинган<sup>1</sup>. Юқоридаги таърифда, яъни фойдага ялпи даромад ва муомала ҳаражатларини фарқи деб қаралганда унга тўғри ёндошаяпти деб айтиш қийин. Чунки умумий овқатланиш фаолиятида муомала ҳаражатларидан ташқари унга кирмайдиган, лекин даромад ва товарлар қиймати ҳисобидан қопланадиган бошқа ҳаражатлар ҳам мавжуд.

Бозор иқтисодиёти фойданинг иқтисодий мазмунини ва моҳиятини, уни шаклланишини тубдан ўзгартириб юборди.

Умумий овқатланишда фойда суммада ва даражаси деб аталадиган, рентабеллик кўрсаткичларида ишлатилади. Фойданинг суммаси доимо ҳам солиштириш имкониятини бермайди, шу сабабли уни ижобий кўрсаткичи фойда даражаси ёки рентабеллиги ишлатилади. Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари кейинги 5.2-параграфда батафсил изоҳлаймиз.

---

<sup>1</sup> Сребник Б.В. «Экономика торговли». Учебник, М.: «Высшая школа», 1989. 168 ст.; «Торговое дело: Экономика и организация». Учебник, коллектив авторов, М.: ИНФРА-М, 1997. – 124-ст.; Раицкий К.А. «Экономика предприятия», Учебник, М.: ИНФРА-М, 1999. – 460 ст.; Хейнс П. «Экономический образ мышления», Пер.с англ. М.: «Новости», 1991. – 312 ст.

Рентабеллик ҳар қандай хўжалик субъектининг, жумладан умумий овқатланишнинг жуда муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичда умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)ларини даромади, харажатларини, товар айрибошлаш, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар ҳолати ўз аксини топади.

## **5.2. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар**

Фойда хўжалик фаолиятининг самараси ҳисобланганлиги сабабли уни нисбий самарадорлиги кўрсаткичи сифатида рентабеллик кўрсаткичи ишлатилади.

Рентабеллик фойдани хўжалик фаолиятига алоқадор товар айланиши, харажатлар, даромад ҳамда ресурсларга нисбатан фоизда ёки коэффицентда аниқланадиган нисбий кўрсаткичдир.

Амалиётда асосан фаолиятни самарасини баҳолашда, уни таҳлил қилишда ва режалаштиришда товарларни сотиш рентабеллиги кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткич амалда соф фойдани 100,0 га кўпайтириб товар айланмасига (ТА) бўлиш орқали аниқланади.

Рентабеллик миқдорига қараб умумий овқатланиш фаолиятига, унда ресурслардан фойдаланиш самараси, фаолият тежамлими ёки йўқми каби ҳолатларга баҳо берилади.

«Корхона харажатлари тўғрисида»ги статистик ҳисоботда (5-С (савдо) шакли) «товарларни сотишдан келган фойда»ни «сотишнинг ялпи фойдаси»га «Картошка ва сабзавотларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича харажатларни қоплаш, бошқа қоплашлар»ни қўшиш ва муомала харажатларини олиш натижасида аниқлаш кўрсатилган.

Унда «Сотишнинг ялпи фойдаси» «Сотишдан соф тушум»дан «Сотилган товарларни харид қиймати таннархи»ни айириш орқали аниқланган.

4.2 параграфда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ

корхоналарнинг, жумладан умумий овқатланишнинг ҳам фойдаси ҳисоб-китоб қилиш усуллари тавсия қилинган.

Ушбу низомдаги молиявий натижаларни (фойда ва зарарни) аниқлаш усуллари ҳамда умумий овқатланиш, корхона (шаҳобча)ларини хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фойдани, бизларни фикримиз юзасидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб-китоб қилишни қуйидаги усулларида фойдаланишни тавсия қиламиз;

1. Товарларни сотишдан олинган ялпи даромад – (ЯД)

$$\text{ЯД} = \text{УОУТА} - \text{СТМХҚ}$$

Бу ерда;

УОУТА - Умумий овқатланишни умумий товар айланиш (чакана+улгуржи);

СТМХҚ - хом ашёлар, ярим фабрикатлар ва товарларни харид қиймати;

Жумладан:

1.1 Ўз маҳсулотларини сотишдан олинган даромад - (ЎМСД)

$$\text{ЎМСД} = \text{СМСТ} - \text{ХЯХҚ}$$

Бу ерда;

СМСТ – сотилган маҳсулотлардан соф тушум (ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш + маҳсулотни улгуржи сотиш);

ХЯХҚ - хом ашё ва яримфабрикатларни харид қиймати;

1.2 Сотиб олинган товарларни сотишдан даромад- (СТСД)

$$\text{СТСД} = \text{СТССТ} - \text{СТХҚ}$$

Бу ерда;

СТССТ- сотиб олинган товарларни сотишдан соф тушум;

СТХҚ- сотиб олинган товарларни харид қиймати.

2. Умумий овқатланишни муомала ҳаражатлари (УОМх)жами:

2.1. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш ҳаражатлари

(МИЧСМх);

2.2. Сотиб олинган товарларни сотиш харажатлари (СТСМх).

Ушбу кўрсаткичлар бухгалтерия ҳисоботлари асосида эксперт баҳолаш орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин.

3. Умумий овқатланишда маҳсулотлар ва товарларни сотишдан олинган ялпи фойдаси - (МТСЯФ)

$$\text{МТСЯФ} = \text{ЯД} - \text{УОМх};$$

3.1 Ўз маҳсулотларини сотишдан олинган фойда – (УМСФ)

$$\text{УМСФ} = \text{УМСД} - \text{МИЧСМх};$$

3.2 Сотиб олинган товарларни сотишдан олинган фойда – (СТСФ)

$$\text{СТСФ} = \text{СТСД} - \text{СТСМх};$$

4. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда – (АФФ)

$$\text{АФФ} = \text{МТСЯФ} + \text{БД} - \text{БЗ};$$

Бу ерда;

БД, Бз – тегишлича асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва зарарлар

5. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда – (УФ)

$$\text{УФ} = \text{АФФ} + \text{МД} - \text{МХ};$$

Бу ерда;

МД, МХ – тегишлича молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва харажатлар

6. Солиқ тўлангунча олинган фойда- (СТФ)

$$\text{СТФ} = \text{УФ} + \text{ФФ} - \text{ФЗ};$$

Бу ерда;

ФФ, ФЗ – тегишлича фавқулодда фойда ва зарарлар.

7. Соф фойда – (СФ)  $\text{СФ} = \text{СТФ} - \text{ЯСТ} - \text{ММС}$

Бу ерда;

ЯСТ – ялпи солиқ тўлови;

ММС – мол- мулк солиғи .

Умумий овқатланишда савдодаги каби фойда хўжалик фаолиятининг самараси ҳисобланди, шу сабабли уни нисбий самарадорлиги кўрсаткичи сифатида рентабеллик кўрсаткичи ишлатилади.

Рентабеллик фойдани хўжалик фаолиятига алоқадор товар айланиши, харажатлар, даромад ҳамда ресурсларга нисбатан фоизда ёки коэффицентда аниқланадиган нисбий кўрсаткичдир.

Амалиётда асосан фаолиятни самарасини баҳолашда, уни таҳлил қилишда ва режалаштиришда товарларни сотиш рентабеллиги кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткич амалда соф фойдани 100,0 га кўпайтириб Умумий овқатланишни умумий товар айланиш суммасига (УОУТА) бўлиш орқали аниқланади.

Бизнинг фикримизча, фойдани шаклланишини янги тартибидан келиб чиққан ҳолда, «Товарларни сотиш рентабеллиги» ёки «Товар айланиш рентабеллиги» (Рта) (бу иккала маънони синоним сифатида ишлатмоқдамиз) қуйидагича аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

$$D_{\text{оА}} = \frac{I_{\text{оНВ}} \cdot 100,0}{O_{\text{тОА}}}$$

Рентабелликни бошқа кўрсаткичларини пастда изоҳлаймиз.

Рентабелликни таҳлили жараёнида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- чакана товар айланмаси ҳажми (УОТА) ва таркиби (УОТА<sub>i-n</sub>), сўмда;
- сотишдан олинган ялпи даромад (ЯД), сўмда;
- сотиб олинган товарларни сотишдан олинган фойда (СТСФ), сўмда
- ўз маҳсулотларини сотишдан олинган фойда (УМСФ), сўмда;
- маҳсулотлар ва товарларни сотишдан олинган фойда (МТСЯФ), сўмда;
- асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ), сўмда;
- умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ), сўмда;

- солиқ тўлангунча олинган фойда (СТФ), сўмда;
- соф фойда (СФ), сўмда;
- муомала харажатлари (Мх), сўмда;
- муомала харажатларини даражаси (Умх), %;
- асосий фондларни ишлатилиши рентабеллиги ( $АФ_{и.р}$ ) ва даромадлилиги ( $АФ_{и.д}$ ), %. Бу кўрсаткичларни қуйидагича аниқланишини тавсия қиламиз.

$$АФ_{и.р} = \frac{УФ \cdot 100}{А}; \quad АФ_{и.д} = \frac{ЯД \cdot 100}{А}$$

Бу ерда: А – асосий фондлар амортизацияси суммаси.

- айланма маблағларни рентабеллиги ( $Рай.м$ ) ва уларни даромадликлиги ( $Дай.м$ ), %. Бу кўрсаткичлар қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$Д_{ай.и} = \frac{И\hat{O}\tilde{N}\beta\hat{O} \cdot 100}{\hat{A}\acute{e}\hat{I} \text{ (}\hat{e}\hat{e} \text{ } \bar{Q}\text{)}}; \quad \ddot{A}_{\acute{a}\acute{e}.i} = \frac{\beta\ddot{A} \cdot 100}{\hat{A}\acute{e}\hat{I} \text{ (}\hat{e}\hat{e} \text{ } \bar{Q}\text{)}}$$

Бу ерда: Ай.М - ўртача айланма маблағлар суммаси;

$\bar{3}$  - ўртача товар заҳиралари суммаси.

- ишчи-ходимларни рентабеллиги ( $Ри.х$ ) ва даромадлилиги ( $Ди.х$ ), коэффициентларда. Ушбу кўрсаткичларни қуйидагича аниқлаш тавсия қилинади:

$$Д_{е.о} = \frac{\acute{O}\hat{O}}{\tilde{O}}; \quad \ddot{A}_{е.о} = \frac{\beta\ddot{A}}{\tilde{O}}$$

Бу ерда:  $\bar{X}$  - ходимларни йиллик ўртача сони, киши.

- муомала харажатларини рентабеллиги ( $Мх.р$ ):

$$M_{x.p} = \frac{МТСЯФ \cdot 100}{Мх}; \quad \text{Бу ерда: } Мх - \text{муомала харажатлари}$$

суммаси.

- иш ҳақи фондини рентабеллилиги (Их.ф.р.) коэффициентда ёки %.
- Булар тегишлича қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{x.ф.р} = \frac{УФ}{I_{x.ф}} ; \quad I_{x.ф.р} = \frac{УФ \cdot 100}{I_{x.ф}} ;$$

Фойда ва рентабеллик корхонанинг натижавий кўрсаткичи бўлганлиги сабабли унга кўп сонли ташқи (савдога боғлиқ бўлмаган) ва ички омиллар таъсир қилади.

Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий барқарорлик;
- иқтисодиётнинг ҳолати;
- демографик ситуация;
- бозор конъюктураси, жумладан истеъмол товарлари бозори;
- инфляция даражаси;
- кредит бўйича банк фоизлар;
- баҳони миқдори;
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар миқдорлари.

Ички омилларга қуйидагилар киради:

- савдо устамалар миқдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала ҳаражатлари миқдори;
- товарларни силжитиш каналлари;
- меҳнат унумдорлиги;
- товар айрибошлаш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);
- ўз маблағларининг миқдори;
- асосий фондлардан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

### **5.3. Фойда ва рентабелликнинг таҳлили**

Фойда ва рентабелликни таҳлил қилишда унинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш зарур. Ушбу мақсад ва вазифаларга

эришиш учун таҳлил жараёнида қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш ва уларни ўрганиш кераклигини аниқлаб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга (9.2-параграфга қаралсин).

Фойда ва рентабеллик ҳар қандай хўжалик субъектининг, жумладан умумий овқатланиш фаолиятининг молиявий натижаси эканлигидан келиб чиқсак, уларни таҳлилни асосий мақсади умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)ларининг ҳисобот йилидаги хўжалик фаолиятининг молиявий натижасини баҳолашдан иборатдир.

2ар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик субъектлари фойдани максималлаштиришга интилади. Чунки фойда орқали фаолиятни инвестициялаштириш, ўз-ўзини молиялаштириш, мулкдорларни мулкни оширилиши, корхонани тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар ҳал қилинади.

Таҳлил жараёнида ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади:

- ҳисобот йилида режага нисбатан фойда ва рентабеллик кўрсаткичларида қандай ўзгаришлар рўй берганлигини аниқлаш;
- ҳисобот йили кўрсаткичларини ўтган йиллар, бошқа рақобатдош корхоналар, ҳудуд, республиканинг кўрсаткичлари билан солиштирган ҳолда уларни ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;
- фойда ва рентабелликка таъсир қилган омилларни ўрганиш ва баҳолаш;
- фойдани таркибини ўзгаришига баҳо бериш, уни турлари бўйича ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;
- фойда ва рентабелликни ошириш йўллари аниқлаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- фойдани тақсимланишини ўрганиш, шу билан бир қаторда жамланган фойдани ўзгариш тенденцияларини баҳолаш, резерв капитални ҳолатини баҳолаш, акциядорларни дивидендлари қандай ҳолатда ўзгариши каби жараёнларни баҳолаш. Чунки бу жараёнлар корхонанинг келажак фаолияти самарасига сезиларли даражада билвосита таъсир қилади.

Фойда ва рентабелликни таҳлил қилиш жараёнида юқоридагилардан ташқари даромадлар ва харажатларни ўзгариш тенденциялари комплекс ўрганилиб, уларга ҳам баҳо берилади.

Бундай таҳлилда корхона ресурсларини ишлатилиши самарадорлигига ҳам баҳо бериш зарур бўлади.

Фойда ва рентабелликни таҳлили биз 9.2-параграфда келтирган кўрсаткичларни аниқлаш, фойда ва рентабелликка таъсир қилувчи омиллар, шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ҳамда уларга ишлов беришдан бошланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл)да келтирилган кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини аниқлаш ва ўтган йилларга (камида уч йил) нисбатан ўзгариш суръатларини таҳлил қилиш учун қуйидаги 9.3.1 жадвални тавсия қиламиз.

Ушбу жадвал маълумотларини ҳисоб-китоб қилгандан кейин биз юқорида келтирган рентабеллик кўрсаткичларини алоҳида жадвалда ҳисоблаш, кўрсаткичларга баҳо бериш, уларга таъсир қилган омиллар таъсир миқдорини ҳисоб-китоб қилиш, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

Фойдани таҳлил қилишда уни тақсимланишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш, уни кўрсаткичларини жадвалга солиб, режага нисбатан, ўтган йилларга нисбатан ўзгариш миқдорини, суръатларини ҳисоблаш, баҳолаш зарур бўлади.

Ҳисобот йилидаги соф фойда тақсимланиши ёки тақсимланмай қолиши мумкин. Бундай тақсимотни амалга ошириш корхонанинг мулкӣ ва ташкилий шаклига бевосита боғлиқ бўлади.

Масалан, акциядор жамиятларда, хусусий корхоналарда, қўшма корхоналарда фойдани тақсимланиши уларни устав ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, таъсисчилар йиғилишининг қарорига асосан амалга оширилади.

### 5.3.1-жадвал

Молиявий натижаларни \_\_\_\_\_ йилларга таҳлили

| Т/р | Кўрсаткичлар                                                                                       | Ўтган йиллар   |                |                | ²исобот йили |              | ²ақиқийси<br>режага<br>нисбатан |   | Ўтган йилларга нисбатан<br>ўзгариши |                |                |                |                |                |
|-----|----------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|----------------|----------------|--------------|--------------|---------------------------------|---|-------------------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
|     |                                                                                                    | x <sub>1</sub> | x <sub>2</sub> | x <sub>3</sub> | режа         | хақи-<br>кий | фарқи<br>(+;-)                  | % | сўмда                               |                |                | %              |                |                |
|     |                                                                                                    |                |                |                |              |              |                                 |   | x <sub>3</sub>                      | x <sub>2</sub> | x <sub>1</sub> | x <sub>3</sub> | x <sub>2</sub> | x <sub>3</sub> |
| 1.  | Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум (товар айланмаси)                           |                |                |                |              |              |                                 |   |                                     |                |                |                |                |                |
| 2.  | Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннарихи (сотилган товарларни сотиб олиш баҳосида) |                |                |                |              |              |                                 |   |                                     |                |                |                |                |                |
| 3.  | Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг сотишнинг ялпи даромади (зарари) суммаси (1-2)с.             |                |                |                |              |              |                                 |   |                                     |                |                |                |                |                |
|     | Товар айланмасига нисбатан, %                                                                      |                |                |                |              |              |                                 |   |                                     |                |                |                |                |                |
| 4.  | Давр ҳаражатлари, жами: суммаси (4,1+4,2+4,3+4,4)                                                  |                |                |                |              |              |                                 |   |                                     |                |                |                |                |                |
|     | Товар айланмасига нисбатан, %                                                                      |                |                |                |              |              |                                 |   |                                     |                |                |                |                |                |
|     | Шу жумладан:                                                                                       |                |                |                |              |              |                                 |   |                                     |                |                |                |                |                |
|     | 4.1.Сотиш ҳаражатлари                                                                              |                |                |                |              |              |                                 |   |                                     |                |                |                |                |                |
|     | 4.2.Маъмурий ҳаражатлар                                                                            |                |                |                |              |              |                                 |   |                                     |                |                |                |                |                |
|     | 4.3.Бошқа операцион ҳаражатлар                                                                     |                |                |                |              |              |                                 |   |                                     |                |                |                |                |                |
|     | 4.4. Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври                            |                |                |                |              |              |                                 |   |                                     |                |                |                |                |                |

|    |                                                                                             |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|----|---------------------------------------------------------------------------------------------|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|    | ҳаражатлари                                                                                 |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 5. | Товарларни сотишдан олинган<br>фойда: суммаси<br>(3-4).                                     |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | Товар айланмасига нисбатан, %                                                               |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 6. | 6.1.Асосий фаолиятнинг бошқа<br>даромадлари<br>6.2. Асосий фаолиятнинг бошқа<br>ҳаражатлари |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 7. | Асосий фаолиятнинг фойдаси (3-<br>4+5)                                                      |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 8. | Молиявий фаолиятнинг<br>даромадлари, жами<br>(8,1+8,2+8,3+8,4+8,5), шу<br>жумладан          |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | 8.1.Дивидендлар шаклидаги<br>даромадлар                                                     |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | 8.2.Фоизлар шаклидаги<br>даромадлар                                                         |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | 8.3.Ўзоқ муддатли ижара<br>(лизинг)дан даромадлар                                           |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | 8.4.Валюта курси фарқидан<br>даромадлар                                                     |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | 8.5.Молиявий фаолиятнинг бошқа<br>даромадлари                                               |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 9. | Молиявий фаолият бўйича<br>ҳаражатлар (9,1+9,2+9,3+9,4)<br>шу жумладан:                     |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|    | 9.1.Фоизлаш шаклидаги<br>ҳаражатлар                                                         |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |

|     |                                                                      |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|-----|----------------------------------------------------------------------|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|     | 9.2.Ўзоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|     | 9.3.Валюта курси фарқидан зарарлар                                   |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|     | 9.4.Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар                         |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 10. | Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари) (7+8-9)                     |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 11. | Фавқулотдаги фойда ва зарарлар                                       |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 12. | Даромад (фойда) солиғини тулагунга қадар фойда (зарар) (10±11)       |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 13. | Даромад (фойда) солиғи (ялпи даромад солиғи)                         |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 14. | Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар                                  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 15. | ²исобот даврининг соф фойдаси (зарари): суммаси (12-13-14).          |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|     | Товар айланмасига нисбатан, %                                        |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
| 16. | Баҳолар индекси <sup>1</sup>                                         |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |

<sup>1</sup> Статистик муассасалар, марказий банк маълумоти ёки эксперт кузатиш натижалари бўйича

Соф фойдани тақсимооти қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- таъсисчиларга дивиденд (фоиз) кўринишида тақсимланган соф фойда суммаси;

- корхонанинг резерв капиталга ажратма суммаси;

- тақсимланмай қолган фойдани ўтган йиллар жамланган фойдасига қўшилган сумма (жамланган фойда ҳисобига).

Ушбу кўрсаткичларни иқтисодий йўналтирилиши моҳиятидан келиб чиқиб, уларни ўзгариш суръатларига алоҳида баҳо бериш керак.

Фойда даромадлар ва ҳаражатлар тафовутидан шаклланган кўрсаткич бўлганлиги сабабли, уни нисбий кўрсаткичи рентабелликни ошириш йўллари аниқлаш даромадни ошириш ва ҳаражатларни қисқартириш тадбирларидан келиб чиқиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рентабелликни ошириш йўллари аниқлаймиз.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Товар айланмаси ҳажмини шу жумладан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳамда сотиб олинган товарлар бўйича ошириш ва ассортиментини такомиллаштириш.
2. Товарларни силжитиш бўғинлари қисқартириш.
3. Товар айрибошлаш тезлигини таъминлаш (кунлар ва маротаба ҳисобида).
4. Муомала ҳаражатларини тежамкорлик билан сарфлаш.
5. Мавжуд ресурслардан (моддий, меҳнат ва молиявий) самарали фойдаланиш.
6. Умумий овқатланишда янги технологияларини жорий қилиш ва бошқалар.

Фойдани оширишни асосий йўли даромадларни оширишдир.

Умумий овқатланиш фаолияти даромадларини ошириш йўллари даромадлар турларидан ва моддаларидан келиб чиқиб, уларни шаклланиш манбалари ва уларга таъсир этувчи омиллардан келиб чиқиб белгиланиши зарур.

Товарларни сотишдан олинган даромадлар асосан товарлар айланиши ҳажми, таркиби ва ассортименти, уларга ўрнатилган умумий овқатланиш устамаси даражаси ҳамда товарларни келтиришдаги иштирокчилар ва рақобатбардош баҳонинг миқдоридан боғлиқ. Бу кўрсаткичларни у ёки бу томонга ўзгариши даромадни ортишига ёки камайишига олиб келади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа адромадлар миқдори корхонада мавжуд асосий фондлар, уларни ишлатилмаётганлиги, сотиш имконияти, номоддий активларни сотишни ташкил қилишдан боғлиқ.

Мавжуд, талаб қилиб олинмаган жазо, жарима ва боқимандаларни ўз вақтида қайтариб олиш тадбирларини кўриш ва бошқалар.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ошириш учун умумий овқатланиш корхонаси мулки бўлган нау-хау, лицензия, компьютер дастурларидан самарали фойдаланиш, уларни ижарага бериш ёки сотиш чораларини кўриб чиқиш.

Бошқа корхоналар акцияларини сотиб олиш орқали дивидендлар ишлаш каби фаолиятларни юритиш.

Барча даромадлар турлари бўйича уларни ошириш йўллари ахтарганда, бошқарув соҳасида юқори малакали кадрлардан фойдаланиш, рационал қарорлар қабул қилиш, фан техника ютуқларидан тўғри фойдаланиш каби тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Муомала ҳаражатлардан тежамли фойдаланиш, унинг таркибида нораціонал ҳаражатларга йўл қўймаслик умумий овқатланишнинг сотишдан олган фойдасини оширишга олиб келади.

Умуман фойдани миқдори хўжалик фаолиятни ташкиллаштиришда самарали қарорлар қабул қилиш, раҳбарлар ва ходимларни тадбиркорлиги, касбий маҳорати, малакаси каби омиллардан ҳам анча боғлиқдир.

#### 5.4. Фойда ва рентабелликни режалаштириш ва прогнозлаш

Фойда ҳар қандай хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар, жумладан бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга. У хўжалик фаолиятини самарадорлигини кўрсаткичи бўлиши билан бир қаторда корхоналарни, жамиятни иқтисодий тараққиётига асос солади ва инновация жараёнини молиялаштиришни ҳам таъминлайди.

Фойда хўжалик фаолиятини натижаси бўлиш билан бирга унривожлантиришга шарт-шароит яратади. Чунки фойда барча хўжалик фаолияти тараққиётини таъминловчи янгиликлар, ихтироларни жорий қилишга имконият яратадиган манбадир.

Жамиятни барча хўжалик субъектлари каби савдо ҳам ўз мулкларини тўлдириш, асосий фондларга капитал маблағларини молиялаштириш, доимо янгиликлар, ихтироларни жорий қилиш масаласини қисқа муддатда ҳал қила олмайди. Маблағларни жамғариш учун вақт керак, иқтисодий ва молиявий шарт-шароит яратилиши зарур.

Ушбу ҳолат корхоналарни, барча турдаги хўжалик субъектларини, қолаверса худудни ва жамиятни молиявий имкониятларини жорий ва стратегик режалаштирилишини талаб қилади. Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)лари учун ҳам юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиқиб, фойдасини қисқа муддатларга режалаштириши ва келажакка прогнозлаштириши объектив заруриятдир.

Фойда тўғрисидаги маълумотлар корхоналар учун хўжалик фаолияти келажagini белгилаш учун муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Фойдани режалаштириш ва прогнозлаштиришда қуйидаги маълумотлар асос бўлиб ҳисобланади:

**Биринчидан,** корхонани даромадини, муомала ҳаражатларини умумий ҳажми ва моддалари бўйича; фойдасини ва тегишли бўлган бошқа кўрсаткичларини ўтган даврга таҳлили натижалари.

**Иккинчидан**, даромадларни барча турларини, муомала харажатини ҳажми ва моддаларини, ретабелликни барча кўрсаткичларини ўзгариш суръатлари (тенденциялари)ни ўрганиш натижалари.

**Учинчидан**, товар айланмаси ҳажми ва ассортименти, товар таъминоти товар гуруҳлари ва манбалари бўйича режалар ва прогноз маълумотлари.

**Тўртинчидан**, савдо устамалари тўғрисидаги маълумотлар.

**Бешинчидан**, мўлжалланган даврга баҳолар, солиқлар, ҳар хил тўлов тўғрисидаги маълумотлар.

**Олтинчидан**, муомала харажатларини прогнози.

**Еттинчидан**, келажакда корхонани ўз айланма маблағлари миқдори, асосий фондларни янгилаш, реконструкция қилиш тўғрисидаги прогноз маълумотлари ва бошқалар.

Фойдани унинг таркибий турлари, яъни товарларни сотишдан олинган ялпи фойда, асосий фаолиятдан қўрилган фойда, умумхўжалик фаолиятдан қўрилган фойда, солиқ тўлангунгача олинган фойда ва йилнинг соф фойдаси бўйича алоҳида ҳисоб-китоблар қилиниб, алоҳида режалаштирилиши ва прогноз қилиниши лозим.

Юқоридагилар фойдани режалаштириб қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлаб турибди.

Фойдани режалаштиришда қандай мақсад назарда тутилади?

Фойда ва рентабелликни режалаштиришни асосий мақсади овқатланиш корхоналарининг хусусиятлари ва уларнинг умумий мақсадидан келиб чиқиши зарур.

Овқатланиш корхоналарининг хусусиятлари улар фаолиятида ишлаб чиқариш, айрибошлаш, яъни олди – сотди жараёни ва ишлаб чиқарган маҳсулотни ўз жойида истеъмол ташкил қилиш, сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш каби функцияларни бажариш билан белгиланади. Ушбулардан келиб чиқиб, овқатланиш корхоналарининг умумий мақсади сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, жойида сотиш, истеъмолни ташкил

қилиш сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш асосида даромад ёки фойда олишга эришишдир.

Овқатланиш корхоналарининг фойдаси бир томондан, юқорида келтирилган функцияларни бажарилиш шарт – шароитлари, ҳажми ва таркибига; иккинчи томондан, даромадларнинг турлари ва шаклланишига; учинчи томондан, овқатланиш корхоналарининг ҳаражатлари миқдори ва таркибига боғлиқ бўлади.

Фойда ҳар қандай корхона, жумладан овқатланиш корхоналари учун ҳам уларнинг ривожланиш манбаи бўлиб ҳисобланади. Унинг яна бир муҳим томони, жамият тараққиётини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагилар фойдани режалаштириш қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлаб турибди.

Фойдани режалаштиришдан асосий мақсад – бир томондан, корхонани келажакда ривожланишини таъминлайдиган миқдордаги фойдага эришиш бўлса; унга эришиш учун овқатланиш корхоналари аҳоли талабига жавоб берадиган, юқори сифатли озиқ – овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиши, сотиши ва истеъмол қилиниши сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш учун юқори даражадаги хизматни ташкил қилишига боғлиқдир. Бу муҳит фойдани режалаштириш мақсадини иккинчи томонини намоён қилади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун фойдани режалаштириш қуйидаги вазифаларни ўзида мужассамлаштириши керак.

- асосий мақсадга эришишни таъминлайдиган тижорат ҳолатларини аниқлаш;
- фойдага таъсир қилувчи барча омилларни ўтган йилларга комплекс таҳлил қилиш ва келажакка башорат қилиш;
- фойдага бевосита таъсир қилувчи омиллардан келиб чиқиб корхонани безарарлик нуқтасини аниқлаш;
- бозор иқтисодиёти шароитида барча ресурслардан оқилона, рационал фойдаланиш, ҳаражатларини тежамлигини, молиявий натижаларни оптималлигини таъминлаш;

- режани бозор конъюктураси ўзгариш эҳтимолларига мўлжалланган альтернатив вариантларини тайёрлаш;

- ишлаб чиқилган ва қабул қилинган режани бажарилишини таъминлайдиган чора – тадбирларни белгилаш ва назорат қилиш.

Фойда ва рентабелликни режалаштиришда бир қанча усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин;

- даромадлар ва ҳаражатлар баланси;
- техник – иқтисодий ҳисоб–китоб усули;
- безарарлик (зарарсизлик) нуқтасини аниқлаш усуллари;
- эластиклик коэффицентларини қўллаш усули;
- иқтисодий- математик усуллар.

Баланс усули амалиётда товар айланиш кўрсаткичларини режалаштиришда, аҳоли даромадлари ва ҳаражатларини аниқлашда кенг қўлланиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Биз овқатланиш корхоналари фойдасини режалаштиришда баланс усулидан кенг фойдаланишни тавсия қиламиз. Баланснинг чап қисмида Умумий овқатланиш корхонасининг барча даромадлари миқдори, ўнг қисмида ҳаражатларнинг барча турлари миқдори ва корхонанинг фойдаси кўрсатилади.

Бизнингча баланс таркибини қуйидаги шаклда тўзиш мақсадга мувофиқдир.

## Овқатланиш корхонасининг даромадлар, ҳаражатлар ва фойдаси баланси

(минг сўм)

| Даромадлар                                                                                                                                                                                                                                                                                               | Сумма | Ҳаражатлар<br>ва фойда                                                                                                                                                                                                                                                                                                  | Сумма |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| 1.Сотишдан олинган даромадлар – жами<br>Жумладан:<br>1.1.Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишдан олган даромади.<br>1.2 Сотиб олган товарларни сотишдан олган даромади.<br>2.Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.<br>3. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар.<br>4. Фавқулотда даромадлар. |       | 1.Сотиш таннархига киритилган ҳаражатлар.<br>2. Давр ҳаражатлари.<br>2. 1. Сотиш ҳаражатлари.<br>2.2. Маъмурий ҳаражатлар.<br>2.3. Бошқа операцион ҳаражатлари.<br>3. Келгуси давр ҳаражатлари.<br>4. Асосий бўлмаган фаолиятга доир ҳаражатлар.<br>5. Молиявий фаолиятга доир ҳаражатлар.<br>6. Фавқулотда ҳаражатлар. |       |
| 5.Ялпи даромад.                                                                                                                                                                                                                                                                                          |       | 7. Жами ҳаражатлар суммаси.                                                                                                                                                                                                                                                                                             |       |
|                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |       | 8. Солиқ тўлангунча фойда.<br>9. Ялпи даромад солиғи.<br>10. Мол мулк солиғи.<br>11. Соф фойда.                                                                                                                                                                                                                         |       |
| Баланс                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |       | Баланс (7+8+11)                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |       |

Техник-иқтисодий ҳисоб китоб усулидан балансдаги кўрсаткичларни аниқлашда кенг фойдаланиш мумкин ва фойдани алоҳида турларини аниқлашда ишлатилади. 1999 йил 5 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг 54 сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ Умумий овқатланиш

корхоналарининг фойдасининг ҳисоб китоб қилиш усули 5.2. параграфда ёритилган.

Безарарлик нуктасини аниқлаш орқали фойдага таъсир қилувчи омилларнинг таъсири остида қанча миқдорида соф фойдага эришиш мумкинлиги аниқланади. Унинг учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин.

$$1. \text{ БН к } \frac{\ddot{A}\ddot{O}}{1 - \frac{\acute{O}\acute{O}}{\acute{O}\acute{O}\ddot{A}}};$$

бунда: ДХ – доимий ҳаражатлар (муомала ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини) ўзгармас қисми;

УОУТА – Умумий овқатланиш корхоналарининг умумий товар айланмаси,

У<sub>х</sub> Умумий овқатланиш корхонасини ўзгарувчан ҳаражатлари

$$2. \text{ БН к } \frac{\ddot{A}\ddot{O} \cdot 100}{\ddot{A} \cdot 100} \cdot \frac{\acute{O}\acute{O}\ddot{A}}{\acute{O}\acute{O}\ddot{A}}$$

бунда Д – даромадлар.

$$\acute{A}\acute{I} = \frac{\acute{O}\acute{O}\ddot{A}\ddot{O}\ddot{A}}{\acute{O}\acute{O}\ddot{A} - \acute{O}\ddot{O}}.$$

Эластиклик коэффиценти фойдага таъсир қилувчи омилнинг 1 % ўзгариши фойдани қанча фоизга ўзгаришига олиб келишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич ўтган йиллар маълумотларини таҳлил қилиш орқали ҳисоб-китоб қилинади ва режалаштирилган йилга таъсир қилувчи омилни ўзгариш миқдорида коэффицентни кўпайтириш орқали фойдани ўзгариш даражаси аниқланади.

Эластиклик коэффицентини умумий кўриниши қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$K_3 \frac{\Delta Y \cdot 100}{Y} : \frac{\Delta X \cdot 100}{X} = \frac{\Delta Y}{\Delta X} \cdot \frac{X}{Y} :$$

Бунда: у- фойданинг миқдори;

Х- таъсир қилувчи омилнинг миқдори.

Фойданинг ўзгариш миқдори « $\Delta Y$ » унга таъсир қилувчи омилнинг « $\Delta X$ » ўзгариш миқдorigа нисбатан қандай даражада ўзгаришини кўрсатади. Уни ҳисоблаш учун корреляцион тенгламадан фойдаланиш мумкин. Агар боғлиқлик тўғри чизиқли бўлса,

$y = a + vx$ , унда  $K_3 = v \cdot \frac{\bar{X}}{\bar{Y}}$ ; «в» - регрессия коэффиценти, уни юқорида

келтирилган тенгламани ечиш орқали аниқлаш мумкин бўлади.

Фойдани режалаштиришда иқтисодий математик усуллардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин бўлади. Агар унинг учун етарли маълумотлар мавжуд бўлса. Масалан кўп факторли регрессион моделлардан фойдаланиш мумкин.

Фойдани миқдори аниқлангандан кейин рентабеллик кўрсаткичи аниқланади.

Амалиётда рентабеллик асосан фойда суммасини 100 кўпайтириб, Умумий овқатланиш корхонасини умумий товар айланмасига бўлиш билан аниқланади.

Ушбу кўрсаткич билан бир қаторда фойдани ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатларига нисбатан; корхонанинг даромадига нисбатан; иш ҳақиға нисбатан ва ҳ.к. нисбатан аниқлаш ҳам мумкин.

**Таянч иборалар:** товар айланмаси, қиймат, баҳо, устама, ялпи даромад, товарларни сотишдан олинган даромад, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавқулотдаги даромадлар, фойда, рентабеллик, режа, режалаштириш, прогноз, безарарлик нуқтаси, эластиклик коэффиценти, баланс, ҳаражатлар, даромадлар, самарадорлик.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**



---

---

**«Оммавий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти»**

**фанидан**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН**  
**МАТЕРИАЛЛАР (кейслар, назорат саволлари)**

---

---

**САМАРҚАНД 2021**

**1-Мавзу: Рақамли иқтисодиёт ривожланиши шароитида иқтисодий  
фанларнинг ўрни ва аҳамияти**

**Оммавий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанидан масалалар**

**1-масала**

| Курсаткичлар                                             | Хисобот йили |           |
|----------------------------------------------------------|--------------|-----------|
|                                                          | Режада       | Хақиқатда |
| 1. Умумий овқатланиш айланиши,<br>хаммаси<br>Шу жумладан | 5810,0       | 5873,1    |
| а) узида ишлаб чиқариладиган<br>махсулот айланиши        | 3730,0       | 3810,6    |
| б) сотиб олиб сотишдан келган<br>айланиши                |              |           |
| 2. Харажатлар                                            |              |           |
| Суммада                                                  |              | 1005,5    |
| Айланишига нисбатан                                      |              |           |
| % га                                                     | 17,4         |           |

**Эслатма: узида ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг харажатларга  
таъсирини тугрилаш коэффициентини оркали аниқланг:**

$$K = \frac{1,5 \times n}{1,5 \times C - 100} \quad \text{бу ерда:}$$

К – тугрилаш коэффициентини:

П – режадаги харажатлар даражаси;

С – режадаги узида ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг салмоғи %  
да.

Масаланинг ечимига ёзма изох беринг.

**2-масала**

Оммавий овқатланиш корхонаси буйича технологик хизмат учун зарурий ёкилги харажатларини куйидаги маълумотларга асосланиб тахлил килинг

| Бажарилган ишлар                      | Хақиқатдаги иш<br>хажми | Бир бирликдаги<br>махсулот ишлаб<br>чиқариш учун шартли<br>ёкилган нормаси, кг. |
|---------------------------------------|-------------------------|---------------------------------------------------------------------------------|
| 1                                     | 2                       | 3                                                                               |
| 1. Овкат ишлаб чиқариш,<br>минг овкат | 649                     | 155,0                                                                           |
| 2. Сув кайнатиш, м <sup>3</sup>       | 229                     | 71,5                                                                            |
| 3. Сув иситиш, м <sup>3</sup>         | 399                     | 16,9                                                                            |
| 4. Пирожки пишириш                    | 224                     | 450                                                                             |

Хакикатда 189 т кумир, 1 тоннаси – 24 сумдан сарфланган. 1 т кумирни шартли ёкилгига айлантириш коэффиценти 0,551 га тенг. Хакикий харажатларнинг нормадаги харажатлардан фаркини кийматида улчов бирлигида аникланг.

### 3-масала

Булунгур умумий овқатланиш корхоаси харажатларини тахлил килинг. Бунда узида ишлаб чиқарилган махсулот салмоги ва унинг харажатлар даражасига таъсирини аникланг

(минг сум хисобида)

| Курсаткичлар                                        | Хисобот йили |           |
|-----------------------------------------------------|--------------|-----------|
|                                                     | Режада       | Хакикатда |
| 1. оммавий овқатланиш товар айланиши<br>Шу жумладан | 4410,0       | 4441,2    |
| а) узида ишлаб чиқарадиган махсулот айланиши        | 2790,0       | 2900,9    |
| б) сотиб олиб сотишдан келган айланиши              |              |           |
| 2. Харажатлар                                       |              |           |
| суммада                                             |              | 862,3     |
| айланишига нисбатан                                 |              |           |
| % га                                                | 19,1         |           |

Блитз саволлар:

1. Оммавий овқатланиш таърифини айтинг.
2. Оммавий овқатланишнинг моҳиятини ёритинг.
3. Оммавий овқатланишнинг функцияларни ёритинг.
4. Оммавий овқатланиш соҳасининг вазифалари нималардан иборат.
5. Жамиятда умумий овқатланиш қандай аҳамиятга эга?
6. Оммавий овқатланишнинг ташкилий шакллари ёритиб беринг.
7. Оммавий овқатланиш корхоналари қандай турланади?
8. Оммавий овқатланиш соҳасининг товар айланиши кўрсаткичини моҳиятини ёритинг.
9. Моддий борлик нима, улар қандай турларга бўлинади?
10. Инсоният ҳаётда қандай муаммоларга дуч келади?

## 2-Мавзу: Оммавий овқатланиш ва уни ташкилий – иқтисодий тавсифи

Масаланинг ечимига ёзма хулоса беринг.

#### 4-масала

Иштихон туманидаги умумий овкатланиш корхонасининг харажатларини ҳисобот йили учун таҳлил килинг.

Ҳисобот йилида товар айланиши ва муомала харажатлари

| Курсаткичлар                                                  | Режада | Ҳақиқатда | Режанинг<br>бажарили<br>ш фоизи | Фарқи (+,-)  |          |
|---------------------------------------------------------------|--------|-----------|---------------------------------|--------------|----------|
|                                                               |        |           |                                 | Сумма-<br>да | даражада |
| Товар айланиши<br>минг сум                                    | 5565   | 5636,0    |                                 |              |          |
| Шу жумладан                                                   |        |           |                                 |              |          |
| Узида ишлаб<br>чиқарилган<br>махсулот<br>айланиши минг<br>сум | 3613,0 | 3647,0    |                                 |              |          |
| Харажатлар:                                                   |        |           |                                 |              |          |
| суммада                                                       |        | 979,9     |                                 |              |          |
| даражада %                                                    | 17,35  |           |                                 |              |          |
| а) шу жумладан                                                |        |           |                                 |              |          |
| б) узгарувчан<br>харажатлар товар<br>айланишига<br>нисбатан   |        |           |                                 |              |          |
| даражада %                                                    | 10,26  | 11,92     |                                 |              |          |
| суммада                                                       |        |           |                                 |              |          |
| узгарувчан<br>харажатлар                                      |        |           |                                 |              |          |
| узида ишлаб<br>чиқарилган                                     |        |           |                                 |              |          |
| Махсулотга<br>нисбатан                                        |        |           |                                 |              |          |
| даражада %                                                    | 2,13   |           |                                 |              |          |
| суммада                                                       |        | 78,78     |                                 |              |          |
| Шартли доимий<br>харажатлар:                                  |        |           |                                 |              |          |
| суммада                                                       |        |           |                                 |              |          |
| даражада                                                      |        |           |                                 |              |          |

Аниқланг: Жадвалда берилган аниқланмаган курсаткичларни;

2. Ҳақиқий курсаткичларнинг режадагига нисбатан узгаришини;
3. Оммавий овкатланиш корхонасининг харажатларини;

### 5-масала.

Оммавий овқатланиш корхонасининг нон ишлаб чиқариш цехида 47 тонна айлана нон ишлаб чиқариш учун бригада 220 кг ачитки, 315 кг туз, 56 кг ег сарфлади. Ундан нон чиқиш нормаси 110 %, 1 ц. Ун сарфланганда мувофик равишда:

0,20 кг ег, 1,4 кг туз, 0,9-1 кг ачитки керак булади. Хом ашёларнинг мувофик равишда бахоси 1,56 т, 7 тийин ва 3,45 т. бригада буйича ердамчи хом ашё сарфини аниқланг.

### 6-масала

Куйидаги жадвал маълумотларига асосланиб, нон ишлаб чиқариш комбинати буйича ун харажатларини таҳлил қилинг.

| Маҳсулот тури                           | Хакикий маҳсулот ишлаб чиқариш, ц | Хакикатдаги ун сарфи | Базасли намлик 14,5 буй ича нон ишлаб чиқариш миқдори % |
|-----------------------------------------|-----------------------------------|----------------------|---------------------------------------------------------|
| Кора нон                                | 14100                             | 8413                 | 149                                                     |
| II сортли бугдой Унидан тайёрланган нон | 10000                             | 8000                 | 153                                                     |

### Хисобт йилида келиб тушган бугдой уни:

56 % - 15,6 намликда

44% - 14,5 намликда

бошка ун норма буйича келиб тушди.

Кискартирилган норма буйича бугдой уни нонининг чиқишини, хакикий намлигини куйидаги формула орқали аниқланг:

$$B_{\phi} = \frac{B \times 100}{100 - (14,5 - M)}$$

$B_{\phi}$  – хакикий намлик буйича нон чиқиш миқдори:

$B$  – базисли 14,5 % намлик буйича нон чиқиш нормаси;

$M$  – хакикий (уртача) унинг намлиги.

### Блиц саволлар:

11. Фан нима?
12. Иқтисодиёт сўзининг мазмунини ёритиб беринг?
13. Иқтисодиёт фанлари тизимида қандай фанлар қиради?
14. Оммавий овқатлаиш соҳаси иқтисодиёти фанининг объекти нима?
15. Оммавий овқатлаиш соҳаси иқтисодиёти фанининг предмети?
16. Оммавий овқатлаиш соҳаси иқтисодиёти фани қандай усуларни ишлатади?
17. Овқатланиш жараёнини тавсифлаб беринг.
18. Товар айланиш қандай таснифланади?

19. Ишлаб чиқариш дастури моҳиятини ёритинг.
20. Товар айланиш кўрсаткичларини таҳлил қилишни хусусиятлари нималардан иборат?

### 3-Мавзу: Оммавий овқатланиш корхоналарининг маҳсулоти ва товар айланиши

#### 7-масала

Самарканд шаҳридаги оммавий овқатланиш корхонасига қарашли нон ишлаб чиқариш корхоналари буйича таннархини таҳлил қилинг.

#### Жомбой матлубот жамиятларининг асосий курсаткичлари

(минг сум ҳисобида)

| Курсаткичлар                                                                                                            | Хисобот йили |           | Режанинг бажарилиш фоизи еки фарқи (+,-) |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|-----------|------------------------------------------|
|                                                                                                                         | Режада       | Хақиқатда |                                          |
| 1. Чакана товар айланиши                                                                                                | 34163,1      | 36165,2   |                                          |
| 2. Ялпи даромад                                                                                                         | 2780,3       | 2913,2    |                                          |
| 3. Муомала харажатлари (иш хақи арзонлаштириш фондиси)                                                                  | 1965,6       | 2120,5    |                                          |
| 4. Иш хақи ва фойда суммасини ташкил қилувчи даромад                                                                    |              |           |                                          |
| 5. Иш хақи фондини ҳосил қилувчи иш хақи ва фойда суммасини ташкил қилувчи даромадга нисбатан ажратма нормативи % ларда | 64,5         | 64,0      |                                          |
| 6. Иш хақи: а) суммада                                                                                                  |              |           |                                          |
| б) товар айланишига нисбатан %                                                                                          |              |           |                                          |
| 7. 1 % фойда суммасининг қушимча узиш билан иш хақининг қушимча узиши уртасидаги норматив                               | 0,7          |           |                                          |

Масаланинг ечимини жадвалда ифода этинг. Иш хақи фонди ҳисобот

йилида тежалган булса, уни сарфлаш, кушимча харажат килинган булса, тежаш йулларини ишлаб чикинг ва хулоса ёзинг.

## 8-масала

Жадвал маълумотлари асосида оммавий овқатланиш корхонаси кўрсаткичларига баҳо беринг

| Курсаткичлар                                                                                        | Режада  | Хакикатда | Режанинг бажарилиш фойзи ёки фарки (+,-) |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|-----------|------------------------------------------|
| 1. Чакана товар айланиши                                                                            | 6761977 | 6789931,7 |                                          |
| 2. Ялпи даромад:                                                                                    | 9,54    | 9,59      |                                          |
| а) товар айланишига нисбатан                                                                        |         |           |                                          |
| б) суммада                                                                                          |         |           |                                          |
| 3. Муомала харажатлари (иш хаки ва арзонлаштириш фондисиз)                                          |         |           |                                          |
| а) товар айланишига нисбатан % ларда                                                                | 7,70    | 7,53      |                                          |
| б) суммада                                                                                          |         |           |                                          |
| 4. Иш хаки фондини ва фойда суммасини ташкил килувчи даромад                                        |         |           |                                          |
| 5. Иш хаки фондини ҳисол килувчи иш хаки ва фойда суммасини ташкил килувчи даромадга нисбатан       |         |           |                                          |
| % т норматив                                                                                        | 64,3    | 64,5      |                                          |
| 6. Иш хаки фонди:                                                                                   |         |           |                                          |
| а) суммада                                                                                          |         |           |                                          |
| б) товар айланиши нисбатан % ларда                                                                  |         |           |                                          |
| 7. 1 % фойда суммасиниг кушимча усиши билан иш хакининг кушимча усиши уртасидаги нисбатан нормативи | 0,7     | 0,71      |                                          |

Масаланинг ечимини жадвалда ифода этинг: иш хаки фондининг ҳисобот йилида тежалган ёки кушимча харажат килинган суммасини аниқланг ва тегишли хулосалар езинг.

## 9-масала

8-масала маълумотларига асосланиб, меҳнат ва иш хаки суммасининг узгариш суммасига, иш хаки ва фойда суммасини ташкил килувчи даромад, иш хаки суммасини ҳосил килувчи иш хаки ҳамда фойда суммасини ташкил килувчи даромадга нисбатан фоизлардаги ажратма нормативининг янги усулда таъсир килини аниқланг. Аниқлаш методикаси 1 иловада тавсия этилади.

| Курсаткич          | Режа | Хакикатда | Фарқи | Шу жумладан куйидаги курсаткичлар хиссасига асосан:                |                                                                                             |
|--------------------|------|-----------|-------|--------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------|
|                    |      |           |       | Иш хаки фондини ва фойда суммасини ташкил килувчи даромад хисобига | Иш хаки фондини фойда суммасини ташкил килувчи даромадга нисбатан ажратма норматив хисобига |
| 1. Иш хаки суммаси |      |           |       |                                                                    |                                                                                             |

#### 10-масала

Хисобот йилига меҳнат унумдорлиги динамикасини таҳлил таҳлил жараннида товар айланиши усишида меҳнат унумдорлигининг ва савдо ходимлари сонининг узгариш таъсирини аниқланг (интенсив ва экстенсив омиллар хиссасини).

| Курсаткичлар             | Учов бирлиги | Утган йили | Хисобот йили | Хисобот йили утган йилга нисбатан, % |
|--------------------------|--------------|------------|--------------|--------------------------------------|
| 1. Чакана товар айланиши | минг сум     | 5269,9     | 5467,8       |                                      |
| 2. Ходимларнинг сони     | киши         | 430        | 434          |                                      |
| 3. Меҳнат унумдорлиги    | минг сум     |            |              |                                      |

Чакана товар айланиши усишига интенсив омилларнинг хиссаси таъсирини аниқлаш учун куйидаги формуладан фойдаланинг:

$$I_p = (I - \frac{q_{\kappa/yc}}{T_{\kappa/yc}}) \times 100$$

бу ерда:  $I_p$  – товар айланишига интенсив омиллар хиссасининг таъсири, % дан

$\chi_{к/ус}$  – экстенсив омилларнинг (савдо ходимлари сонининг) кушимча усиш суръати

$T_{к/ус}$  - товар айланишининг кушимча усиш суръати.

Мехнат унумдорлигини ошириш йулларини курсатиб, масаланинг ечимига езма хулоса беринг:

### **Блитз саволлар:**

21. Товар айланишни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар ишлатилади? Уларни ҳисоблаш усулларини айтинг.
22. Умумий овқатланиш корхона (шоҳобча)лари товар айланиш режалаштириш усулларини ёритинг.
23. Ишлаб чиқариш қуввати моҳиятини айтинг. Бу кўрсаткич қандай аниқланади?
24. Савдо залини харидорларга хизмат қилиш салоҳияти нима? Бу кўрсаткич қандай ҳисобланади?
25. Ишлаб чиқариш дастурини тўзиш хусусиятларини ёритинг.
26. Хом ашёга бўлган эҳтиёж қандай ҳисобланади?
27. Оммавий овқатланиш корхоналарининг асосий кўрсаткичларини айтиб ўтинг.
28. Ресурс деганда нимани тушунасиз?
29. Ресурслар қандай турларга бўлинади?
30. Ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат бўлади?

### **4-Мавзу: Оммавий овқатланиш корхоналарининг моддий ва молиявий ресурслари**

#### **11-жадвал**

Самарканд вилоят оммавий овқатланиш корхонаси буйича ҳисобот йилига иш хаки фондини таҳлил қилинг.

Таҳлил жараенида қуйидаги курсаткичларни аниқланг:

- умумий овқатланиш даромадини суммада ва обортга нисбатан % ларда;
- умумий овқатланиш харажатларининг суммасини ва айланишига нисбатан даражасини;
- иш хаки фондини ва фойда суммасини ҳосил қилувчи даромадни суммада ҳамда товар обортга нисбатан даражада;
- иш хаки фондининг суммасини ва умумий овқатланиш айланишига нисбатан даражада;
- фойда суммасини;
- ҳамма хакикий маълумотларини режа маълумотлари билан солиштириб, фарқини суммада ва айрим курсаткичлар буйича режанинг бажарилиш фоизларини аниқланг.

## Оммавий овқатланиш корхонасининг асосий кўрсаткичлари

| Курсаткичлар                                                                                                          | Режада   | Хақиқатда | Режанинг бажарилиши |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------|-----------|---------------------|
| 1. Ялпи товар айланиши, минг сум                                                                                      | 128840,0 | 140217,0  |                     |
| 2. Ялпи товар даромад:                                                                                                |          |           |                     |
| а) суммада, минг сум                                                                                                  | 14100,0  | 16455,0   |                     |
| б) айланиши нисбатан фоизда                                                                                           |          |           |                     |
| 3. Харажатлар (иш хаки фондиси):                                                                                      |          |           |                     |
| а) суммада, минг сум                                                                                                  |          |           |                     |
| б) айланиши нисбатан фоизда                                                                                           | 8,12     | 8,10      |                     |
| 4. Иш хаки фондини ва фойда суммасини ташкил килувчи даромад:                                                         |          |           |                     |
| а) суммада, минг сум                                                                                                  |          |           |                     |
| б) айланиши нисбатан фоизда                                                                                           |          |           |                     |
| 5. Иш хаки фондини барпо килувчи иш хаки ва фойда суммасини ташкил килувчи даромадга нисбатан ажратма нормативи, % да | 63,7     | 64,0      |                     |
| 6. Иш хаки фонди:                                                                                                     |          |           |                     |
| а) суммада, минг сум                                                                                                  |          |           |                     |
| б) айланиши нисбатан фоизда                                                                                           |          |           |                     |
| 7. 1 % фойда суммасининг кушимча усиш билан их хакининг кушимча усиши уртасидаги нисбатан нормативи                   | 0,83     | 0,81      |                     |

Масаланинг ечимини жадвалда ифодалаб, иш хаки фаркига, иш хаки фондини ҳамда фойда суммасини ташкил килувчи даромаднинг ва иш хаки фондини ташкил килувчи ажратма таъсирини аниқланг. Масаланинг ечимини мустиқил тузилган жадвалда ифода этиб, хулоса езинг.

### 12-масала

Куйидаги жадвалда алохида вилоятларга меҳнат ва иш хаки курсаткичлар берилган. Шу маълумотлар асосида меҳнат ва иш хаки курсаткичларини таҳлил килинг. Бунда ҳисобот йилнинг утган йилига нисбатан узгаришига умумий овқатланиш ходимлари меҳнат унумдорлиги, уртача иш хакида ялпи айланиши курсаткичларининг узгариш таъсирини аниқланг.

| Вилоятлар           | Ялпи товар<br>айланиши минг<br>сум |               | Ходимлар сони,<br>киши |              | Мехнат<br>унумдорлиги,<br>млн., сум |              | Уртача иш<br>хаки, сум |             |
|---------------------|------------------------------------|---------------|------------------------|--------------|-------------------------------------|--------------|------------------------|-------------|
|                     | 2014                               | 2015          | 2014                   | 2015         | 2014                                | 2015         | 2014                   | 2015        |
| 1. Коракал-погистон | 21951                              | 24659         | 1868                   | 1979         | 11,75                               | 12,46        | 1037                   | 1104        |
| 2. Андижон          | 53887                              | 56851         | 3903                   | 4281         | 16,31                               | 13,28        | 1367                   | 1219        |
| 3. Бухоро           | 14418                              | 36157         | 2533                   | 2769         | 13,03                               | 13,06        | 1186                   | 1245        |
| 4. Кашкадарё        | 17554                              | 40599         | 2524                   | 2726         | 15,35                               | 14,89        | 1115                   | 1103        |
| 5. Наманган         | 27395                              | 46996         | 3489                   | 3757         | 12,34                               | 12,51        | 1161                   | 1096        |
| 6. Самарканд        | 37948                              | 90849         | 6050                   | 6055         | 14,59                               | 15,20        | 1157                   | 1177        |
| 7. Сурхона-дарё     | 20555                              | 49066         | 294                    | 3250         | 15,82                               | 15,09        | 1185                   | 1197        |
| 8. Сирдарё          | 17984                              | 48840         | 3031                   | 3389         | 14,45                               | 14,63        | 1195                   | 1175        |
| 9. Тошкент          | 37987                              | 64765         | 4685                   | 4708         | 12,87                               | 13,75        | 1218                   | 1288        |
| 10. Фаргона         | 45072                              | 57471         | 3676                   | 3936         | 14,92                               | 14,56        | 1186                   | 1156        |
| 11. Хоразм          | 13069                              | 25530         | 1915                   | 2024         | 12,53                               | 12,61        | 1215                   | 1213        |
| <b>Жами:</b>        | <b>508596</b>                      | <b>541493</b> | <b>36628</b>           | <b>38824</b> | <b>13,95</b>                        | <b>13,88</b> | <b>1164</b>            | <b>1192</b> |

Масаланинг ечимини мустакил тузилган жадвалда ифода этиб, алохида омилларнинг вилоятлар бўйича ва умуман Ўзбекбирлашув бўйича қандай таъсир қилганлигини графикда курсатинг ва хулосани езма равишда беринг. Умумий иш хаки фаркига купрок қандай омил таъсир қилганлигини аниқлаб, сабабини тушунтиринг.

### 13-масала

Жомбой туман умумий овқатланиш бўйича иш хаки фондини таҳлил қилинг. Бунда узида ишлаб чиқилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмогининг усиши иш хаки даражасига қандай таъсир қилганлигини аниқланг.

| Курсаткичлар                                                    | Режада | Ҳақиқатда | Фарқи |
|-----------------------------------------------------------------|--------|-----------|-------|
| 1. Ялпи айланиши жами, минг сум<br>Шу жумладан                  | 5625,9 | 5873,1    |       |
| а) узида ишлаб чиқарилган<br>маҳсулотлар айланиши, минг сум     | 3825,6 |           |       |
| б) сотиб олиб сотиш айланиши, минг сум                          |        | 1761,9    |       |
| 2. Иш хаки фонди                                                |        |           |       |
| а) узида ишлаб чиқарилган<br>маҳсулотлар айланиши, минг сум     | 402,9  | 419,36    |       |
| б) сотиб олиб сотиш айланиши, минг сум                          |        |           |       |
| 3. Узида ишлаб чиқарилган маҳсулот<br>айланишининг салмоғи % да |        |           |       |

**Эслатма:** Узида ишлаб чиқилган маҳсулотлар салмогининг таъсирини тугрилаш коэффициентини орқали аниқланг. У қуйидаги

**формула оркали аниқланади.**

$$K = \frac{U_3(a-I)}{C(a-I)+100}$$

бу ерда:

К-тугрилаш коэффициенти;

Уз – режадаги иш хаки даражаси;

С – узида ишлаб чиқарилган махсулотлар обортининг умумий айланишидаги режа бўйича салмоғи, %

а – узида ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг сотиб олиб сотиладиган махсулотларга нисбатан меҳнатини талаб қилиш даражаси  $2,5:1 = 2,5$

#### 14-масала

Қуйидаги жадвалда Ўзбекбирлашувнинг савдо, оммавий овқатланиш ва ишлаб чиқариш корхоналар бўйича маълумотлар келтирилган. Бу маълумотларни таҳлил қилинг.

| Корхона-лар              | Товар айланиши<br>минг сум |           | Ходимлар сони,<br>киши |         | Меҳнат<br>унумдорлиги,<br>минг сум |        | Уртача иш<br>хаки, сум |        |
|--------------------------|----------------------------|-----------|------------------------|---------|------------------------------------|--------|------------------------|--------|
|                          | 2004                       | 2005      | 2004                   | 2005    | 2004                               | 2005   | 2004                   | 2005   |
| 1. Савдо                 | 5661254,0                  | 6224570,0 | 90849,0                | 95031,0 | 62,31                              | 65,50  | 1648,0                 | 1714,0 |
| 2. Омма-вий овқа-тланиш  | 508596,0                   | 541493,0  | 36628,0                | 38824,0 | 13,88                              | 13,95  | 192,0                  | 1164,0 |
| 3. Ишлаб чиқариш ҳаммаси | 317025,0                   | 331416,0  | 24981,0                | 27186,0 | 12,691                             | 12,191 | 1831,0                 | 1714,0 |
| Шу жумладан              |                            |           |                        |         |                                    |        |                        |        |
| Нон ишлаб чиқариш        | 170844,0                   | 180038,0  | 15384,0                | 16261,0 | 11,105                             | 11,072 | 1778,0                 | 1781,0 |

Масаланинг ечимини жадвалда ифодалаб, курсаткичларни узаро таҳлил қилинг, корхоналарининг иш ишлаш фойдали эканлигини ва колок корхоналарнинг иш фаолиятини яхшилаш йулларини куосатинг.

#### Блиц саволлар:

31. Табиий ресурсларга нималар қиради?
32. Асосий фондлар деганда нимани тушунаси?
33. Асосий фондлар таркибини айтинг?
34. Асосий фондлар таснифини айтинг?
35. Асосий фондлар қандай баҳоланади?
36. Амортизация нима, қандай аниқланади?
37. Асосий фондлар кўрсаткичлар қандай гуруҳларга бўлинади?

38. кандай кўрсаткичлар асосий фондлар ҳолатини англатади?  
39. Асосий фондлар билан савдо корхоналари таъминланганлик даражаси кандай аникланади?

## **5-Мавзу: Оммавий овқатланиш корхоналарининг меҳнат ресурслари**

### **15-масала**

Режалаштириладиган йилга матлубот фаолиятига баҳо беринг. Қайси корхонада жамияти буйича «Кредитга процент тулаш» харажатларининг турни аникланг.

Берилган маълумотлар:

Келгуси йилга товар зохираларининг нормативи (минг сум).

- I – кварталга - 4520,0
- II – кварталга – 43752,0
- III- кварталга – 4452,0
- IV- кварталга – 4275,0

Уртача савдо чегирмаси – 9,11 %

Товар захирасига транспорт харажатлари – 2,01 %

Товарларга пул тулашда корхонанинг хусусий маблағи – 749,7 минг сумни ташкил этади.

Банки кредитдан фойдаланганлик учун умумий сумманинг йиллик ҳажмидан 6,0 % олади. Корхона давлат банксининг ҳисоб-китоб счётида 79,7 минг сум пул саклайди. Давлат банки бу пулдан фойдаланган учун унга 0,5 % микдорда ҳақ тулайди.

Чакана товар айланиши режаси – 32149,7 минг сум килиб белгиланган.

Оммавий овқатланиш корхонаси буйича асосий фондларинг йиллик қийматини ва унинг амортизация харажатлари суммасини қуйидаги маълумотларга асосан аникланг. Йилнинг бошида 197,9 минг сумлик ҳолодилник жихозлар бўлган. Йил давомида 2 ҳолодилник жихозлар ишга туширилиши кузда тутилган. Улардан биринчи қиймати 14,9 минг сум бўлиб, уни май ойида ишга тушириш белгиланган, иккинчиси (қиймати – 13,3 минг сум) октябрь ойида ишга туширилади. Шу билан бир қаторда ҳолодилник жихозларидан 22,9 минг сумлиги эксирати ва ишлаб чиқарилдан бўшатилади. Йиллик амортизация ажратма нормаси 13,9 % (умумий қийматига нисбатан).

### **16-масала**

| асосий воситалар амортизацияси;                                                                                                                                                                    |
| ёқилғи, газ ва электр энергия ҳаражатлари;                                                                                                                                                         |
| товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) ҳаражатлари;                                                                                                                              |
| савдо рекламаси ҳаражатлари;                                                                                                                                                                       |
| ташиш, сақлаш ва сотиш даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўқотилиши;                                                                                                                             |
| тара ҳаражатлари;                                                                                                                                                                                  |
| инвентарлар ва хўжалик буюмлари қийматини ҳисобдан чиқариш ва бошқа ҳаражатлар (таъмирлаш, ювиш, тўзатиш ва бошқа ҳаражатлар);                                                                     |
| ўз транспорти ҳаражатлари (иш ҳақидан ташқари);                                                                                                                                                    |
| бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар ва йиғимлар;                                                                                                                                                  |
| давлат мақсадли фондларига ажратмалар (ижтимоий суғўрта ажратмаларидан ташқари);                                                                                                                   |
| бошқа ҳаражатлар: банк кредитлари ва бошқа молия-кредит ташкилотлар фоизлари; хизмат сафари ҳаражатлари; улардан: кунлик чиқимлар; номоддий хизматлар ва банк хизматлари тўлови; бошқа ҳаражатлар. |

**2-илова**

**Оммавий овқатланиш корхонаси харажатлари таркиби таҳлили**  
(минг. сўм)

| № | Харажат моддалари                          | 2014 йил | 2015 йил | Фарқи (+;-) | Ўзгариш суръати, % |
|---|--------------------------------------------|----------|----------|-------------|--------------------|
| 1 | <b>Жами харажатлар</b>                     | 39497608 | 57173079 | 17675471    | 144,8              |
| 2 | <b>Сотилган махсулотлар таннархи</b>       | 33812837 | 51517459 | 17704622    | 152,4              |
|   | харажатлардаги улуши, %                    | 85,61    | 90,11    | 4,50        | 105,3              |
| 3 | <b>Давр харажатлари</b>                    | 3913059  | 3626179  | -286880     | 92,7               |
|   | харажатлардаги улуши, %                    | 9,91     | 6,34     | -3,56       | 64,0               |
| 4 | <b>Молиявий харажатлар</b>                 | 1615124  | 1934969  | 319845      | 119,8              |
|   | харажатлардаги улуши, %                    | 4,09     | 3,38     | -0,70       | 82,8               |
| 5 | <b>Фавқулодда зарарлар</b>                 | -        | -        | -           | -                  |
|   | харажатлардаги улуши, %                    | х        | х        | х           | х                  |
| 6 | <b>Даромад солиғи</b>                      | 137448   | 60030    | -77418      | 43,7               |
|   | харажатлардаги улуши, %                    | 0,35     | 0,10     | -0,24       | 30,2               |
| 7 | <b>Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар</b> | 19140    | 34442    | 15302       | 179,9              |
|   | харажатлардаги улуши, %                    | 0,05     | 0,06     | 0,01        | 124,3              |



**1-диаграмма. 2015 йилда Оммавий оқатланиш корхонаси харажатлари таркиби**

## 9-маъруза. Оммавий оақатланиш корхоналари фойдаси ва рентабеллик

### 1-илова

Рентабелликни таҳлили жараёнида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- чакана товар айланмаси ҳажми (УОТА) ва таркиби (УОТА<sub>i-n</sub>), сўмда;
- сотишдан олинган ялпи даромад (ЯД), сўмда;
- сотиб олинган товарларни сотишдан олинган фойда (СТСФ), сўмда
- ўз маҳсулотларини сотишдан олинган фойда (УМСФ), сўмда;
- маҳсулотлар ва товарларни сотишдан олинган фойда (МТСЯФ), сўмда;
- асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ), сўмда;
- умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ), сўмда;
- солиқ тўлангунча олинган фойда (СТФ), сўмда;
- соф фойда (СФ), сўмда;
- муомала ҳаражатлари (Мх), сўмда;
- муомала ҳаражатларини даражаси (Умх), %;
- асосий фондларни ишлатилиши рентабеллиги (АФ<sub>и.р</sub>) ва даромадлиги (АФ<sub>и.д</sub>), %.

Бу кўрсаткичларни қуйидагича аниқланишини тавсия қиламиз.

$$АФ_{и.р} = \frac{УФ \cdot 100}{А}; \quad АФ_{и.д} = \frac{ЯД \cdot 100}{А}$$

Бу ерда: А – асосий фондлар амортизацияси суммаси.

- айланма маблағларни рентабеллиги (Рай.м) ва уларни даромадликлги (Дай.м), %. Бу кўрсаткичлар қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$D_{a.e.i} = \frac{I \ddot{O} \tilde{N} \beta \hat{O} \cdot 100}{\hat{A} \acute{e} \hat{I} \quad (, \acute{e} \grave{e} \bar{Q})}; \quad \ddot{A}_{a.e.i} = \frac{\beta \ddot{A} \cdot 100}{\hat{A} \acute{e} \hat{I} \quad (, \acute{e} \grave{e} \bar{Q})}$$

Бу ерда: Ай.М - ўртача айланма маблағлар суммаси;

$\bar{3}$  - ўртача товар захиралари суммаси.

- ишчи-ходимларни рентабеллиги (Ри.х) ва даромадлиги (Ди.х), коэффициентларда. Ушбу кўрсаткичларни қуйидагича аниқлаш тавсия қилинади:

$$D_{e.\tilde{o}} = \frac{\acute{O} \hat{O}}{\tilde{O}}; \quad \ddot{A}_{e.\tilde{o}} = \frac{\beta \ddot{A}}{\tilde{O}}$$

Бу ерда:  $\bar{X}$  - ходимларни йиллик ўртача сони, киши.

- муомала ҳаражатларини рентабеллиги (Мх.р):

$$M_{x.p} = \frac{МТСЯФ \cdot 100}{Мх}; \quad \text{Бу ерда: Мх- муомала ҳаражатлари суммаси.}$$

- иш ҳақи фондини рентабеллиги (Их.ф.р.) коэффициентда ёки %. Булар тегишлича қуйидагича ҳисобланади:

$$И_{x.ф.p} = \frac{УФ}{И_{x.ф}}; \quad И_{x.ф.p} = \frac{УФ \cdot 100}{И_{x.ф}};$$

Фойда ва рентабеллик корхонанинг натижавий кўрсаткичи бўлганлиги сабабли унга кўп сонли ташқи (савдога боғлиқ бўлмаган) ва ички омиллар таъсир қилади.

**Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:**

- сиёсий барқарорлик;
- иқтисодиётнинг ҳолати;
- демографик ситуация;
- бозор конъюктураси, жумладан истеъмол товарлари бозори;
- инфляция даражаси;
- кредит бўйича банк фоизлар;
- баҳони миқдори;
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар миқдорлари.

**Ички омилларга қуйидагилар киради:**

- савдо устамалар миқдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала ҳаражатлари миқдори;
- товарларни силжитиш каналлари;
- меҳнат унумдорлиги;
- товар айрибошлаш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);
- ўз маблағларининг миқдори;
- асосий фондлардан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

**3-илова**

**Оммавий оақатланиш корхонаси фойдасининг шаклланиши таҳлили**  
(минг сўм)

| <b>№</b> | <b>Кўрсаткичлар</b>                                           | <b>2014<br/>йил</b> | <b>2015<br/>йил</b> | <b>Фарқи<br/>(+;-)</b> | <b>Ўзгариш<br/>суръати (%)</b> |
|----------|---------------------------------------------------------------|---------------------|---------------------|------------------------|--------------------------------|
| 1        | Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан кўрилган даромад | 21043090            | 15842151            | -5200939               | 75,3                           |
| 2        | Сотилган (товар, иш ва хизмат)ларни таннарни                  | 19079475            | 14179202            | -4900273               | 74,3                           |
| 3        | Маҳсулотларни сотишдан кўрилган ялпи фойда(1к-2к)             | 1963615             | 1662949             | -300666                | 84,7                           |
| 4        | Давр харажатлари                                              | 1586712             | 1390154             | -196558                | 87,6                           |
| 5        | Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар             | 24906               | 116830              | 91924                  | 469,1                          |
| 6        | Асосий фаолиятнинг фойдаси (3к-4к+5к)                         | 401809              | 389625              | -12184                 | 97,0                           |
| 7        | Молиявий фаолият бўйича даромад                               | -                   | 12054               | 12054                  | -                              |
| 8        | Молиявий фаолият бўйича харажатлар                            | 256874              | 121006              | -135868                | 47,1                           |
| 9        | Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (6к+7к-8к)                   | 144935              | 280673              | 135738                 | 193,7                          |
| 10       | Фавкулодда фойда                                              | х                   | х                   | -                      | -                              |
| 11       | Фавкулодда зарар                                              | х                   | х                   | -                      | -                              |
| 12       | Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (9к+10к-10к)     | 144935              | 280673              | 135738                 | 193,7                          |
| 13       | Даромад солиғи                                                | 35554               | 48908               | 13354                  | 137,6                          |
| 14       | Фойдадан солиқ ва бошқа ажратмалар                            | 8750                | 17577               | 8827                   | 200,9                          |
| 15       | Соф фойда (12к-13к-14к)                                       | <b>100631</b>       | <b>214188</b>       | <b>113557</b>          | <b>212,8</b>                   |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**



**«РЕАЛ ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ**

---

---

**«ОММАВИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ»**

**фанидан**

**ГЛОССАРИЙ**

---

---

**САМАРҚАНД 2021**

## ГЛОССАРИЙ

**Автоматлаштириш** (автоматизация, automation) – Машиналар, механизмлар, ускуналар ёрдамида инсон иштирокисиз фақат унинг назорати остида ишлаб чиқариш, бошқариш ва жамият функцияларини амалга ошириш, абсолют кам ишчилар иштирокида механик операцияларни бажариш.

**Айланиш тезлиги** (скорость оборота, speed of a revolution) – Пул массасининг йил давомида айланиш миқдори, пулнинг ҳаракат тезлиги.

**Айланма капитал** (оборотный капитал, working capital) – Ишлаб чиқариш жараёнида бир доиравий айланиш давомида тўлиқ истеъмол қилиниб, ишлаб чиқариш натижаларига тўлиқ ўтиши.

**Айирбошлаш** (обмен, exchange) – Алмашиш, айирбошлаш, бирор товарни бошқа товар ёки маҳсулотга алмаштириш.

**Актив** (актив, asset) – 1) Компанияга тегишли бўлган, пул маблағлари, бино ва ускуналар (асосий капитал), қимматли қоғозлар ҳамда патентлар ва “фирма қиймати” (ёлланма активлар); 2) корхонанинг моддий ва номоддий қийматларини акс эттирадиган бухгалтерлик баланс қисми.

**Активлар нархи** (цена активы, prise actives) – Молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш вақтидаги нархи.

**Актив операция** (активный операция, active operation) – Даромад олиш мақсадида корхонага тегишли қийматларга эга бўлган ресурсларини жойлаштириш.

**Акцизлар** (акцизы, excise) – Асосан, оммавий истеъмолдаги товарлар ва хусусий корхоналарнинг нархига ёки тарифига қўшиладиган бевосита товарларга солинадиган солиқ тури.

**Акциз солиқ** (акцизный налог, excise tax) – Айрим товарлар ишлаб чиқариш ёки сотишга солинадиган солиқ.

**Акция** (акция, share) – Акционерлик жамияти чиқарадиган ва унинг эгасига жамият оладиган фойда (дивидент)дан маълум миқдорда даромад олиш ҳуқуқини берадиган қимматбаҳо қоғоз.

**Акциядор** (акционер, stockholder) – Корпорация (компания) акцияларининг эгаси.

**Акциядорлик жамияти** (акционерное общество, joint-stock company) – Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланмаган хўжалик юритувчи субъект.

**Акция индекслари** (индексы акций, index of stocks) – Акциялар курсининг ўзгариб боришини кўрсатадиган рўйхат. Масалан, Доу-Джонс индекси; DAX-30 индекси (Франкфурт фонд биржаси) ва бошқалар.

**Акция курси** (курс акций, share rate) – Акциянинг фонд биржасида сотиладиган баҳоси. Акция курси муайян акция келтирадиган даромад (дивидент)нинг ссуда фоизига нисбати асосида белгиланади.

**Амортизация** (амортизация, amortization) – Аста секин эскираётган асосий фондлар қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига ўтказиш. Пул маблағларининг мақсадли жамғарилиши ва уларнинг кейинчалик эскирган асосий фондлар ўрнини тўлдириш учун қўлланилади.

**Амортизация ажратмалари** (амортизационные отчисления, capital consumption allowances) – Бу асосий фондларнинг эскириш ўрнини секин-аста тўлдиришдир. Амортизация ажратмалари тўлиқ ва қисман тикланишларга, яъни асосий фондларни капитал таъмирлашга ишлатилади. Тўлиқ тикланадиган амортизация

ажратмалари фақат жисмоний эскиришини эмас, балки асосий фондларнинг маънавий эскиришини ҳам қоплаши керак. Чунки техник жиҳатдан эскирган объектлар гарчи жисмонан ишга яроқли бўлсада, иқтисодий жиҳатдан яроқсиз бўлиб қолади.

**Амортизация нормаси** (норма амортизации, amortization norm) – Амортизация ажратмалари йиллик сўммасининг асосий капитал қийматиغا нисбатининг фоизи.

**Амортизация фонди** (амортизационный фонд, amortization fund) – Асосий фондларни оддий ва кенгайтирилган тарзда ишга туширишга мўлжалланган пул маблағлари.

**Антимонопол сиёсат** (антимонопольный политика, antimonopoly polity) –

**Аралаш мулк** (смешанный имущество, mixed property) – Турли мулк шаклларининг синтезидан ташкил бўлади.

**Асосий капитал** (основной капитал, basically capital) – Ишлаб чиқариш жараёнида бир неча доиравий айланишлар давомида катнашиб, ўзининг қийматини тайёрланаётган маҳсулот (хизмат)га бўлиб-бўлиб аста секинлик билан ўтказиб борадиган ишлаб чиқариш воситалари.

**Ассоциация** (ассоциация, association) – Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бирлашмаси.

**Аукцион** (аукцион, auction) – Товар ёки мол-мулкдан энг юқори нарх таклиф қилган шахс томонидан катта омма олдида ошкора сотиб олиниши (ким ошди савдоси). Аукцион сотувчининг ўзи ташкил қилган, мажбурий ёки бу муносабатларда комиссиянер сифатида чиқадаган махсус ташкилот орқали амалга ошириладиган ким ошди савдоси бозори.

**Аҳоли даромадлари** (доходы население, income population) – Аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натура шаклида олган даромадлар миқдори.

## Б

**Базис йили** (базисный год, base year) – Индексларни тузишда 100 фоиз деб қабул қиладиган муайян йилдаги кўрсаткичнинг аҳамияти.

**Базис нархлар** (базисные цены, basis prices) – Молнинг сифати ёки сортини аниқлаш учун белгиланадиган нарх, у олди-сотди битимида келишилган бўлади ва етказиб бериладиган молнинг ҳақиқий нархини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Баланс** (баланс, balance) – Фирманинг актив ва пассивлари ва унинг ўз сармоясини жамлаб ифодаланадиган молиявий ҳужжат.

**Балансли қиймат** (балансовый стоимость, balance cost) – 1) Узоқ муддатли активнинг йиғилиб қолган эскириш қиймати чегириб ташлангандан кейинги қоладиган дастлабки қиймати; 2) компаниянинг баланс қиймати; мажбуриятлар йиғиндиси чегириб ташлангандан кейин қоладиган соф активлар ва йиғма активлари; хусусий капитал; 3) акциянинг баланс қиймати; компаниянинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида аниқланади; компаниянинг йиғма активлари ва йиғма мажбуриятлари ўртасидаги фарққа имтиёзлаштирилган қимматли қоғозларнинг тугатилиши қиймати, муомалага киритиш учун чиқарилган оддий акциялар сонига тақсимланиб олинган сўмма, у оддий акцияларнинг баланс қийматидан иборат бўлади.

**Бандлик** (занятость, employment) – Ижтимоий меҳнатга қобилиятли бўлган аҳоли

**Банкрот** (банкрот, bankrupt) – Ўз қарзларин тўлаш имкониятларга эга бўлмаган юридик шахс. Банкротлик маблағ йўқлиги тўғрисида ўз қарзларини тўлашни рад қилиши.

**Банкротлик** (банкротство, bankruptcy) – Қарзли ночорлик, тадбиркорнинг ўз қарз мажбуриятлари бўйича маблағи бўлмаганлиги учун тулашдан бош тортиши. Компания суднинг қарз мажбуриятлари бўйича ҳисоблашиш қобилияти йўқлиги ҳақидаги қароридан сўнг формал даражада банкрот бўлиб қолади. Суд қорхонанинг ўз илтимоси (ўз хоҳиши бўйича тугатилиши) ёки унинг кредитлари талаби билан (мажбурий тугатилиш) ҳақида қарор чиқаради.

**Бартер** (бартер, barter) – Товар ва хизматларни пулсиз тўғридан тўғри айирбошлаш.

**Бартер битими** (бартерный договор, barter contract) – Пулсиз, натура шаклида бир товарни бошқасига айирбошлаш юзасидан томонларнинг келишуви.

**Бизнес** (бизнес, business) – Фойда берадиган иқтисодий фаолият, ҳар қандай даромад ёки бошқа шахсий фойда келтирадиган тадбиркорликни исталган тури билан шуғулланувчи тадбиркор.

**Бизнес одоби** (деловая этика, business ethics) – Тадбиркорликни виждонан юритиш талаби.

**Бизнесмен** (бизнесмен, businessman) – Комерсант, даромад ёки бошқа шахсий фойда келтирадиган иқтисодий фаолиятнинг исталган қонуний тури билан шуғулланувчи тадбиркор.

**Бизнес стратегияси** (бизнес стратегия, business strategy) – Энг юқори даражада фойда олиш йўлидаги ҳаракат йўналиши.

**Бизнес режа** (бизнес план, business plan) – Қорхона келажагининг асосий жиҳатларини, келгусида дуч келадиган барча муаммоларни ва уларни ечиш йўллари ёритиб берадиган ҳужжат.

**Биржа** (биржа, bourse) – Улгуржи бозорнинг доимий ишлаб турадиган асосий шакли бўлиб, унда қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси (фонд биржаси), валюта олди-сотдиси (валюта биржаси) ёки стандартлар ва намуналар бўйича товарлар сотиладиган (товар биржаси) муассасаси. Биржалар горизантал хўжалик алоқларини ташкил қилиш жарёнида воситачилик қиладилар.

**Биржадан ташқари бозор** – Бутун мамлакат ҳудудида жойлашган, йирик фирмаларда рўйхатдан ўтмаган чоғроқ фирмаларнинг акцияларини сотиш ва сотиб олишда қатнашадиган брокерлик фирмалари.

**Биржа курси** (биржевой курс, bourse rate) – Биржада муомалада бўладиган қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигациялар)нинг сотув баҳоси. акцияларнинг биржа курси дивидент миқдорида тўғридан-тўғри ва пул бозоридаги ссуда фонди даражасига эса тескари боғлиқ бўлади.

**Биржа листинги** (биржевой листинг, bourse listing) – Биржа товарларини биржа бюллетени (ахборотномаси)га киритган ҳолда биржа савдоларига қуйиш тарғиботи.

**Биржа савдолари электрон тизими** – Биржа аъзоларига республиканинг ҳар бир географик нуқтасидан аниқ вақт режимида узоқ масофадан туриб биржа савдоларида иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат глобал тақсимланган ахборот тизими.

**Биржа чайқовчилиги** (биржевой спекуляция, bourse speculation) – Битимни тузиш ва уни бажариш пайтидаги курслар орасидаги фарқдан чайқовчилик

фойдаси олиш мақсадида биржада қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш.

**Бирламчи маҳсулотлар** (родовые изделия, generic products) – Савдо белгиларисиз ва фабрика маркаларисиз сотиладиган товарлар.

**Битим** (сделка, deal) – Ички хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятлар соҳасида юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни ўзгартириш ёки тўхтатишга йўналтирилган ҳаракат.

**Бож** (пошлина, tariff) – Божхона назорати томонидан четдан олиб келинадиган товарлардан чегарада ундириладиган пул йиғими.

**Бозор** (рынок, market) – Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчи ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндиси.

**Бозор интервенцияси** (рынок интервенции, market of intervention) – Миллий ёки регионал бозорга ташқаридан суқилиб кириш, уни ўзига тобе этиш.

**Бозор инфратузилмаси** (рыночный инфраструктура, market infrastructure) – Бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишига хизмат кўрсатувчи муассасалар тизими. Масалан: банк, кредит уюшмалари, товар биржалари ва бошқалар.

**Бозор иқтисодиёти** (рыночный экономика, market economy) – Товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласига асосланган иқтисодий монополизмни инкор қилувчи, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга асосланган иқтисодий тизим.

**Бозор конъюнктураси** – Муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

**Бозор объекти** (рыночный объект, market object) – Бозорга айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолиятнинг натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштириладиган молиявий активлар.

**Бозор субъекти** (рыночный субъект, market subject) – Бозорнинг, айирбошлаш муносабатларининг қатнашувчилари.

**Бозор тизимлари** (рыночный система, market system) – Бозорлар қуйидаги асосий турларга – суббозорларга, бозор сигментларига бўлинади. Умуман бозор бой ва мураккаб тузилиши билан характерланади. У турли мезонлар бўйича тавсифланади: 1) Бозор муносабатлари объектларининг иқтисодий аҳамияти бўйича истеъмол моллари ва хизматлари бозори, саноат моллар бозори, оралик моллар бозори, ноу-хау бозори, хомашё бозори, меҳнат бозори, қимматли қоғозлар бозори, чайқов бозори, иккиламчи хомашё бозори ва бошқалар; 2) географик ҳолати бўйича маҳаллий, миллий, жаҳон; 3) рақобатни чеклаш даражаси бўйича - монополистик, олигополистик, монополистик, эркин, аралаш; 4) тармоқлар бўйича - автомобиль, компьютер, нефть ва бошқалар; 5) сотиш хусусиятига кўра улгуржи, чакана бозорларга бўлинади.

**Бозор қиймати** (рыночный стоимость, market value) – Харажатлари белгиланган тарзда ишлаб чиқарилган товарнинг қиймати. Бу қиймат товарларни бозордаги баҳосини тартибга солиб туради.

**Бойкот** (бойкот, boycott) – Ўз ходимлари билан можародаги фирма билан иш юритишдан бош тортиш.

**Бонификация** (бонификация, bonification) – Олиб келинган маҳсулотларнинг сифати шартномада келишилган сифатига кўра баландроқ бўлганда, маҳсулотларга қўйиладиган қўшимча нарх.

**Бонн** (бонн, boon) – Шартнома тузган томонларнинг қисқа муддатли мажбуриятлари.

**Брокер** (брокер, broker) – Воситачи манфаатдор томонидан - мижозлар ўртасида уларнинг топшириқлари ва ҳисобидан турли ишларни амалга оширишда қўмаклашувчи (тижорат, кредит, суғурта ва бошқалар). Брокер комисион (воситачилик) ҳақи олади. Брокерлик вазифасини фирма ва ташкилотларнинг шахслари бажарадилар. Брокер айнан биржада ўз ишини амалга оширади. Брокер сотувчи ва харидорни “бирлаштиради”, лекин ўз ҳисобидан иш юритмайди.

**Бракераж** (бракераж, brack) – Товарнинг сифати, безатилиши ва транспортбоп қилиб ўралиши белгиланган стандарт ёки шартнома шартларига мос келишини текшириш. Бракераж махсус давлат ташкилотлари ёки ҳакам брокерлар томонидан бажарилади.

**Брутто** (брутто, brutto) – Бир товарнинг ўрама (упаковка)си билан бирга оғирлиги; сарф харажатлар чегириб ташланмаган пайтдаги ялпи даромад.

**Бунак тўлови** (авансовый платеж, advance payment) – Моддий бойликлар бериш, бирор ишни бажариш ёки хизмат кўрсатишдан аввал бериладиган маълум миқдордаги пул тўлови. Бунак тўлови кредит беришнинг алоҳида шакли бўлиб, у маҳсулот етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ёки хизмат кўрсатувчиларнинг муомаладаги айланма маблағини қўпайтиришга омил бўлади.

## В

**Вақтбай иш ҳақи** (по часовая заработная плата, on hour wages) – Ишчининг ишлаган вақти (кун, ҳафта, ой) ҳисобга олиниб, тўланадиган иш ҳақи.

**Вақф** (церковное имущество, church's property) – Мулкдорлар томонидан диний муассаса ихтиёрига даромадидан фойдаланиб туриши учун ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мулк (ер, сув, бино ва шу кабилар).

**Вексель** (вексель, bill) – Қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти. Вексель эгаси муддат тугагандан сўнг белгиланган пул суммасини талаб қилишга ҳақли. Векселнинг кўп турлари мавжуд, масалан: оддий вексель, тижорат вексели, молиявий вексель ва банк вексели.

**Вексель кредити** (вексель кредит, bill the credit) – Экспортер товарни кредитга сотиш битимини имзолаб траттани импортерга тақдим этади ва товар хужжатларини олади, ҳамда вексель сўммасини кўрсатилган муддатда тўлаш жавобгарлигини олади.

**Венчур капитали** (венчурное капитал, venture capital) – Бениҳоя юқори таваккалчилик хатари даражасидаги капитал ишларга сарфланиши мумкин бўлган пуллар.

**Венчур молиялаштириш** (финансирование венчура, venture financing) – Юқори таваккалчилик билан тадбиркорликни амалга ошираётган фирмаларни сармоя билан таъминлаш.

**Венчур фирмаси** (венчурная фирма, venture firm) – Ҳозирги замонда фирмаларнинг турларидан бири. Илмий тадқиқотлар, янги ихтироларни тадбиқ этиш ҳамда йирик фирмалар буюртмалари, давлат шартномаларини бажариш билан банд бўлган фирмалар.

## Г

**Гаров** (залог, bail) – Бирор нарсани олиш учун олдиндан бир қисмини тўлаш ёки бирон нарсани гаровга қуйиш. Масалан: мулк, қимматбаҳо қоғозлар.

**Гаров шаҳодадномаси** (гарантийное свидетельство, guarantee certificate) – Савдо ва тижорат операцияларини амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин бўлган кўчма ва кўчмас мол-мулкнинг қарздор томонидан гаровга қуйилиши ҳақидаги кредит ҳужжати.

**Гиперинфляция** (гиперинфляция, hyperinflation) – Товарлар баҳоси ва пул массасининг тез суръатда ошиб кетиши. Пул бирлиги қадрсизланади, тўлов оборотида салбий таъсир этади. Гиперинфляция нархлар ойига 1,5 баробар ошганда вужудга келади.

**Глобал молиявий - иқтисодий бозор** – Жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий - иқтисодий алоқаларни ягона ҳўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

**Гонорар** (гонорар, fee) – Муаллифга ёки унинг меросхўрига илм, фан ва маданият соҳасидаги чоп этган илмий ишлари учун мукофот тарзида бериладиган ҳақ; муаллифга бериладиган қалам ҳақи.

**Грант** (грант, grant) – Нотижорат ташкилотлари ёки хусусий шахсларга аниқ вазифаларни бажариш учун тақдим қилувчи (жамғармалар, корпорациялар, давлат ташкилотлари ёки хусусий шахс) томонидан қайтарилмаслик шарти билан бериладиган маблағ

## Д

**Давлат** (государство, state) – Фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган, турли хил бюджет ташкилотлари ва муассасалари мажмуи.

**Давлат божси** (государственный пошлина, public tariff) – Давлатнинг махсус қуйилган юридик ташкилотлари томонидан фуқаролар ва шахслардан уларга кўрсатилган бир қанча юридик ҳамда бошқа хизматлар учун ундириладиган ҳақ.

**Давлат буюртмалари** (государственные заказы, public order) – Давлат буюртмаси баъзи маҳсулот турларига, илмий-техник дастурларни бажариш, илмий тадқиқотларни олиб бориш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етказиб бериш кабилар учун берилади. **Давлат бюджети тақчиллиги** (бюджетное дефицит, budgetary deficiency) – Давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан ошиб кетиши.

**Давлат даромадлари** (государственные доходы, public incomes) – Давлатнинг ўз функцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган даромадлари. Давлат даромадларининг асосий манбалари: солиқлар, тўловлар, чет элдаги кредитлар ва улардан келадиган ёрдам, ташқи савдодан тушадиган даромадлар.

**Давлат донорлари** (государственные доноры, public the donor) – Ўз давлати бюджетидан маблағ билан таъминладиган давлат ташкилоти. Масалан: АҚШ халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID).

**Давлат инвестицияларини чегириб ташлаш** (вытеснение государственных инвестиций, replacement of the public investments) – Давлат харажатлари қисқариши ёки солиқларнинг ошиши, фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келади, бу ўз навбатида давлатнинг инвестиция қилиш харажатлари ошиш жараёни.

**Давлат истеъмоли** (государственное потребление, public consumption) – Хусусий секторда ишлаб чиқилган маҳсулот ва хизматларга кетган давлат истеъмол харажатлари.

**Давлатнинг иқтисодий вазифалари** (экономические задачи государство, economic tasks the public) – Иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

**Давлат монополияси** (государственный монополия, public monopoly) – Давлат қонун йўли билан фаолиятнинг бирон-бир соҳасида ҳукмронлик қилиш, бирон-бир товарни одатда кенг истеъмол қилинадиган товар ва хизматларнинг ягона ишлаб чиқарувчиси ва сотувчиси ҳуқуқининг берилиши.

**Давлат мулки** (государственное имущество, public property) – Мулк давлатга тегишли бўлиши, мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш давлат эҳтиёрида бўлиши.

**Давлатнинг ташқи қарзи** (внешний государственный долг, external public debt) – Давлатнинг хориж мамлакатларидан олган қарзи. Давлат харажатлари ошиб кетса, унинг қарзи орта боради. Ташқи қарз амалда қайтариладиган қарздир.

**Давлат тасарруфидан чиқариш** (разгосударствление, privatisation) – Давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш.

**Давлат томонидан сотиб олиш** (государственные закупки, public purchases) – Давлат бюджети ҳисобидан ички ва ташқи бозорда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг сотиб олинган қисми.

**Давлат қарзи** (государственный долг, public debt) – Давлатнинг тўланамаган заёмлари ва уларнинг берилмаган фоизларини акс эттирган барча қарзларнинг умумий сўммаси. Давлат қарзи икки хил бўлиши мумкин: ташқи ва ички қарз.

**Даврий ишсизлик** (временная безработица, temporary unemployment) – Иқтисодиётнинг кризис ҳолатидаги ишсизлик. Мавсумий характерга эга бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида даврий ишсизлик кучайиб боради, бироқ кейинчалик ишсизликка барҳам берилади.

**Даромадлар** (доходы, incomes) – Корхонанинг даромади. Натурал ва пул кўринишида бўлади. Даромад солиқли ва солиқсиз турларга бўлинади. Даромад тушунчаси давлат ҳақида гап кетганда, миллий даромад, корхона даражасида (ялпи даромад, соф даромад) ва алоҳида шахслар кўрилганда аҳолининг пул даромадлари, фуқароларнинг реал даромадлари ва шахсий даромад шаклида бўлиши мумкин.

**Даромаднинг мавжуд миқдори** (доступный доход, disposable income) – Сарф харажатлар ва жамғармалар учун ишлатиш мақсадида иқтисодий секторларнинг кўлида мавжуд бўлган даромадлар. Улар даромадлар ва бевосита солиқлар орасидаги фарқ билан аниқланади.

**Даромад самараси** (польза доходов, advantage of incomes) – Нарх пасайганда истеъмолчи пул даромадларининг сотиб олиш лаёқатининг ортиши.

**Даромад солиғи** (подоходный налог, income tax) – Фуқароларнинг бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ). Давлат томонидан белгиладиган ставкалар асосида тўланади.

**Дебет** (дебет, debit) – Бухгалтерия счётларида акс этган чап томон номи; Актив счётларда ҳисобланадиган сўмманинг кўпайишини, пассив счётларда камайишини кўрсатади.

**Дебитор** (дебитор, debtor) – Қарздор, тўловчи шахс ёки корхона; фуқаролик ҳуқуқида шартномадаги ёки бошқа мажбуриятномадаги қарздор.

**Дебиторлик квотаси** (дебиторский квота, debit a quota) – Ўзаро хўжалик муносабатлари натижасида ҳар бир иштирокчи учун тўланиши ёки олиниси лозим бўлган сўммада иштирок этиш улуши.

**Дебитор қарз** (дебиторский долг, debit a duty) – Ўзаро муносабатлар натижасида жисмоний ёки юридик шахсга корхонанинг қайтариши зарур бўлган барча қарзлар сўммаси; корхонага етказиб берилган товар ёки кўрсатилган хизмат учун тўлаши керак бўлган барча сўмма.

**Девальвация** (девальвация, devaluation) – Мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, чет эл валютасига нисбатан миллий ёки ҳалқаро пул бирлиги курсининг пасайиши.

**Дезинфляция** (дезинфляция, desinflation) – Пул қадрсизланиш суръатининг пасайиши ёки унинг буткул тугаши.

**Демонополизация** (демонополизация, demonopolisation) – Иқтисодиётдаги монопол

**Депозит** (депозит, deposit) – 1) Банк жамғармаси; 2) банкка омонат кассаси ёки фойдаланиш учун вақтинча қуйилган пул ёки қимматли қоғозлар, қимматли нарсалар.

**Депонент** (депонент, depositor) – Қимматли нарсаларини депозит банкка қўйган шахс ёки фирма.

**Депрессия** (депрессия, depression) – Ишсизлик даражаси юқори, товарлар хизматларга талаб пастлиги, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва ишчанлик тушиб кетадиган даврни характерлайдиган иқтисодиётдаги тушкунлик даври. Кризис циклининг энг паст нуқтаси.

**Дефицит** (дефицит, deficit) – Тақчиллик, камомад, харажатларнинг кутилган даромадлардан ортиб кетиши.

**Дефлятор** (дефлятор, deflator) – Инфляция суръатини кўрсатувчи умумий кўрсаткич. Баҳолар индексида асосланади.

**Дефляция** (дефляция, deflation) – Пулнинг қадрини ошириш учун муомаладаги қоғоз пуллар ва банкнотлар миқдорини камайтириш.

**Дехқон хўжалиги** (христианская хозяйство, christian a facilities) – Оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган таморқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштилади ва реализация қилади.

**Диверсификация** (диверсификация, diversification) – 1) Турли-туманлик, ўзгариш; 2) капитал концентрациялашувининг формаларидан бири бўлиб, у илгари ихтисослаштирилган (саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа) фирмаларнинг ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларга, хизмат кўрсатиш соҳаларига суқилиб кириши билан боғлиқлигидир. Бу ғоят турли-туман товарлар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи, шунингдек, илмий тадқиқотлар ҳамда ишлаб чиқаришлар билан банд кўп тармоқли комплекслар вужудга келишига олиб келади; 3) давлатнинг миллий халқ хўжалиги комплексининг замонвий кўп тармоқли таркибини вужудга келтиришга қаратилган сиёсати; комплекс кўп тармоқли ривожланиши.

**Диверсификация стратегияси** – Корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонвий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Шунингдек, корхоналарда

янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

**Дивиденд** (дивидент, dividend) – Акционер жамияти соф фойдасининг бир қисми, акционерларга даромадлар нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

**Дистрибьютор** (дистрибьютор, distributor) – Ўз жамғармасига эга бўлган, ўзи сотиб олиш билан шуғулланувчи мустақил фирма; йирик фирманинг хорижий давлатдаги ягона вакили.

**Доимий инфляция** (хронический инфляция, chronic inflation) – Нисбатан юқори ёки паст инфляция даражаси узоқ муддат давомида ушлаб туриладиган иқтисодий вазият. Барқарорликка эришгунга қадар давомли юқори инфляция даражасига хос бўлган мамлакатларга, масалан: Бразилия, Исроил, Мексика, Перу, Аргентинани келтириш мумкин.

**Доимий нархлар** (постоянные цены, fixed prices) – Базис йилга нисбатан пул бирлигининг харид қобилияти ўзгаришини ифодаловчи нархлар.

**Доимий харажатлар** (постоянные затраты, fixed inputs) – Ишлаб чиқариш хажмига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш сарфлари

Ё

**Ёлланма ходимлар** – Иш берувчилар билан келишилган микдордаги иш ҳақи эвазига белгиланган иш вақти давомида топширилган хизматни бажариш мажбуриятларини олиб меҳнат шартномалари асосида ёлланиб ишлайдиган ишчи ва хизматчилар.

**Ёпиқ иқтисодиёт** (закрывтая экономика, closed economy) – Халқаро савдода иштирок этмасдан товар (хизмат)лар ва капитал оқимлари миллий чегарадан ташқарига чиқмаган ҳолда амалга ошиши.

**Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти** (акционерное общество закрытого типа, close joint-stock company) – Акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган акциядорлик жамияти.

Ж

**Жами таклиф** (совокупный предложения, aggregate supply) – Муайян нархлар даражасида ишлаб чиқарилиши ва таклиф қилиниши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг реал ҳажми.

**Жами талаб** (совокупный спрос, aggregate demand) – Уй хўжаликлари, корхоналар, ҳўкумат ва чет эллик харидорларнинг баҳоларга маълум даражасида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товар ва хизматларнинг умумий ҳажмига бўлган талаби.

**Жамоа мулки** (коллективная собственность, collective ownership) – Мулкчиликнинг бир шакли сифатида жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни биргаликда ўзлаштиришдир. Масалан, ижара корхоналари, жамоа корхоналари, кооперативлар, акционер жамиятлари, хўжалик ширкатлар, ассоциациялар ва ижтимоий ташкилотлар киради.

**Жамоат бирлашмаси** (общественное объединение, public association) – Маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашуви. Масалан: касаба уюшмаси, сиёсий партиялар ва бошқалар.

**Жамғарма** (сбережения, saving) – Аҳолининг келажак эҳтиёжларини қондириш ва келажакда харид қилиш учун сақлаб қуйилган пулли даромадлари; унинг ҳажми

ихтиёрдаги даромадидан, истеъмол харажатларини айириш йўли билан аниқланади.

**Жамғарма банк** (сберегательный банк, saving bank) – Кредит муассасаси бўлиб, унинг асосий вазифаси аҳолининг пул жамғармалари ва вақтинча эркин пул маблағларни жалб қилиш ва аҳолига кредит беришдан иборат.

**Жамғармалар** (вклады, deposits) – Банк ёки бошқа молиявий муассасага сақлаш мақсадида топширилган пул маблағлари.

**Жамғарма муассасалари** (экономия учреждений, saving institutions) – Молиявий муассаса; унда шахсий жамғармалар сақланади ва улар учун фоизлар тўланади.

**Жамғармачи** (вкладчик, depositor) – Омонат кассасига (банкка) пулини (жамғарма) жамғарувчи шахс.

**Жарима** (штраф, fine) – Қонунни, шартномани ёки белгиланган қондани бузганлиги учун кўриладиган тадбир, пул тўлови; жарима.

**Жисмоний шахс** (физическое лицо, physical body) – Иқтисодий фаолиятда қатнашувчи ва бу жараённинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида фаолият кўрсатувчи шахс. Жисмоний шахс ўзининг номидан иш юритади, фирма ёки корхона каби ҳокимиятда руйхатдан ўтиш мажбуриятидан озод.

**Жорий инвестиция** (текущие инвестиции, current investment) – Эркин сотиладиган ва бир йилдан кўп бўлмаган муддатда эгалик қилишга қаратилган капитал.

**Жорий конъюнктура** – Муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айни даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

**Жорий тўлов балансини молиялаш** (финансирование текущего платежного баланса, current account financing) – Жорий тўлов балансидаги дефицитни, давлат активларини чет мамлакатларига сотиши ёки ички заёмлар ҳисобидан қоплаши.

### 3

**Заём** (заём, borrowed money) – Қарз; заём берувчи ва заём олувчи ўртасида тузиладиган келишув, битим. Заёмлар бир неча турларга бўлинади: давлат заёми, ютуқли заём, муддатсиз заём, ташқи заём, тилла заём, ҳукуматлараро заём, очик заём ва бошқалар.

**Зарарлар** (убытки, damages) – Корхона ёки хўжалик фаолиятида ишлаб чиқариш харажатларининг даромадидан ошиб кетган қисми.

**Зарарсизлик нуқтаси** (безубыточный точка, break-even a point) – Бу шундай ишлаб чиқариш ҳажмки, бунда умумий ишлаб чиқариш харажатлари сўммаси сотувдан келган умумий пул даромади билан тенглашади, яъни зарар ҳам, фойда ҳам тенг бўлади.

**Зарурий маҳсулот** (важный продукт, important product) – Ишчи ва хизматчиларнинг зарурий иш вақтида яратилган ва ишчи кучини меъёрий ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур маҳсулот.

**Заҳира** (запас, reserve) – Фирма омборларида сақланаётган товарлар.

**Заҳиралар** (запасы, reserves) – Банкдаги омонатларнинг қатъий белгилаб қуйилган қисми, ундан кредитлар бериш учун фойдаланиш мумкин эмас.

### И

**Ижара** (аренда, lease) – Мулккий ёлланиш бўлиб, унда ижарага сўровчига маълум мукофот пул эвазига яъни ижара ҳақи учун шартнома асосида мулк вақтинча фойдаланишга бериш.

**Ижарачи** (арендатор, holder) – Шартномада келишилган доирада ижарага берувчининг мулкидан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини оладиган шахс бўлиб, у бунинг учун ижара берувчига ижара ҳақи тўлайди.

**Ижара ҳақи** (арендная плата, rent payments) – Вақтинча фойдаланиш учун берилган мулк, иморат ёки ер учун ижарачининг ижарага олувчидан оладиган ҳақи (мукофот). Ижара ҳақининг миқдорига ижарага олинган мулк қийматидан ажратиладиган амортизация ажратмалари ва шартнома асосида белгиланадиган мулкдан фойдаланганлик натижасида тушадиган даромаднинг бир қисми (одатда, банк фоизидан кам бўлмайди) қиради.

**Имидж** (имидж, image) – Хўжалик фаолияти доирасида корхона ёки ташкилотнинг иш тарзи, услуби.

**Иммиграция** (иммиграция, immigration) – Ишчи кучининг айнан шу мамлакатга доимий яшаш учун кириб келиши.

**Импорт** (импорт, import) – Ички бозорда сотиш мақсадида товар, маҳсулотларни чет элдан келтириш; хориж фирма ташкилотлари хизматидан пулли фойдаланиш; чет эл товар ва капитални кредит ва заём кўринишида мамлакатга келтириш.

**Импорт харид самараси** (польза покупки импорта, benefit of purchase of import) – Мамлакатда товар ва хизматларнинг ички нархлари ташқи нархларга нисбатан ошиб бориши, импорт маҳсулотга бўлган талабнинг ошиши.

**Инвентаризация** – Корхоналар, фирмалар, ташкилотларда мулк ва товарларни рўйхатдан ўтказиш; натура ҳолидаги бойликларнинг мавжудлиги ёки ҳолатини, маблағларни мунтазам текшириб туриш, шунингдек, уларнинг моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномаларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида даврий қайта ҳисобга олиш.

**Инвестиция** (инвестиция, investment) – Ишлаб чиқариш (хизмат курсатиш)ни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш.

фойдаларнинг ўсиши ва янгиланишини белгилаб берувчи тадбирлар тизими.

**Инвесторлар** – Хусусий ва қарзга олинган мулкӣ ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қуйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

**Индекс** (индекс, index) – 1) Бирор иқтисодий ҳодисанинг изчил ўзгариб боришини кўрсатадиган рақамлар кўрсаткичи; 2) нарх, ном ва шундай кўрсаткичлар рўйхати; 3) ҳарф ёки рақамларнинг ўнг томонига қуйиладиган ҳарф ёки сон кўрсаткичи.

**Интеграция** (интеграция, integration) – 1) Турли бўлимлар, элементлар ҳаракатининг бир бутунга бирлашиш жараёни; 2) иқтисодий интеграция - иқтисодий субъект (давлат, корхона, фирма)ларнинг иқтисодий, технологик муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги ошиши натижасида вужудга келади.

**Инфляция** (инфляция, inflation) – Лотинча “inflation” сўзидан олинган бўлиб, шиш, бўртиш, кўпчиш деган маънони англатади. Инфляция пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товар ва хизматлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пуллар пайдо бўлиши. Иқтисодиётда баҳоларнинг мунтазам ошиб бориш жараёни.

**Инфляция даражаси** (норма инфляции, rate of inflation) – Маълум вақт ичида (ой, йил) нарх даражасининг фоиздаги ўзгариши.

**Инфрамузилма** (инфраструктура, infrastructure) – Такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқалар.

**Истеъмол** (потребление, consuption) – Истеъмол қилиш, фойдаланиш, ишлатиш; ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг сўнгги фазаси бўлиб, аҳолининг иқтисодий талабларини таъминлаш жараёнида ижтимоий маҳсулотлардан фойдаланиш.

**Истеъмол бозори** (потребительская рынок, consumer the market) – Аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматларни айирбошланиши.

**Истеъмол кооперативлари** (кооперативы потребления, cooperative societies consumption) – Чакана савдо корхоналари, уларнинг аъзолари фойда тақсимоотида қатнашадилар ёки товар ва хизматларни арзонроқ нархда сотиб оладилар.

**Истеъмол кредити** (потребительская кредит, concumer credit) – Кредитнинг бу шаклида жисмоний шахсларга икки шаклда, пул ёки товар шаклида берилиши, жисмоний шахсларга кўчмас мулкка эгалик қилиш, даволаниш, уй жиҳозларини сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун берилади.

**Истеъмол нархлар индекси** (потребительская ценовой индекс, cosumer price index) – Ўртача яшовчи оила томонидан, одатда, истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархининг базис даврида нисбатан ўзгариши ўртача даражасини акс этадиган кўрсаткич.

**Истеъмол сарфлари** (потребительские издержки, consumer costs) – Аҳоли даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлари учун ишлатиладиган қисми.

**Ички маблағлар** (внутренные фонды, internal funds) – Фирманинг ички манбаларидан тушадиган фойда ёки бошқа даромадлар.

**Ички харажатлар** (внутренные расходы, internal charges) – Корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиш ҳисобидан сарфланган харажат.

**Ишбай иш ҳақи** (сдельная работа, piecework) – Ишлаб чиқарган маҳсулоти миқдорига ёки бажарган иш ҳажмига қараб тўланадиган иш ҳақи.

**Иш вақти** (время работы, hours of work) – Ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ишлаган вақт ҳажми.

**Ишлаб чиқариш жараёни** (процесс производства, process production) – Инсонларнинг истеъмоли учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган жараён.

**Ишлаб чиқариш инфратузилмаси** – Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобил йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

**Ишлаб чиқариш омиллари** (факторы производства, factors of production) – Товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда қатнашадиган ресурслар мажмуи.

**Ишсизлик даражаси** (уровень безработицы, unemployment rate) – Ишсизлар сонининг ишчи кучи умумий сонига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Ихтисослаштириш** (специализация, specialization) – 1) Фаолиятни бирон-бир машғулотга, касб-хунарга йўналтириш; ижтимоий меҳнат тақсимооти шаклларида бири; 2) бирон-бир чекланган соҳада маълумот олиш; 3) ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида, хизмат кўрсатиш соҳасида технологияни ихтисослаштириш - фаолиятини муайян маҳсулот, буюм, деталь ишлаб чиқаришга йўналтириш.

**Иқтисодиёт** (экономика, economics) – Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб инсонлар учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларига етказиб беришга қаратилган ва чамбарчас боғлиқликда амал қиладиган фаолият тизими.

**Иқтисодиётни барқарорлаштириш** (стабилизировать экономику, to stabilize economy) – Танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш.

**Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш** (государственное регулирование экономики, government adjustment of economy) – 1) Давлатнинг хўжалик субъектларига ва бозор конъюнктурасига бозор механизмларига амал қилиши учун нормал шароит яратиш, ҳамда экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида таъсир этиши; 2) иқтисодиётни барқарорлаштириш, тартибга солиш бир маромда ишлашини йўлга қуйиш; иқтисодий ҳолатлар ва уларнинг алоқаларининг ўзгаришини ёки қувватлашни таъминловчи мақсадли йўналтирилган жараёнлар. Механизмлари: солиқлар, нархлар, давлат бюджети ва тадбиркорлиги, пул-кредит воситалари ёрдамида муайян иқтисодий сиёсатни амалга ошириш.

**Иқтисодиётнинг интернационализациялашуви** (интернационализация хозяйственной жизни, international economy) – Халқаро меҳнат тақсимооти натижасида айрим мамлакатлар ўртасида барқарор ишлаб чиқариш иқтисодий алоқаларнинг юзага келиши ва уларнинг ҳалқ хўжалигида чамбарчас боғланиб кетиши.

субъектлари ўртасида иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш шакли, давлатлар ўртасида келишилган иқтисодий сиёсат юритиш, ягона иқтисодий маконларнинг вужудга келиши.

**Иқтисодий ислохотлар** (экономические реформы, economic reforms) – Иқтисодиётда туб (ёки қисман) ўзгаришларга қаратилган тадбирлар.

**Иқтисодий модель** (экономическая модель, economic model) – Содда фикр, диаграмма ёки формула; ундан фойдаланиб, иқтисодий воқеаларни яхшироқ тушуниб олиш мумкин.

**Иқтисодий мувозанат** (экономическое равновесие, economic balance) – Иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига тенг келиш ҳолати.

**Иқтисодий мутаносиблик** (экономическая равенность, economic equality) – Иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ҳамда сифат ўлчамларининг мос келиши.

**Иқтисодий ночор корхоналар** – Муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда

материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қоқоқ, самарасиз корхона.

**Иқтисодий ресурс** (экономический ресурс, economic resource) – Маълум даврда маълум бир мамлакат ихтиёрида тўпланган ва мавжуд бўлган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), уларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва истеъмол жараёнида қўлланиладиган восита, захиралар ва имкониятлар манбаи.

**Иқтисодий ривожлиниш** (экономическое развитие, economic development) – Кўп ўлчамли жараён бўлиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида ўз ифодасини топиши.

**Иқтисодий уклад** (экономический уклад, economic way) – Турли мулкчиликка асосланган хўжалик юриштишнинг шакллари ва тури.

**Иқтисодий цикл** (экономический цикл, economic cycle) – Иқтисодий ривожланишнинг бир ҳолатидан, бирин-кетин депрессия, жонланиш, юксалиш фазаларини босиб ўтиб, олдинги ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр.

**Иқтисодий юнионизм** (экономический юнионизм, economic unionism) – Самуэл Гомпрес тамойили, унга биноан сиёсат ёки ижтимоий ислохотлардан кўра иш хақи юқорироқ ва меҳнат шароити яхшироқ бўлган иш жойини қидирган афзал.

**Иқтисодий ўсиш** (экономический рост, economic growth) – Ялпи ички маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисой ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайишида ва сифатининг яхшиланишида ифодаланади.

## Й

**Йиллик ҳисобот** (годовой отчет, annual statement) – Бир йиллик давлат бюджети даромадлари ва харажатлари акс эттирган ҳужжат.

**Йиғимлар** (сборы, charge) – Йиғилган ёки олинадиган пул, тушган пул, тушум; тўплаш, йиғим, йиғиб териб олиш, қабул қилиш.

## К

**Капитал** (капитал, capital) – Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда хизмат қилиб, ўз эгасига даромад келтирадиган ишлаб чиқариш воситалари, товар, пул, қимматли қоғозлар ва бошқалар.

**Капитал бозори** (рынок капитала, market of the capital) – Асосий маблағлар ҳаракатини таъминловчи қисқа ва узоқ муддатли операциялар.

**Капитал кўпайишидаги олинадиган даромад** (выгода капитала, capital gain) – Муайян вақт давомида активлар қийматининг ўсиши.

**Капитал сарфлар** (капитальные расходы, capital costs) – Асосий капитални кенгайтириш ва уни қайта тиклашга, айланма маблағларни кенгайтиришга қаратилган сарфлар.

**Капитал экспорти** (капитал экспорта, capital of export) – Давлатнинг чет эл фирмаларига кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларини сотиб олиш.

**Кичик корхоналари** (малые предприятия, small business enterprise) – Мустақил хўжалик фаолиятини олиб боровчи, ўз балансига эга бўлган, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлагандан сўнг қолган фойдасини ўзи тақсимлайдиган корхона. Енгил ва озиқ овқат саноатида, металлургия ишлов бериш, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш материалларни ва мебел саноатида 100 киши, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноатида 50 киши, фан, илмий хизмат, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси, умумовқатланиш ва ноишлаб чиқариш соҳасида 25 кишигача ишлайдиган корхоналар.

**Конвенция** (конвенция, concord) – Халқаро битим тури, бу термин халқаро почта, ридиотелеграф алоқалари, божхона масалаларига оид битимларда қўлланилади.

**Конвертация** (конвертировать, convert) – Бир томондаги акция ёки облигацияни бошқа типдагисига шу компанияда алмаштириш.

**Консалтинг** (колсалтинг, consulting) – Маслаҳат ва сифатли консультация берадиган хизмат тури.

**Концерн** (концерн, concern) – Корхоналар бирлашишининг ривожланган шакли, молия алоқалари, манфаатлар асосидаги шартномалар, шахсий мақсадлар асосида фаолият кўрсатади. Бошқарув тизимининг бир тури.

**Концессия** (концессия, concession) – Саноат корхоналарининг ердан фойдаланганлиги учун давлат ва хусусий тадбиркор ўртасида тузилади.

**Конъюнктура** (конъюнктура, conjuncture) – Конъюнктура бирор ишнинг боришига, оқибатига таъсир этувчи умумий аҳвол, вазият, шароит. Масалан, бозор конъюнктураси, халқаро конъюнктура.

**Кооператив** (кооператив, co-operative) – Дастлабки босқичда ўз-ўзини бошқариш ва молиялаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ихтиёрий равишда бирлашган фуқаролар гуруҳини жамлаган ташкилот. Ҳамкорликда маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, сотиб олиш, товарлар истеъмоли ва хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилади. Ундаги жамғармалар қатнашчиларининг пай ва бадаллари асосида вужудга келади.

**Кооператив тадбиркорлик** (кооперативное предпринимательство, cooperative business) – Жамоа тадбиркорлигининг алоҳида шакли бўлиб, жамоа мулкига, кооперация аъзоларининг фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этади.

**Координация** (координация, coordination) – Мувофиқлаш, мослаш, бирлаштириш.

**Корпорация** (корпорация, corporation) – Аъзоларнинг у ёки бу манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган акционер жамият шакли.

**Корхона** (предприятие, plant) – Ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, хизмат курсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект.

**Корхоналарга преференция бериш** – Миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кириладиган хомашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб келишда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши.

**Корхоналарни техник қайта қуроллантириш** – Алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

**Корхонанинг инновацион салоҳияти** – Корхонанинг янгиликларни жорий қилиш ёрдамида бозор шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ривожланиш қобилияти. Корхонанинг инновацион салоҳиятининг ички инновация жараёнидаги барча босқичларнинг (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон беради.

**Кредит** (кредит, credit) – Пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шarti билан маълум муддатларга қарзга бериш. Кредит берилиш муддатларига кўра:

кисқа муддатли (1 йилгача); ўрта муддатли (1 йилдан - 5 йилгача); узоқ муддатли (5 йилдан ортиқ) бўлади.

**Кредитор** (кредитор, creditor) – Қарз берувчи.

**Кризис** (кризис, crisis) – Низонинг кескин шакли; мақсад ва маблағ, тактика ва стратегиянинг қаршилиги. Ишлаб чиқариш субъектларнинг кескин пасайиши билан белгиланади.

**Курс** (курс, rate) – Акция, облигация, бошқа қимматли қоғозларнинг олди-сотдисига қуйилган баҳо; қоғоз пуллар курси уларни олтин валютада ёки бошқа мамлакат валютасида акс этиши.

**Кутилаётган инфляция даражаси** – Мавжуд ижтимоий-иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

**Кўчмас мулк** (недвижимость, real estate) – Ер, табиий ҳудудлар ва ер билан боғланган мулк. Ерга эгалик ҳуқуқлари ҳам кўчмас мулкга киради.

## Л

**Лизинг** (лизинг, leasing) – Машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситаларини, ишлаб чиқариш биноларини, иншоотларини узоқ муддатли ижарага бериш. Ижаранинг бир тури бўлиб, муайян даврдан кейин, ижара тўловларининг ҳаммаси амалга оширилгандан кейин ижарага олинган нарса, ижарачи мулкига айланади.

**Ликвидлилик** (ликвидность, liquidity) – 1) Нархларни ўзгариши билан йирик миқдордаги қимматли қоғозларни бозорнинг ўзлаштириш қобилияти; 2) компанияни тез ва осон сотиладиган асосий ёки оборот капитали элементлари.

**Лимит** (лимит, limit) – 1) Чегара, чеклаш; 2) чекланган кредит сўммаси, аниқ ресурс тури.

**Лицензиат** (лицензиат, licensee) – Хўжалик фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш рухсатномаси бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

**Лицензия** (лицензия, license) – Баъзи хўжалик фаолияти ва ташқи савдо операцияларини бажариш учун давлат томонидан бериладиган рухсат.

**Лицензиялаш** (лицензировать, license) – Четдан мол келтириш ёки чет элга мол чиқариш учун давлат органлари томонидан лицензиялаш (ижозат бериш).

**Лойиҳа** (проект, project) – Ресурслар ва вақт бирлиги билан чекланган, назарий ишланмалар билан асосланган лойиҳа цикли концепцияси кўринишида таърифланган, белгиланган жараёни тайёрлаш ва мақсадли фаолиятни амалга ошириш.

**Лойиҳа цикли** (цикл проекта, cycle of the project) – Лойиҳани тайёрлаш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, амалга ошириш ва баҳолаш босқичларида лойиҳани амалга ошириши.

**Ломбард** (ломбард, pawnshop) – Кўчмас мулкни гаровга олиб кредит берадиган ташкилот.

**Мажбурий резерв сиёсати** (принуждённая резервная политика, forced reserve policy) – Муомаладаги пул массасининг ҳажмини, банкларнинг ликвидликлигини муофиллаштириш ва инфляция суръатларини тушириш мақсадида Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий резерв нормасини ўрнатиш сиёсатини амалга ошириши.

**Мажбурият** (обязательства, liability) – Мажбурият, вазифа, бурч, тилхат; Шартнома билан расмийлаштирилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар.

**Маклер** (маклер, banian) – Битимга келишувдаги воситачи. У битим тузмайди балки битим тузиш учун харидорни жалб этади, бунинг учун воситачилик ҳақи олади.

**Макроиқтисодиёт** (макроэкономика, macroeconomics) – Моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирилган миллий иқтисодиёт ва жаҳон ҳўжалиги даражасидаги иқтисодиёт.

**Макроиқтисодий кўрсаткичлар** – Мамлакат яхлит иқтисодиёти даражасидаги ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

**Макроиқтисодий сиёсат** (макроэкономическая политика, macroeconomic policy) – Мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олган давлат сиёсати.

**Малакали ишчи** (опытный рабочий, craft worker) – Ўз касбида юксак малакага эга бўлган ишчи. Масалан: дурадгор, слесарь, автомеханик ва ҳоказо.

**Малакасиз ишчи** (без опытный, without skilled) – Умумий кўникмаларга эга бўлган ишчи. Масалан: фаррошлар, ахлат йиғувчиларга нисбатан ишлатиладиган атама.

**Маркетинг** (маркетинг, marketing) – Маҳсулот ишлаб чиқаргандан то истеъмолчига етиб боргунгача бўлган тадбиркорлик фаолияти.

**Масъулияти чекланган жамият** (общество с ограниченной ответственностью, limited society) – Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда улушга бўлинган ҳўжалик жамияти. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган хиссалар қиймати доирасида жавобгар бўлади.

**Маъмурий-бошқарув харажатлари** (административные расходы, office expenses) – Бошқарув аппаратини сақлаш (таъминлаш) харажатлари; хизматдаги енгил автомобилларни сақлаш харажатлари; қоровулчилик ходимлари, қуриқчи тизимларни сақлаш харажатлари; хизмат сафари харажатлари.

**Мақсадли солиқлар** (обязательный налог, obligatory tax) – Давлатнинг муайян турдаги харажатларини қоплаш учун фуқаролар ёки тижорат фирмалари берадиган мажбурий тўловлар.

**Маҳсулот** (продукт, produce) – Бирор фаолиятнинг моддий натижаси (меҳнат; хизмат кўрсатиш; иш бажариш). Ишлаб чиқаришни истеъмол учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол учун ишлатиладиган истеъмол предметлари; Масалан: ялпи маҳсулот, соф маҳсулот, саноат маҳсулоти.

**Маҳсулотни маркалаш** (маркировка изделия, product labeling) – Бирон бир маҳсулотнинг мазмуни ва фойдаланиш хусусиятини бирхиллаштириб ифодаладиган ахборот бериш.

**Менеджер** (менеджер, manager) – Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва даромадини ошириш тамойиллари, услуб ва тадбирлари мажмуидан фойдалана оладиган шахс.

**Менежмент** (менеджмент, management) – Энг самарали ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида маънавий, молиявий, моддий ва хом-ашё манбаларидан фойдаланишини бошқариш санъати.

**Меҳнат** (труд, labor) – Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун инсон сарфлайдиган жисмоний ва ақлий куч, ғайрат.

**Меҳнат биржаси** (биржа труда, employment exchange) – Меҳнат бозорининг институти, иш берувчилар ва ёлланма ишчилар кучи ўртасида воситачилик қиладиган бўғин. Меҳнат биржаси ёрдамида давлат меҳнат бозорига ўз таъсирини ўтказди, ишга жойлашиш муомаларини бошқаради (жумладан фақат ишсизларни эмас, балки касбини ўзгартирмоқчи бўлган шахсларни ҳам). Меҳнат биржаси мамлакат, жаҳоннинг турли-туман ҳудудларида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифларини ўрганади, ёшларни ишга жойлаш, касбга йўналтириш масалалари билан шуғулланади.

**Меҳнат интенсивлиги** (интенсивность труда, intensity work) – Вақт бирлигида меҳнатнинг сарфланиш тезлиги ёки жадаллиги.

**Меҳнат предмети** (предмет труда, subject of work) – Инсон меҳнати бевосита таъсир қиладиган, маҳсулот тайёрланадиган ресурслар. Масалан, хом-ашё, материал ва бошқалар.

**Меҳнат стаж** (трудовой стаж, labor of the experience) – Хизмат соҳасида юқори кўтарилиш ёки ишдан бўшатиш масалаларини ҳал этишда узоқ йил ишлаганлигига қараб устивор аҳамият берилиши.

**Меҳнат унумдорлиги** (производительность труда, labour productivity) – Маълум вақт давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган вақти.

**Меҳнат қуроллари** (предметы труда, subjects of work) – Инсон унинг ёрдамида табиатда, меҳнат предметларига таъсир кўрсатадиган воситалар.

**Микроиқтисодиёт** (микроэкономика, microeconomics) – Муайян иқтисодий бирликни таҳлил қилиш, яъни бирорта ишлаб чиқариш корхонасини ўрганиш.

**Микрокредит** – Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармояни шакллантиришга бериладиган кредитлар. Микрокредитлар: а) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун – энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача; б) микрофирма ва деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

**Микрофирма** (микрофирма, mikrofirm) – Банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида 10 кишидан, улгуржи ҳамда чакана ва савдо-умумий овқатланиш тармоқларида 5 кишидан ошмайдиган корхона.

**Миллий бойлик** (национальное богатство, national wealth) – Инсоният жамият таррақиётида аجدодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат бойликлари.

**Миллий валюта тизими** (национальная валютная система, national monetary system) – Бир мамлакатда валюта амал қилиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва қонуний муносабатлар йиғиндиси.

**Миллий даромад** (национальный доход, national income) – Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини белгилаб берувчи умумлашган муҳим кўрсаткич. Соф миллий маҳсулот таркибидан бизнесга эгри солиқларни чегириб ташланган қисми.

**Миллийлаштириш** (национализация, nationalization) – Хусусий шахслар мулкларини тегишли давлат органининг махсус актига кўра давлат ихтиёрига ўтказилиши.

**Минтақавий валюта тизими** (валютная система континента, currency system continent) – Ривожланган давлатларнинг жаҳон валюта тизими чегарасида ташкил этилиб, аъзо давлатларнинг валюта соҳасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлари шакли сифатида фаолият кўрсатади. Масалан, Европа валюта тизими.

**Моддий буюмлашган бойлик** (вещественное богатство, tangible wealth) – Миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий-буюм кўринишига эга бўлган қисми.

**Модернизация** – Мавжуд объектни такомиллаштириш, яхшилаш, уни янги талаб ва меъёрлар, техник шарт-шароитлар, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

**Молия** (финанс, financ) – Пул маблағларининг ҳаракати, уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланиши билан боғлиқ бўлган муносабат.

**Молиявий давдираш** (финансовая паника, finance panic) – Шахсларнинг ўз депозитларида сақлаётган омонотни бир вақтнинг ўзида олиши, иқтисодиётда бу ҳол тижорат ва молия институтларнинг банкротлик ҳолатига тушишига сабаб бўлади.

**Молиявий манбалар** – Иқтисодиётнинг турли даражасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг маблағлари, давлат бюджети маблағлари, қарзга олинган маблағлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

**Молия сиёсати** (финансовая политика, financial policy) – Иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми; давлат ўз функциялари ва вазифаларини амалга ошириши учун молиявий маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тадбирлари йиғиндиси. Масалан, солиқ сиёсати, амортизация сиёсати молия сиёсатининг таркибий қисмларидир.

**Молия тизими** (финансовая система, financial system) – Молиявий муносабатлар ва уларни амалга оширишга хизмат қилувчи турли даражадаги молиявий муассасалар.

**Мол-мулк солиғи** (имущественный налог, property tax) – Корхона (фирма)нинг бевосита солиқларидан бўлиб, мавжуд асосий фонд (актив)ларнинг дастлабки қийматидан ҳисоблаб олинади.

**Монетаризм** (монетаризм, monetarism) – Муомалада бўлган пул таълимотини акс эттирган иқтисодий назария. Монетаризмнинг илк формаси; муомалада пул массаси ҳўжалик конъюктурасини юзага келишига таъсир этувчи омил бўлиб, муомаладаги пул массасини ўзгариши билан ялпи ички маҳсулот миқдори ўртасидан тўғри алоқа ўрнатади.

**Монетар сиёсат** (монетарная политика, monetary policy) – Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифини ўзгартириш борасидаги сиёсати.

**Мониторинг** (мониторинг, monitoring) – Хўжаликни текшириб туриш, назорат этиш, маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва башорат (прогноз) қилиш.

**Монополистик рақобат** (монополистическая конкуренция, monopolistic competition) – Кўпдан-кўп фирмалар бир хил бўлмаса ҳам, бир бирига ўхшаш товарларни сотадиган бозор.

**Монополия** (монополия, monopoly) – Давлат, корхона ёки жисмоний шахсларга у ёки бу фаолият олиб бориши учун берилган ҳуқуқ; йирик фирмалар, компаниялар ёки уларнинг бирлашмалари; яқка ҳокимлик.

**Монопол рента** (монополная рента, monofull rent) – Алоҳида табиий шароитга эга бўлган, ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинадиган рента.

**Монопсония** (монопсония, monopsony) – Эркин рақобатли бозорда, бир неча харидорларнинг паст нархлардаги товар (хизмат)ларни сотиб олиши.

**Мослашувчан таклиф** (эластичный от поставки, elasticity off supply) – Сотувчилар ўзлари таклиф қиладиган товарларни нақадар осонлик билан кўпайтира ва камайтира олиш меъёри.

**Мотивация** (мотивация, motivation) – Ўзаро боғлиқ ва ўзаро мосланган сабаблар тизими.

**Муаллифлик ҳуқуқи** (авторское право, copyright) – 1) Илмий, адабий ва маданий асарларда муаллифларнинг ҳуқуқини тартибга солувчи ҳуқуқнинг бўлиши; 2) адабий, мусикий ёки бадиий асарни радио-телевиденияда эълон қилиш, матбуотда чоп этиш ва сотишдаги махсус ҳуқуқ.

**Мувофиқлик белгиси** (гарантийный знак, guarantee sign) – Маҳсулот ёки хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёки кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги.

**Мувофиқлик сертификати** (гарантийный сертификат, guarantee certificate) – Маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат.

**Муддатли омонат** (временное сбережение, time savings) – Мижоз томондан банкка маълум муддатга қўйилган қўйилмалар бўлиб, улар орқали мижозларга банк томонидан фоиз тўланиши.

**Мукамал рақобат** (идеальный конкуренция, ideal a competition) – Бозордаги вазият бўлиб, бунда сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам кўп бўлиб, уларнинг биронтаси ўз ҳаракатлари билан талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни, мувозанат баҳосини сезиларли даражада ўзгартира олмайди, бозорда ўз ҳукмини утказа олмайди, шу туфайли сотувчиларни ҳам, харидорларни ҳам ишлаб чиқаришнинг, фаолиятнинг энг оқилона йўлини танлашга ундайди.

**Мулкдор** (владелец, owner) – Ўз ихтиёрига кўра ўзига тегишли мол мулкка эгалик қиладиган, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

**Мулккий бойлик** (вещественное богатство, tangible wealth) – Маълум вақт давомида тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи узоқ муддатли активлар.

**Мулкни тасарруф этиш** (усвоение имущества, mastering of property) – Мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.

**Мулк объектлари** (имущественные объекты, property objects) – Мулкка айланган барча бойликлар.

**Мулк субъектлари** (имущественные субъекты, property subjects) – Мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулккий муносабатлар иштирокчилари.

**Мультипликатор самараси** (польза мультипликатора, animator benefit) – Соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг инвестицион сарфлардаги ўзгаришга нисбати.

**Мулкчилик муносабатлари** (имущественные отношения, property relations) – Мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабат.

**Муомаладаги пуллар** (деньги в обороте, money in a revolution) – Мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз); пулга тенглаштирилган тўлов воситалари. Пул ҳисоб китобларини тақозо этадиган халқаро иқтисодий айирбошлаш ва бошқа алоқаларда қатнашади.

**Муомала харажатлари** (издержки обращения, expenses of circulation) – Товар муомаласи жараёни билан боғлиқ бўлган барча харажатлар йиғиндиси. Соф муомала харажатлари ва муомаладаги унумли харажатларга бўлинади.

**Мураккаб фоизлар** (сложный проценты, complicated percent) – Жамғармалардан фойдаланилгани учун ҳақ тўлаш ҳисоб-китоб усули бўлиб, бунда бу ҳақ омонатнинг бошланғич сўммасига ҳам, унга ўтган йили учун ёзилган фоиз сўммасига ҳам қўшиб ёзилади, омонатнинг прогрессив ўсишини таъминловчи фоизлар.

**Мутаносиб солиқ** (прогрессивный налог, value-added tax) – Олинадиган даромадлардан, уларнинг катта-кичиклигидан қатъий назар, бир хил фоизда олиниши.

**Мутлоқ рақобатдош бозор** (совершенно конкурентное рынок, completely competitive the market) – Харидорларнинг бозор нархларидан хабардор бўлиши.

**Мутлоқ рақобатдош фирма** (совершенно конкурентная фирма, perfectly competitive firm) – Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда, маҳсулот баҳосини белгилаш.

**Муқобил текширув** (альтернативная проверка, alternative check) – Ўзаро операцияларнинг бир хиллиги билан боғланган ва турли хўжалик юритувчи субъектларда ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларида жойлашган ҳужжатларни қиёслаб текшириш.

**Муқобил қиймат** (стоимость возможности, opportunity cost) – Бошқа товар ва хизматларга алмаштириш учун берилиши лозим бўлган товар ва хизматлар миқдори.

## Н

**Назорат қилувчи орган** (контролирующий орган, supervising body) – Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан, давлат назоратини амалга оширишга қонун томонидан ваколат берилган вазирлик ва идоралар.

**Нарх** (цена, price) – Товар қийматининг пулда ифодаланиши; хўжалик механизмида амал қилувчи иқтисодий восита. Бозор шароитида нарх қиймат ўлчови, рағбатлантириш омили, даромадларни қайта тақсимлаш вазифаларини бажаради.

**Нарх диапазони** (цена диапазона, range the price) – Нархлар оралиғидаги фарқнинг пулдаги ифодаси.

**Нархлар индекси** (индекс цен, price index) – Хар хил вақт оралиғида товар ва хизматларга нархнинг мувозанати ўзгаришини акс эттирувчи кўрсаткич.

**Нархлар барқарорлиги** (ценовая стабильность, price stability) – Инфляция ва дефляциянинг йўқлиги - пул бирлигининг харид қобилияти деярли ўзгармайдиган давр.

**Нарх тизими** (ценовая система, price system) – Иқтисодий тизим; Унда ресурслар талаб ва таклиф кучларининг ўзаро таъсири натижасида тақсимланади.

**Натурал ишлаб чиқариш** (натуральное производство, natural production) – Меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириш, ички хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланиши.

**Нафақа** (пенсия, pension) – Фуқароларга маълум ёшга етганда, ногирон бўлиб қолганда, боқувчисини йўқотганда, кўп йиллик хизматлари учун давлат томонидан бериладиган доимий пул тўловлари.

**Нафлилиқ** (выгодность, profitability) – Товарлар кишиларнинг бирон-бир истеъмолини қондириш лаёқати.

**Нақд пул маблағлари** (наличный деньги, cash money) – Товарлар учун ҳисоб-китоб ёки бошқа тўловлар қилинаётганида харидордан сотувчи қулига жисмонан утадиган қогоз ва танга пуллардир. Нақд пуллар бошқа турли тўловларда ҳам қулдан қулга ўтади.

**Нақд пулсиз ҳисоб-китоб** (без наличный расчёт, without cash calculation) – Корхона, ташкилотлар ўртасидаги уларнинг давлат бюджети, кредит ташкилотлари билан нақд пулсиз бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш операцияси.

**Нақд пуллик ҳисоб-китоб** (наличный расчёт, cash calculation) – Пул ўзининг тўлов ва муомала воситаси функциясиларини нақд пул ёрдамида амалга ошириб, иш ҳақи, нафақа, мукофот, суғурта тўловларни тўлашда амалга оширилади.

**Нетто** (нетто, net) – Ўралмаган ҳолдаги товарларнинг соф массаси; фоиз скидкасини чегирган ҳолдаги товарнинг соф баҳоси; харажатларни чегирган ҳолдаги соф даромад.

**Нодавлат ноишжорат ташкилоти** (негосударственное некоммерческое предприятие, not state noncommercial enterprise) – Жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари аъзолари ўртасида тақсимламайдиган ўзини-ўзи бошқарувчи ташкилот.

**Номенклатура** (номенклатура, nomenclature) – Буюмлар, нарсалар, номлар рўйхати. Масалан, счёта, товар номенклатураси.

**Номинал** (номинал, nominal) – Товарда кўрсатилган нарх; Пул бирлиги ёки қимматли қоғозга ёзиб қуйилган қиймат.

**Номинал даромад** (номинальный доход, nominal income) – Аҳоли томонидан пул шаклида олинган даромадлар сўммаси.

**Номинал иш ҳақи** (номинальная зарплата, nominal salary) – Пул шаклидаги олинган иш ҳақи сўммаси.

**Номинал фоиз ставкаси** (номинальная процентная ставка, nominal interest rate) – Маълум давр ичида (ой, йил) қарзга олинган пул бирлигига тўланган пул миқдори. **Номинал ялпи ички маҳсулот** (номинальный валовой внутренний продукт, nominal gross domestic product) – Мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган провард товар ва хизматларнинг жорий бозор баҳоларининг умумий йиғиндиси.

**Нотижорат ташкилоти** (некоммерческое предприятие, noncommercial enterprise) – Давлат ташкилоти бўлмаган, фойдани ўзаро тақсимламайдиган кишиларнинг барча турли бирлашмаси.

**Ноу-хау** (ноу-хау, know-how) – Корхона ва профессионал фаолиятда амалий қўлланиладиган тажриба ва илмий, техник, ишлаб чиқариш, маъмурий, молиявий, тижорат характеридаги турли хил янги билимлар йиғиндиси; Ноу-хау дан фойдаланиш лицензия шартномаларини тузиш асосида амалга оширилади.

**Нуфузли нарх** (престижная цена, prestigious price) – Аҳолининг юқори даромад олувчи катлами, харид қиладиган товарларни сотишда қўлланилади.

## О

**Облигация** (облигация, bond) – Қимматли қоғоз тури, муддатли қарз мажбурияти. Эгасига кафолатланган даромад олиш ҳуқуқини беради. Акциядан фарқли уларок, даромад миқдори корхонанинг умумий даромадлилигига боғлиқ бўлмайди.

**Оддий акциялар** (простые акции, common stock) – Компания олган фойдага қараб дивидендлар олиш ҳуқуқини, ҳал қилувчи овоз билан акционерлар йиғилишида иштирок этиш ва компания раҳбариятига сайланиш ҳуқуқини берадиган акциялар.

**Оддий лицензиялаш** (обычное лицензирование, usual licensing) – Юридик ва жисмоний шахсларга чекланмаган доирада бериладиган лицензиялар бўлиб, шахслар тегишли фаолият турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона шартлар ва талабларга жавоб бериши.

**Оила бюджети** (бюджет семье, family budget) – Оиланинг мазкур вақтда вужудга келган пулли ёки жами даромадлари ва харажатлари.

**Олигополия** (олигополия, oligopoly) – Бир неча йирик компания, фирмани ишлаб чиқаришда ва бозорда ҳукмронлик қилиши.

**Олигархия** (олигархия, oligarchy) – Бир тўда шахсларнинг ёки гуруҳларнинг (бойлар, ҳарбийларнинг) сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги бўлган тузум.

**Олий тоифали товар** (товар высшего качества, goods of the supreme quality) – Даромадларнинг ўзгариши билан талаб тўғри мутаносибликда ўзгарадиган товар.

**Олтин валюта захираси** (золотовалютные резервы, gold reserves) – Марказий банк ва мамлакат молия органларининг ҳамда халқаро валюта-кредит ташкилотларнинг хориж валютаси ва олтин захиралари.

**Олтин захираси** (золото резервы, gold reserves) – Мамлакат марказий эмиссия банки ёки хазинаси қўйма ёки танга шаклида тўпланган марказлашган олтин резерв фонди.

**ОПЕК** (Нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти) (организация стран-экспортеров нефти, organization of petroleum exporting countries) – 1960 йилда ташкил этилган. Таркибига Эрон, Ироқ, Венесуэлла, Қувайт, Саудия Арабистони, Қатар, Индонезия, Ливия, Бирлашган Араб Амирлиги, Алжир, Нигерия, Эквадор ва Габон давлатлари киради. ОПЕК жаҳон бўйича нефть савдоси ҳажмининг ярмига яқинини назорат қилади, ҳамда нефтьга расмий баҳо белгилайди, кўпинча баҳонинг жаҳон даражасини аниқлаб беради. Штабквартираси Венада жойлашган.

**Оралиқ истеъмол** (промежуточное потребление, intermediate consumption) – Ишлаб чиқаришнинг бир босқичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бошқа босқичида меҳнат предметлари сифатида ишлатилиши.

**Оралиқ маҳсулот** (промежуточные товары, intermediate goods) – Қайта ишлаш ёки сотиш учун сотиб олинган товар ва хизматлар мажмуи.

**Ортиқча таклиф** (излишное предложение, excess demand) – Мавжуд нархларда товар ва хизматлар таклифи уларга бўлган талабдан устун бўладиган иқтисодий вазият, шунингдек, ортиқча ишлаб чиқариш деб ҳам аталади.

**Оферта** (оферта, offer) – Олди-сотди қилиш амалиётида қўлланадиган истеъмолчига маълум шартлар асосида товар ва хизматларни сотиш тўғрисидаги ёзма таклиф.

**Очиқ акциядорлик жамияти** (акционерное общество открытого типа, joint-stock company) – Акциядорлар ўзларига тегишли акциялари жамиятдаги ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши (сотиш, ҳадя қилиш ва бошқалар) мумкин бўлган акциядорлик жамияти. Очиқ акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларига очиқ ёки ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, жамиятда акциядорларнинг сони чегараланмайди. Очиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди 50000 АҚШ доллар эквиваленти сўммасидан кам бўлмаслиги лозим.

**Очиқ иқтисодиёт** (открытая экономика, open economy) – Мамлатнинг барча фуқаролари ҳалқаро товар ва капитал бозорида олди-сотди шартномаларини чекланмаган ҳолда амалга ошириш.

## П

**Пай** (доля, share) – Қисм, аъзолик ҳиссаси, бадал, бирорта корхона ташкил этилганда аъзолари тулайдиган аъзолик бадаллари.

**Пассив** (пассив, passive) – 1) Бухгалтерия балансининг бир қисми, корхонанинг ўз резервлари, бошқа муассасанинг заёмлари акс этади; 2) тўлов балансидаги камомад.

**Пассив савдо баланси** (пассивный торговый баланс, unfavourable trade balance) – Мамлакатнинг унга келтириладиган товарлари (импорти) миқдорининг жўнатиладиган товарлари (экспорти) миқдоридан ошиб кетиши.

**Пассив тўлов баланси** (пассивный платежный баланс, unfavourable pay balance) – Мамлакатнинг хорижий сарф-харажатлари ва тўловлари мамлакатга хориждан келиб тушадиган тушумларидан ошиб кетишини билдирувчи тўлов баланси.

**Паст тоифали товар** (товар низкого качества, goods of poor quality) – Даромадлар камайганда талаб ошадиган товар.

**Патент** (патент, patent) – Ихтиро, авторлик ҳуқуқи тан олинганда давлатнинг тегишли органи томонидан берилган ҳужжат.

**Пеня** (пеня, fine) – Тўлов муддатини бузганлиги учун қўлланиладиган санкция (жарима) тўлов сўммасига нисбатан фоизда олинади.

**Пировард маҳсулот** (конечный продукт, end-product) – Якуний истеъмол учун сотиб олинadиган тугал маҳсулот (товар ва хизмат)лардир.

**Потенциал ишлаб чиқариш** (потенциал производство, potential manufacture) – Мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиб ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида иқтисодиётда яратилган маҳсулот ҳажми.

**Потенциал ЯИМ** (потенциал ВВП, potential GDP) – Мавжуд инвестиция ресурслари ва ишчи кучи ҳисобига эришилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми.

**Прогрессив солиқ** (прогрессивный налог, progressive tax) – Корхона, фирма оладиган даромадидан, юқори даромадлардан паст даромадларга қараганда кўпроқ фоиз олинади.

**Протекционизм** (протекционизм, protectionism) – Давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамлакатга олиб келинаётган

товарларга юқори божлар белгилаши, айрим товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман таъқиқланади.

**Процент** (процент, interest) – Қарз олувчининг, қарз берувчига қарзи учун устама бериши.

**Пудрат** (аренда, lease) – Шартнома ёки хўжалик юритишнинг бир тури. Бир томоннинг иккинчи томон талабига кўра белгиланган ишни бажариши тўғрисидаги шартнома.

**Пул** (деньги, money) – Ўзига хос товар, барча товарлар қийматининг умумий эквиваленти. Товар қийматини ифодалайди. Турлари: металл, қоғоз, кредит, электрон пуллар айирбошлашда умумий восита бўлиб хизмат қилади. Пул тўртта функция (вазифа)ни бажаради: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғарма воситаси, тўлов воситаси.

**Пул агрегати** (денежный агрегат, monetary aggregate) – Жамғарила бориб харид қобилиятини сақловчи барча пул воситалари пул агрегати деб аталади, бунга нақд пуллар, маълум муддатга ёки муддатсиз банкка қўйилган пуллар, сертификатлар ва бошқалар киради.

**Пул базаси** (денежно-кредитная основа, monetary base) – Муомаладаги нақд пуллар, корхоналарнинг кассадаги пуллари ва марказий тижорат банк захиралари.

**Пул бозори** (денежный рынок, money market) – Тижорат банк, давлат, фирма, хусусий шахсларнинг пул маблағлари ҳаракатига хизмат кўрсатади. Пул бозори инфляциянинг олдини олиш, бюджет дефицитини йўқотишга таъсир этади. Айланма маблағларнинг ҳаракатини таъминловчи қисқа муддатли кредит операцияларнинг йиғиндиси.

**Пулга бўлган талаб** (спрос на деньги, demand for money) – Мамлакат аҳолиси жамғариш ва истеъмол қилиш, олди-сотди ва хар хил иқтисодий битимлар тузиш учун эғалик қилмоқчи бўлган пул миқдори; истеъмол, фоиз ставкаси, операцион харажатлар ва бошқа функциялар билан ифодаланади.

**Пул ислоҳоти** (денежная реформа, currency reform) – Мамлакатнинг пул тизимини мустаҳкамлаш учун йўналтирилган давлат қонуний актлари.

**Пул-кредит сиёсати** (денежно-кредитная политика, monetary policy) – Тўлиқ бандлик шароитида ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар. Пул-кредит сиёсати давлат томонидан ва Марказий банк томонидан амалга ошириб, унинг ёрдамида мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини бажаради.

**Пул миқдори(массаси)** (денежный масса, money weight) – Муомалага чиқарилган металл тангалар ва қоғоз пуллар (ҳазина ва банк билетлар)и жами миқдори. Банкдаги барча пул воситалари ҳам киради. Пул миқдори аҳоли қўлида, кредит тизими кассалари, корхона ва ташкилотларда тўпланади.

**Пул муомаласи** (денежное обращение, monetary circulation) – Товарларнинг пулларга айирбошланишини акс эттириб, муомала воситаси ва тўлов воситаси сифатида пулнинг ҳаракатига айтилади; товарларнинг доиравий айланиши, хўжаликда товарсиз тўлов ва бошқа ҳисоб-китобларга хизмат кўрсатади.

**Пулнинг айланиш тезлиги** (скорость денежного оборота, speed of a monetary revolution) – Ҳар бир пул бирлигининг мазкур мамлакатда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашда, ҳар қандай битишувларни таъминлашда йил давомида неча марта айланишлар сони.

**Пулнинг харид қобилияти** (покупательная способность денег, purchasing capacity of money) – Пулнинг харид қобилияти; пул бирлигининг маълум товарлар сонига айирбошлаш қобилияти.

**Пулнинг қадрсизланиши** (обесценивание денег, money depreciation) – Қоғоз пулнинг маҳсулот ва хизматлар баҳосининг ошишида намоён бўлади.

**Пул эмиссияси** (денежный эмиссия, monetary issue) – Давлат томонидан муомалага қўшимча миқдорда пул белгиларининг чиқарилиши.

## Р

**Рақобат** (конкуренция, competition) – Бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафтиликка эга бўлиш учун кураш.

**Реал даромад** (реальный доход, real the income) – Аҳолининг номинал даромадлари сўммасининг товар ва хизматлари сотиб олиш лаёқати. Аҳоли реал даромадига номинал даромад сўммаси билан бирга баҳолар даражаси, солиқлар ва бошқа омиллар ҳам таъсир қилади.

**Реализация** (реализация, realization) – Сотиш, пуллаш; тарқатиш; амалга ошириш, фойда олиш, фоизли қоғозлар вексел ва бошқа қимматли нарсаларни пулга айлантириш.

**Реал иш ҳақи** (реальная заработная плата, real wages) – Реал, ҳақиқий иш ҳақи, инсоннинг ҳақиқий меҳнати учун олган ҳақи; моддий бойликлари ва хизматлар акс этган иш ҳақи; реал иш ҳақи номинал иш ҳақи миқдори, баҳо даражаси, хизматлар ва олинadиган солиқлар миқдори билан аниқланади.

**Реал ялпи ички маҳсулот** (реал валовой внутренний продукт, real gross domestic product) – Жорий нархларда ҳисобланган номинал ялпи ички маҳсулотни нархларнинг ўзгариш кўрсаткичи (инфляция даражаси) ҳисобига ҳисобланади.

**Ревальвация** (ревальвация, revaluation) – Миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан қадрининг ошиши.

**Реверс** (реверс, reverser) – 1) Танга, медалларнинг орқа томони, 2) банкнинг тўлов муддати етганда векселни сотиб олиш мажбурияти.

**Регрессив солиқ** (регрессивный налог, regressive tax) – Корхона, фирма оладиган соф даромадига, паст даромадларидан анча юқори ва юқори даромадлардан камроқ фоиз ундириш.

**Резерв валютаси** (резервная валюта, reserve currency) – 1) Давлат хазинаси ва марказий банкка тегишли бўлган, қуйма ва танга олтинлар; хориж валюта маблағлари; халқаро ҳисоблар учун жамғармаси, сақлаб қўядиган валютаси; 2) ривожланган давлатларнинг халқаро ҳисоблар олиб бориш учун фойдаланиладиган миллий ва кредит пуллари.

**Резерв капитали** (резерв капитала, reserve of the capital) – Корхонанинг фойдасидан ажратмалар ҳисобига ҳосил бўладиган, кўзда тутилмаган зарарлар ҳамда қимматбаҳо қоғозлар курсининг тутиши натижасидаги харажатларни қоплаш учун мўлжалланган фонд.

**Резидент** (резидент, resident) – Солиқ ҳуқуқлари бўйича фақат шу мамлакатда тегишли иқтисодий ҳудудда (камида бир йилдан ортиқ яшаган бўлиши шарт) яшаб турган юридик ёки жисмоний шахс.

**Рейтинг** (рейтинг, rating) – Даража, тоифага баҳо бериш. Махсус кафолатхоналар томонидан муайян қарздорнинг қарзини тулай олиш қобилияти ёки қимматбаҳо қоғозларнинг сифати ва ишончилиги аниқланадиган нисбийлик.

**Реклама** (реклама, reclame) – 1) Янги товар, унинг ўзига хос белгилари, хизматлари тўғрисидаги маълумот; 2) оммавий ахборот воситаларида тижорат фаолияти (товар ва хизматларни эълон қилиш).

**Реконструкция** (қайта тиклаш) – Фаолият юритаётган корхона маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартириш.

**Рентабельлик** (рентабельность, efficiency) – Корхона хўжалик фаолиятининг бир кўрсаткичи, маълум бир давр давомида корхона фаолияти фойдалилиги (зарар кўриб ишлаши)ни характерлаб беради. Маҳсулотни сотишдан келадиган фойданинг шу маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига нисбати.

**Репорт** (репорт, report) – Муддатли битим тури; қимматбаҳо қоғоз ёки чет эл валютасини (биржа савдогари, тижорат банки ва б.) банкка маълум муддатдан кейин янгича, яъни анча юқори нархда харид қилиш шарти билан сотиш; қимматбаҳо қоғоз ёки чет эл валютасини сотиш ва харид қилиш нархи ўртасидаги фарк.

**Ресурслар** (ресурсы, reserve) – 1) Ресурс, имконият, бойлик манбаи; чора, илож. Масалан: иқтисодий ва молиявий ресурслар; 2) ишлаб чиқаришни таъминлайдиган омил ва воситалари. Иқтисодий ресурслар қуйидагиларни ўз ичига олади: табиий (хом ашёвий, геофизик), меҳнат (инсон капитали), капитал, муомила воситаларини, информацион ва молиявий ресурслар.

**Рефакция** (рефакция, refaktion) – Маҳсулот сифати шартномада келишилгандан пастроқ бўлса, нархнинг туширилиши (пасайтирилиши).

**Рэкет** (рэкет, racket) – Зурлик ишлатиш, шантаж қилиш, дуқ ва пуписа билан пора олиш, даромадларга шерик бўлиш. Рэкетни амалга оширувчи киши рэкетчи деб аталади.

## С

**Савдо** (торговля, trade) – Товар ва хизматларни олди-сотди қилиш шакли. Савдо меҳнат тақсимоли натижасида ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларни бир-бирлари билан боғловчи махсус фаолият сифатида келиб чиққан.

**Савдо баланси** (торговый баланс, merchandise trade balance) – Ташқи савдода экспорт ва импортдан келадиган тушумлар ва тўловлар ўз аксини топади, савдо битимида кўзда тутилган, аммо жорий даврда амалга оширилмайдиган тўловлар ва тушумлар балансида ўз аксини топмайди.

**Савдо балансининг дефицити** (торговый дефицит, trade deficit) – Ҳисобот даври охири келиб импорт бўйича қилинган жами харажатларни экспорт даромадларидан устун келиш вазиятигача иқтисодий суръатларнинг ўсиши билан характерланади.

**Савдо балансининг ижодий сальдоси** (торговый излишек активном сальдо, trade surplus) – Ҳисобот даврининг охирига келиб экспорт бўйича жами даромадлар импорт бўйича харажатлардан устун келиши.

**Савдо-воситачилик операцияси** (торгово-посредническая операция, trading intermediary operation) – Мижоз топшириғи бўйича қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларнинг олди-сотдиси ёки қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдисида воситачилик қилиш.

**Савдо палатаси** (торговая палата, board of trade) – Турли давлатлар ўртасида ташқи савдо алоқаларини ривожланишига таъсир этиш мақсадида ташкил этилган ижтимоий ташкилот. Масалан, савдо-саноат палатаси.

**Савдо ўйи** (торговый дом, trading house) – Савдо муассасасининг махсус тури. Турли хил товарлар (кийим-кечак, оёқ кийим, газлама) билан савдо қилиш.

**Сальдо** (сальдо, balance) – Маълум бир давр мобайнида пул тушумлари ва харажатлар ўртасидаги фарқ; қолдиқ.

**Санация** (санация, sanitation) – Молия ва кредитлаш тадбирлари тизими; корхона, ширкат, бирлашма, банк ва бошқаларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, уларни банкротликдан сақлаш ва рақобатдошлик қобилиятини ошириш мақсадларига йўналтирилади.

**Сарфлар** (издержки, charges) – Чиким, харажат, сарфлар. Масалан: маъмурий, ялпи калькуляция сарфлар.

**Сарф харажат баланси** (расход баланса, spending balance) – Макроиктисодиётда ЯИМни ишалб чиқаришга кетган жами харажатлар ва яратилган ялпи ички маҳсулот охирги истеъмол мақсадида ишлатилиши орасидаги баланс.

**Сервис** – Жисмоний ва юридик шахсларга, умуман кенг аҳоли қатламига хизмат кўрсатиш; ишлаб чиқариш-техника мақсадларида маҳсулотларни, моддий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари.

**Сертификат** (сертификат, certifiacate) – 1) Молия (пул) мажбуриятини акс эттирувчи гувоҳнома, ҳужжат; 2) қимматли қоғоз тури; 3) ташқи иқтисодий алоқаларда товар сифати ҳақидаги гувоҳнома; суғурталанган мулкка етган зарар таснифи, ҳажми ва сабабларини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳам сертификат деб аталади.

**Сертификатлаштириш миллий тизими** (национальная система сертификации, national system of certification) – Давлат микёсида амал қиладиган, сертификатлаштириш ўтказишда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларга эга бўлган тизим.

**Синдикат** (синдикат, syndicate) – Бир тармоқ тадбиркорлари томонидан ортиқча рақобатни бартараф қилиш, барқарор фойда олиш мақсадида маҳсулот сотишнинг бирлашиши.

**Смета** (смета, estimate) – Қурилиш, монтаж ишлари, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун кетган меҳнат, материал ва пул харажатлари миқдори белгиланган ҳужжатлар йиғиндиси; молия режасининг бир тури, бунда асосан харажатлар акс эттирилади.

**Солиқ** (налог, tax) – Давлатнинг марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳукукий ва жисмоний шахслар даромадларининг бир қисмини бюджетга жалб қилиш. Масалан: даромад, акциз ва бошқа солиқлар.

**Солиқ декларацияси** (налоговая декларация, tax declaration) – Солиқ тўловчининг маълум бир вақт давомида олган даромад миқдорини билдирувчи ҳужжат, ёзма баёнот ва гувоҳнома.

**Солиқ имтиёзлари** (налоговая льгота, tax privilege) – Солиқ тўловларидан тула ва солиқдан қисман озод бўлиш. Солиқ сиёсатининг бир қисми бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий мақсадларни кўзлайди.

**Солиқ ставкаси** (налоговая ставка, tax rate) – Солиқ сўммасининг солиқ олинадиган сўммага нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Солиқ тизими** (налоговая система, fiscal system) – Ҳукумат қонунлари билан белгиланган, ижро этувчи органлари томонидан олинадиган солиқлар йиғиндиси, тўғри ва эгри солиқлардан иборат.

**Солиқларни унификация қилиш** – Солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

**Солиқ юки** – Маблағларни бошқа фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлардан олиб, солиқларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чекловлар даражаси бўлиб, одатда солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Мамлакат миқёсида солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи орқали ифодаланади.

**Соф инвестиция** (чистый инвестиции, pure investments) – Ялпи инвестициядан амортизация ажратмаларини чиқариб ташланган қисми.

**Соф миллий маҳсулот** (чистый национальный продукт, net national product) – Макроиқтисодий кўрсаткич бўлиб, у ЯММдан амортизация ажратмалари жами миқдорининг айирмаси кўринишида ҳисобланади.

**Соф фойда** (чистая прибыль, net profit) – Корхоналарнинг ялпи пул тушумидан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми.

**Соф экспорт** (чистый экспорт, net exports) – Мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.

**Ссуда капитали** (ссуда капитал, loan the capital) – Фоиз тўлаш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилган ялпи пул маблағи.

**Ссуда капитали жаҳон бозорида** (ссуда капитал в мировом рынке, loan the capital in the world market) – Халқаро кредит операциялари руй берадиган бозор ёки ссуда капиталининг халқаро бозори.

**Ссуда фонди** (фонд ссуды, loan fund) – Қарзга берилган ва банкларда тўпланган пул маблағлари.

**Стабилизация** (стабилизация, stabilization) – Барқарор бўлиш, мустаҳкамлаш. Масалан, нарх-навони барқарор бўлиши, пул муомаласини мустаҳкамланиши.

**Стагфляция** (стагфляция, stagflation) – Инфляция тенденцияси ривожланган даврдаги иқтисодиётдаги инфляция; ишсизлик кўпайиб, нархлар ошиб боради.

**Стандарт кредит** (стандартный кредит, standard credit) – Олинган кредит бўйича вақти-вақти билан кредитни ўз вақтига қайтара олмаслик шароити юзага келиши, кредитни белгиланган муддатда тўлай олмаслик, тўлов муддатининг узайтирилиши бир марта оширилиши, кредитни фоизларини тўлай олмаслик даври 30 кундан 60 кунгача тўлиқ таъминланмаган кредитлар учун 30 кун муддатга тўланиши.

**Субвенция** (субвенция, subvention) – Ҳукумат маҳаллий органларига ёки хўжаликларни турли бўғинларига давлат томонидан бериладиган молиявий ёрдам тури. Ундан фойдаланиш шарти бузилганда уларни қайтариб олиш мумкин.

**Субсидия** (субсидия, subsidy) – Давлат бюджетидан корхона, ташкилот ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ.

**Судралиб юрувчи инфляция** (ползающая инфляция, creeping inflation) – Иқтисодиётда баҳоларнинг ўртача йиллик ўсиши 5-10 фоиздан ошмасдан, ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўлиши.

**Супермаркет** (супермаркет, supermarket) – Харидорларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишига асосланган кенг тармоқли савдо корхонаси.

**Табиий бойлик** (естественное богатство, natural wealth) – Миллий бойликнинг табиат инъомларидан иборат бўлган, фойдаланишга жалб қилинган, ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қиладиган қисми.

**Ташқи иқтисодий фаолият** (внешнеэкономическая деятельность, foreign trade activities) – Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатларидир.

**Тадбиркорлик** (предпринимательство, business) – Фойда олиш мақсадида фуқаролар ва корхоналарнинг ўз ташаббуси асосида мустақил фаолият юритиши. Масалан, хусусий, жамоа тадбиркорлиги. Тадбиркорликни ривожлантириш бозор иқтисодиёти шаклланишининг асосий мезонларидир.

**Тадбиркорлик капитали** (предпринимательский капитал, business the capital) – Тадбиркор эҳтиёрида ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий воситалар, товар ва пул маблағлари.

**Тадбиркорлик сектори** (сектор предпринимательства, sector of business) – Даромад олиш мақсадида амал қилувчи, олинган фойдани ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришга сарфланиши.

**Тадбиркорлик қобилияти** (дар предпринимательства, gift of business) – Инсонда бўлган ташаббускорлик, ташкилотчилик, новаторлик, иқтисодий хавфдан, жавобгарликдан чўчимаслик ҳислатлари мажмуи.

**Таклиф** (предложение, supply) – Ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва муайян пайтда бозорга чиқарилган ёки келтирилиши мумкин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир. Ишлаб чиқарувчилар бозорда сотишга мўлжалланган товар ҳажми таклиф қилинган товарлар миқдorigа айтилади. Товарлар таклифининг ҳажми сотишга чиқарилган товарлар сўммаси билан белгиланади.

**Таклиф инфляцияси** (инфляция предложения inflation of the supply) – Мамлакат иқтисодиётида товар ва хизматлар таклифининг камайиши ва товар ва хизматлар баҳоларининг ошиши.

**Таклиф қонуни** (закон предложения, law of supply) – Товар учун нарх қанча юқори бўлса, бозорга ишлаб чиқарувчилар томонидан шу товарнинг кўплаб миқдори таклиф қилинади. Бу ҳолат уларни мавжуд товар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга ундайди. Бу ўз навбатида товар таклифини ўстиради. Демак, нарх ошишига мувофиқ равишда таклиф миқдори ҳам ортади, нарх пасайиши билан таклиф ҳам қисқаради.

**Талаб** (спрос, demand) – Товар ёки хизматларга бўлган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлиши, лекин бу шунчаки эҳтиёж эмас балки, тўловга қобил, пул билан таъминланган эҳтиёждир.

**Талаб инфляцияси** (инфляция спроса, inflation of demand) – Иқтисодиётда талаб кескин ошиб кетиши ва уни ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми билан қондириш мумкин бўлмай қолган ғазият.

**Талаб қонуни** (закон спроса, law of demand) – Маълум бир товарнинг нархи қанчалик ошса, талабнинг миқдorigа таъсир этувчи бошқа омиллар ёки шароитлар ўзгармас бўлганида шу товарнинг камроқ ҳажмига талаб қуйилади; аксинча товар нархи пасайса, унга талаб ортади. Қисқаси, нарх билан талаб миқдори ўртасида тесқари боғлиқлик мавжуд. Ана шу акси алоқа талаб қонуни дейилади.

**Таннарх** (себестоимость, first cost) – Бирор товар ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун кетган барча харажатларнинг пулдаги кўриниши.

**Тариф** (тариф, tariff) – Расмий белгиланган ставка, солиқ, тўлов йиғими; ставкалар тизими. Масалан, транспорт тарифлари, алоқа бўйича божхона тарифлари ва бошқалар.

**Таркибий инқироз** (структурный кризис, structural crisis) – Иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликлар вужудга келиши натижасида, айрим тармоқларда кейин бутун иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмининг тушиб кетиши ҳолати.

**Таркибий ишсизлик** (структурная безработица, structural unemployment) – Ишлаб чиқариш ва ялпи талаб таркибидаги ўзгаришлар натажасида вужудга келадиган ишсизлик.

**Тартибга солиш** (регулирование, regulation) – Иқтисодиётнинг маълум бир ҳолатида бўлишини таъминлаш. Иқтисодиётнинг субъектлари алоқаларини ўзгаришни ёки қувватлашни таъминловчи, мақсадли йўналтирилган жараёнлар. Масалан: соҳаларни, пул-кредитни, молияни, ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш.

**Ташкилот** (организация, organization) – Тизим элементларини тартибга солиш ва координация қилишга қаратилган бошқарувнинг таркибий қисми.

**Ташқи савдо** (внешняя торговля, oversea trade) – Бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси (экспорт, импорт муносабатлар). Ташқи савдо асосида халқаро меҳнат тақсимооти шаклланади.

**Ташқи савдо сиёсати** (внешнеторговая политика, foreign trade policy) – Бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасида сиёсати. Бунда тенг ҳуқуқлилиқ ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

**Ташқи харажатлар** (внешние затраты, external expenses) – Ташқаридан жалб қилинган ресурсларга тўловларни амалга оширишга кетган харажат.

**Тақсимланмаган фойда** (сохраненный доход, retained earnings) – Резерв фондида ажратмалар ва дивидентлар тўланганидан сўнг қоладиган фойданинг бир қисми.

**Текшириш** (проверять, to check) – Назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган, ҳўжалиқ юритувчи субъектларнинг фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари ижро этишлари устидан ўтказиладиган назорат.

**Тендер** (тендер, tender) – 1) Ёзма таклиф, оферта, талабнома; 2) қимматли қоғозлар, савдо учун обуна бўлиши ҳақидаги ариза; 3) муддатли шартномага кура товарни етказиб бериш тўғрисидаги хабарнома; 4) бозорда облигация ва ғазна векселини таклиф этиш воситаси; 5) халқаро савдо шакли. Савдо ташкилотчилари томонидан қатнашувчилар орқали маълум товарни етказиб бериш ёки маълум хизматларни бажариш таклифи қайд этилган қоғоз.

**Технологик усул** (технологический способ, technological way) – Меҳнат воситалари, материяллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули.

**Технополис** (технополис, technopolice) – Инновацион жараёнини активлаштиришга мўлжалланган очиқ иқтисодий зона шаклларида бири.

**Тижорат сир** (коммерческая тайна, industrial secret) – Корхоналарнинг барча операциялари ва ҳужжатларини сир сақлаш. Бу давлат томонидан муҳофаза қилиниб, рақобат курашида бир восита ҳисобланади.

**Товар** (товар, goods) – Бирон-бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган айирбошлаш учун яратилган маҳсулотдир.

**Товар биржаси** (товарная биржа, commodity bourse) – Қонунларга мувофиқ товарлар савдосини ташкил қилиш шакли. Товар биржаси савдонинг мунтазам бўлиши ва қатъий белгиланган жойда ўтказилиши, товарлар сифатига қўйиладиган талабларнинг бир хилда бўлишлиги, товарларни етказиб келиш шартлари ва муддатларни савдонинг харидорлар ва сотувчилар райига қараб юритилишини таъказо этади.

**Товар ишлаб чиқариш** (производство товара, production of the goods) – Товарлар ўзининг истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотиш, айирбошлаш учун ва бошқаларнинг истеъмолини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш.

**Тор пул-кредит сиёсати** (узкая денежная кредитная политика, narrow monetary credit policy) – Валюта бозорида инвестиция, ҳисоб-ставкаси ва қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларига таъсир қилувчи бошқа инструментлар ёрдамида валюта курси мақбулликка эришишдир.

**Трансферт** (трансферт, transfer) – 1) Хориж валютаси ёки олтинни бир мамлакатдан иккинчисига ўтказиш; 2) номи ёзилган қимматли қоғозга эгалик қилиш ҳуқуқини бир шахсдан иккинчисига ўтказиш; 3) туристларни аэропортдан меҳмонхонага элтиш бўйича трансферт хизмати.

**Трансферт тўловлари** (трансфертные платежи, transfer payment) – Давлат бюджетида пенсия, степендия ва турли нафақалар кўринишида аҳолига бериладиган тўловлар.

**Турмуш даражаси** (уровень жизни, standard of living) – Ҳаёт тарзи, кишиларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондирилиш даражаси, аҳолининг истеъмол неъматлари билан таъминланганлик даражаси. У аҳоли жон бошига ҳисобланган реал даромад билан белгиланади.

**Тушум** (выручка, billing) – Корхонанинг ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан келган пул маблағи; бирор нарсани сотишдан келадиган фойда; даромад кўринишидаги пул.

**Тўлов баланси** (платежный баланс, balance of payments) – Маълум давр мобайнида тегишли мамлакатга чет элдан келган ва четга чиқарилган тўловлар нисбати. Ташқи савдо операциялари (савдо баланси), хизматлар (халқаро юк ташиш, суғурта ва бошқа), носавдо операциялари.

У

**Узоқ муддат давомидида ишлатилувчи товарлар** (длительные товары, durable goods) – Истеъмолчиларга узоқ вақт хизмат қиладиган товарлар. Бундай товарларда автомобил, музлатгич ва бошқа турдаги маиший хизмат воситалари киради.

**Узоқ муддатли заёмлар** (долгосрочные заемы, long loan) – Давлат томонидан олинладиган кредит. Заём облигациялари банк ёки омонат кассалари орқали аҳолига сотилади. Маълум муддатдан сўнг (5 йил) аҳолига заём облигациялари сўммаси қайтарилади.

**Уй хўжалиги** (домашняя хозяйство, housekeeping) – Иқтисодиётнинг истеъмолчилик соҳасида фаолият кўрсатувчи, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган товар ва хизматлар истеъмол қилиниши.

**Улгуржи нархлар** (оптовые цены, wholesale prices) – Ишлаб чиқарувчилар томонидан товарлар катта партияларда бир йўла кўтарасига сотилганда қўлланиладиган нарх.

**Улгуржи савдо** (оптовая продажа, wholesale) – Товар ва хизматларнинг партияси билан ёки кўп миқдорда қайта сотиш ёки профессионал фойдаланиш учун сотиш.

**Умумий бозор** (общий рынок, general market) – Бунда унинг қатнашчилари ўзаро эркин савдони амалга ошириш ва ягона ташқи савдо сиёсатини ўтказиш билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати таъминланади.

**Умум иқтисодий мувозанатлик** (общее экономическое равновесие, general economic balance) – Жамият эҳтиёжлари билан мавжуд иқтисодий ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро мос келиши.

**Унификация** – Турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.

**Унумли истеъмол** (эффективное употребление, effective use) – Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан самарали фойдаланиши.

**Унумли капитал** (производительный капитал, productive capital) – Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган нарсалар (машиналар, асбоб-анжомлар, фабрикалар, ускуналар ва ҳоказо).

**Унумдорлик** (производительность, efficiency) – Ишлаб чиқаришнинг фойдалилиги, унумлилиги; маҳсулдорлик, баракали фаолият. Маҳсулотнинг ҳажми, сифати ва меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат.

**Устав** (устав, charter) – Корпорация фаолиятининг тартиб қоидалари; корпорациянинг рўйхатга олинadиган ҳужжатларида ана шу тартиб қоидалар қайд этилади, уни бошқарувчилар ўз фаолиятида мазкур тартиб қоидаларга амал қиладилар.

**Устав фонди** (уставной фонд, authorized capital) – Таъсисчи (давлат, ташкилот, муассаса, меҳнат жамоаси, жисмоний шахс) томонидан корхонанинг доимий ихтиёрига бериладиган моддий ва пул маблағларининг йиғиндиси. Устав фондининг дастлабки миқдори корхона ташкил этилаётганида унинг устави қайд этилади ва асосий ҳамда оборот фондларини шакллантириш учун шахсий маблағларнинг асосий манбаи сифатида ишлатилади. Устав фонди миқдори ҳисобот даврининг бошида ва охирида бухгалтерия балансининг пассивида акс эттирилади ҳамда корхонанинг асосий фондалари қолдиқ қиймати ва оборот маблағларига бўлган энг кам эҳтиёжга мос бўлади. Устав фонди миқдори ҳўжалик фаолияти жараёнида ўзгармасдан қолмайди, у кўпайиши ёки камайиши мумкин. Устав фонди асосий воситаларда инвестициялар, меҳнат воситаларини қайта баҳолаш ёки индексациялаш ҳисобига кўпаяди; унинг камайиши асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш, эскиришини ҳисоблаш, уларни қайта баҳолаш натижасида бўлиши мумкин. Устав фонди оборот воситаларида унга фойданинг бир қисми қуйилиши, товар-моддий бойликлар ва бошқа оборот воситаларини бепул олиш ҳисобига кўпаяди, ўтган йилги харажатларни ҳисобдан чиқариш, товар-моддий бойликларни арзонлаштириш ва бошқалар ҳисобига камайиши мумкин.

## Ф

**Фабрика** (фабрика, factory) – Машина, техника турларини ва технологияни қўллашга асосланган ҳолда иш юритувчи саноат корхонаси.

**Фактор (омил) даромад** (фактор доход, factor income) – Ишчи кучи, капитал, мулк ишлаб чиқариш омилларининг қўлланилиши натижасида юзага келадиган даромад.

**Факторинг** (факторинг, factoring) – Савдо комиссиян операцияларнинг тури, бунда махсус-компания мижознинг дебитор қарзини мустақил тўлашни талаб қилади.

**Фаровонлик даражаси** – Мамлакат фуқароларининг шинам ва бетахлика яшаши учун зарур бўлган турмуш шароитлари, товарлар ҳамда хизматлар билан таъминланиш даражаси.

**Фирма** (фирма, firm) – Корхона, компания, ташкилот (ишлаб чиқариш, савдо, транспорт, банк ва бошқа соҳаларда). Ўзи мустақил фаолият юритади, устав фондига эга.

**Фискал сиёсат** (фискальная политика, fiscal policy) – Ноинфляцион ялпи ички маҳсулот шароитида иқтисодиётда тўлиқ бандлиликни, тўлов балансининг мувозанатини ва иқтисодий ўсишини таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва солиқларни ўзгартиришни ўз ичига олган чора-тадбирлар мажмуи.

**Фоиз** (процент, percent) – Ҳисса, устама, қўшимча фойда; фоиз; қарзга олган пуллари ёки материал буюмлар (қимматли нарсалар) фойдаланганлиги учун кредиторга заёмчининг тўлови.

**Фоиз даромади** (процентный доход, percentage income) – Пул эгасининг ўз пулини омонатга қўгани учун ёки ўзгаларга қарз бергани учун оладиган усими (фоизи) дан иборат бўлиб, даромад олишнинг бир тури ҳисобланади.

**Фоиз ставкаси** (процентная ставка, rate of interest) – Ҳиссали, фоизли миқдор; белгиланган давр учун заёмчининг кредиторга тўлайдиган фоизли тўлови миқдори.

**Фойда** (прибыль, profit) – Баланс фойдаси; товар маҳсулотини ишлаб чиқаришдан олинган фойда ва ҳисоб фойдасига бўлинади; товарлар реализация ва хизматлардан келган даромадлар сўммасидан харажатлар ва солиқларни чегириб ташлангандан сўнг қолган маблағ.

**Фойдалилик мотиви** (повод прибыли, profit motive) – Тадбиркорлик фаолиятига сарфланган вақт ва пулдан фойда олиш истаги.

**Фойда нормаси** (норма возвращения, rate of return) – Фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Фойда солиғи** (налог прибыли, tax of the profit) – Корхона, фирманинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)дан олган соф даромадининг маълум қисми бюджетга жалб қилинган қисми.

**Фонд бозори** (фондовый рынок, share the market) – Қимматбаҳо қоғозлар бозори билан биргаликдаги ҳаракатда бўлиб, фонд биржалари, банклар, холдинглар каби акция ва бошқа турдаги қимматбаҳо қоғозлар чиқаради.

**Форвард** (форвард, forward) – Битим имзолангандан икки кун давр учун кейинги валюта ёки бошқа битим бўйича ҳисоб-китоблар.

**Форс– мажор** (форс-мажор, force-majeure) – Ёнғин, табиий офат, уруш каби кутилмаган воқеа ҳамда ҳосидаларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган вазият.

**Франчайзинг** (франчайзинг, franchising) – Французча сўздан олинган бўлиб, “имтиёз, енгиллик” деган маънони билдиради. 1) Йирик ва кичик тадбиркорлик корхоналарининг келишув шакли; 2) давлатнинг хусусий корхонага берадиган махсус имтиёзи.

**Френчайс** (привилегия, franchise) – Савдо тармоғининг номидан фойдаланиб хусусий бизнес юритиш ҳуқуқини берадиган лицензия (рухсатнома).

**Фрикцион ишсизлик** (фрикционная безработица, frictional unemployment) – Ишдан бўшаб қолиб, малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринлар бўшабини кутаётган ишсизлар.

## Х

**Халқаро валюта фонди** (международный валютный фонд, international monetary fund) – Халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси. 1944 йилда валюта курсларнинг ўртача муддатли валюта курсида заёмлар бериш йўли билан бир меъёрга сақлаб туриш учун тузилган.

**Халқаро иқтисодий интеграция** (международная экономическая интеграция, international economic integration) – Жаҳон мамлакатлари ўзаро иқтисодий алоқаларнинг чуқурлаштириш ва барқарор ривожланиши ҳамда миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимооти асосида улар хўжалик алоқаларининг бирлашиб бориш жараёни.

**Халқаро кредит** (международный кредит, international credit) – Бир давлат, ҳуқуқий шахс томонидан иккинчи бир давлатга, унинг банкларга бошқа ҳуқуқий шахсларига муддатлилиқ ва тўловлилиқ асосида берилади.

**Халқаро меҳнат тақсимооти** (международное разделение труда, international division of labour) – Алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви.

**Халқаро молия корпорацияси** (международная финансовая корпорация, international finance corporation) – Ҳукумат кафолатисиз хусусий капиталга юқори рентабеллик ва лойиҳаларнинг юқори самарадорлигига эришиш шарти асосида кредитлар бериш фаолияти билан шуғулланувчи муассаса, БМТнинг махсус муассасаси бўлиб, 1956 йилда ташкил этилган.

**Халқаро молия марказлари** (международные финансовые центры, international financial centers) – Ссуда капитали бозорининг халқаро марказлари. Биринчи навбатда Нью-Йорк, Токио, Лондон, Париж, Цюрих, Люксембург; ривожланаётган мамлакатлар Гонконг, Сингапур, Бахрейн ва бошқалар. Бу марказларда банк ва бошқа кредит-молия институтлари юқори даражада концентрациялашган, молия-кредит операциялари учун либерал солиқ ва валюта режими амал қилади.

**Харажатлар** (расходы, charges) – Ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида юзага келган чиқим, харажатлар, сарфлар. Харажатларга сотилган маҳсулот таннари, ноишлаб чиқариш маъмурий харажатлар, фоизларни тўлаш, ижара тўлови, иш хақи, солиқлар киради.

**Хизматлар экспорти** (экспорт услуг, export of services) – Чет эл валюталари ҳисобига чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш. Масалан: чет эл фуқароларга сайёҳлик хизматини кўрсатиш.

**Холдинг компанияси** (холдинговая компания, holding company) – Бошқа фирмаларни назорат қилиш ва бошқариш мақсадида акция назорат пакетлари билан таъминланган компания.

**Хусусийлаштириш** (приватизация, privatisation) – Давлат мулкнинг хусусий мулкга айлантирилиши; давлат мулкнинг фуқароларга бўлиб бериш (сотиш) воситаси; жамиятнинг ривожлантириш даражаси ва ҳолати учун жавобгарликни тақсимлаш шакли.

**Хусусий мулк** (частная собственность, private ownership) – 1) Мулкнинг тури; индивидуал мулкнинг бир шакли сифатида фуқаро фойда олиш мақсадида ўз

мулкидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Ишлаб чиқариш фуқарони ўз меҳнати билан ёки ишга ёллаш орқали бўлиши ҳам мумкин; 2) ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларига хусусий шахслар томонидан эгалик қилиниши ва ўзлаштирилиши.

**Хусусий тадбиркорлик** (частная предпринимательство, private business) – Алоҳида шахс ёки корхона томонидан хусусий ташаббус асосида ташкил қилинади.

**Хуфиёна иқтисодиёт** (теневая экономика, shadow economy) – Жамият томонидан назорат қилинмайдиган ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва товар-материал бойликларнинг истеъмоли ва хизмат кўрсатиш соҳалари. Бу соҳалар фаолияти давлат бошқарув органларидан яширинча тарзда олиб борилади. Уни бартараф этиш йўллари бозорни шакллантириш, марказлашган режалаштиришни ва давлат монопол ҳукмронлигига чек қуйиш кабилардир.

## Ц

**Цивилизация** (цивилизация, sivilized) – Жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.

## Ч

**Чайқовчи** (спекулянт, speculator) – Олиб сотар чайқовчи; ўз манфаатлари учун даромад олиш мақсадида товар ва маҳсулот ларни сотиб олиб, устига қуйиб сотувчи шахс.

**Чакана нархлар** (розничные цены, retail prices) – Товарлар бевосита истеъмолчиларга сотилганда қўлланиладиган нарх.

**Чакана савдо** (розничная торговля, retail trade) – Савдо соҳасида якуний истеъмол учун, аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолият.

**Чек** (чек, check) – 1) Қимматли қоғоз тури; 2) банкка берилган ёзма фармойишга кўра шахснинг жорий счётида кўрсатилган сўмmani бериш тўғрисидаги махсус хужжат; нақд пулсиз ҳисоб-китобларда чек дафтарчаси кўринишида фойдаланилади; 3) тўлаш лозим бўлган, кассадан бериладиган ва сўммаси кўрсатиладиган талон.

**Чекланганлик** (ограниченный, confined) – Ишлаб чиқарувчиларнинг ва истеъмолчиларнинг ишлаб чиқариш ресурслари ёки истеъмол товарларига бўлган талабига нисбатан мазкур ресурслар ва товарлар таклифининг етишмаслиги.

**Чет эл инвестициялари** (иностранные инвестиции, foreign investments) – Тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар қўшадиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар мажмуи.

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар** (предприятия с иностранными инвестициями, enterprises with foreign investments) – Чет эллик инвесторларнинг улушбай иштирокидаги (қўшма корхоналар) ёки бутунлай чет эллик инвесторларга қарашли корхоналар.

## Ш

**Шартнома** (договор-контракт, contract) – Шартнома, битим, ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгариши ёки тўхтатиш тўғрисида икки ёки кўп томонлама келишув.

**Шартнома баҳоси** (контрактная цена, contract price) – Товарлар олди-сотдиси бўйича шартномада кўрсатилган баҳо.

**Шахсий даромад** (личный доход, personal income) – Жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

**Шахсий истеъмол** (личное употребление, personal use) – Истеъмолчилик тавсифидаги неъматлар ва хизматлардан бевосита фойдаланишни, яъни уларнинг индивидуал тарзда истеъмол қилиши.

**Шахсий мулк** (частная собственность, private property) – Фуқаролик мулки бўлиб, шахсий ёки оилавий эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади.

**Шахсий тадбиркорлик** (личное предпринимательства, personal businesses) – Шахсий мулкка асосланган, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки оила аъзолари меҳнати асосида ташкил қилиш.

**Шереклик** (ҳамкорлик) (партнерство, partneship) – Бир неча шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланиши, кўриладиган фойда ва зарарларни ўзаро тенг тақсимланиши.

**Шерманнинг трестларга қарши қонуни** (антитрестовский закон шермана, sherman antitrust act) – АҚШ Конгресси томонидан 1890 йилда қабул қилинган қонун, унда савдо эркинлигини чеклаш мақсадида монополиялар тузиш ёки тил бириктириш таъқиқланган.

**Ширкат хўжалиги** (кооперативное хозяйство, co-operative farm) – Иштирокчиларнинг улушларига (ҳиссаларига) бўлинган, устав фондига эга бўлган тижорат ташкилоти. Ширкатда иштирокчилар ёки улардан айримлари ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти юритишда шахсан иштирок этади.

Э

**Эквивалент** (эквивалент, adequation) – Бирор нарсанинг ўрнини боса оладиган ёки унинг ифодаси бўлиб, хизмат қиладиган тенг баҳоли, тенг қимматли нарса ёки миқдор. Масалан: пул.

**Экспорт** (экспорт, export) – Ташки бозорда сотиш учун товар-пулларни чет элга чиқариш. Экспорт таркибига бошқа давлатларда қайта ишлаб чиқариш учун олиб чиқилаётган моллар, махсус экспорт учун мўлжалланган товарлар киради.

**Экспорт субсидиялари** (субсидирование экспорта, export subsidy) – Маҳсулот экспорт қилувчиларга тўловлар. Улар шу маблағдан фойдаланиб чет элларда шу маҳсулотини мамлакат ичкарасидагига қараганда арзонроқ нархда сотади.

**Экстенсив иқтисодий ўсиш** (экстенсивный экономический рост, extensive economic growth) – Ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши.

**Эластиклик** (эластичность, elasticity) – Бир узгаришнинг иккинчи унча катта бўлмаган узгаришга таъсири, масалан: экспорт қилинаётган саноат товарларига валюта курси ёки нархларнинг узгариши билан талабларнинг ҳам узгариши.

**Эмбарго** (эмбарго, embargo) – Тилла ва бошқа кўрсатилган қимматбаҳо нарсаларни олиб кўришни ёки олиб чиқишни давлат томонидан ман қиладиган фармойиш.

**Эмиграция** (эмиграция, emigration) – Ишчи кучининг бир мамлакатдан доимий яшаш учун бошқа мамлакатга чиқиб кетиши.

**Эмиссия** (эмиссия, emission) – 1) Қоғоз пулларнинг ғазнахона ёки бошқа давлат молия органлари томонидан муомалага чиқарилиши; 2) барча шаклдаги пул белгиларни муомалага чиқариш.

**Эмиссия банклари** (эмиссионные банки, bank of circulation) – Банкнотлар, пул чиқариш, пул муомаласини, кредит ва валюта курсини бошқариш, расмий олтин-валюта захираларини монопол равишда сақлаш ҳукуқига эга бўлган банк.

**Эркин бозор** (свободный рынок, free market) – Мукаммал рақобат қонунлари амал қиладиган бозор.

**Эркин индустриал-иқтисодий зона** – Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ҳамда халқаро бозорда талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, замонавий юқори унумли эга бўлган асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва моделлар, инновацион технологиялар жорий этилган ҳудуд.

**Эркин нархлар** (свободные цены, free prices) – Талаб ва таклиф таъсирида шаклланадиган нарх.

**Эркин савдо** (свободная торговля, free trade) – Савдо сотиқда ҳеч бир чекловнинг йўқлиги.

**Эркин савдо зоналари** (зона свободной торговли, free trade area) – Иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида савдо чеклашлари бекор қилинади.

**Эҳтиёж** (потребность, need) – Организм, инсон шахси, ижтимоий гуруҳ, умуман жамиятнинг ҳаёт фаолияти ва тараққиёти учун объектив равишда зарур бўлган нарсалар; эҳтиёжнинг турлари; иқтисодий, маданий, сиёсий, маънавий, физиологик ва ҳоказо.

## Ю

**Юк обороти** (грузооборот, freight tonmiles) – Маълум вақт давомида ташилган юкнинг ҳажми (миқдори).

**Юридик шахс** (юридическое лицо, entity) – Муассаса, корхона ёки ташкилот; инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг мустақил субъекти сифатида ўзига юклатилган функцияларни бажарувчи муассаса, ташкилот. Юридик шахс мулк бўйича судларга даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқига эга. Қонунда, маъмурий актда ёки ўз уставида кўрсатилган вазифаларни амалга оширади, ўз мулкига ва ўз мажбурияларига мустақил равишда жавобгардир.

## Я

**Ягона солиқ тўлови** – Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи солиқ тури.

**Якка тадбирдаги лицензиялаш** (по одиночное лицензирование, on single licensing) – Юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензиатларга фаолият турини амалга оширишда мутлоқ ҳуқуқлар бериб, миқдорий чекланган рухсат.

**Ялли ижтимоий маҳсулот** (совокупный общественный продукт, gross social product) – Йил давомида жамият томонидан моддий соҳада яратилган маҳсулотларнинг пул бирлигидаги қиймати; ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий статистик кўрсаткичларидан бири.

**Ялли инвестиция** (валовые инвестиции, gross investment) – Маълум вақт давомида асосий капиталга ва даромадга қўшилиб боровчи, ишлаб чиқариш миқдорининг умумий қийматидир.

**Ялли ички маҳсулот** (валовый внутренний продукт, gross domestic product) – Мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган барча пировард товар ва хизматлар бозор баҳоларининг умумий йиғиндиси.

**Ялли миллий маҳсулот** (валовый национальный продукт, gross national product) – Мамлакат резидентлари томонидан маълум муддат (бир чорак, бир йил)

давомида ишлаб чиқарилган якуний товар ва хизматларнинг умумий ҳажмининг бозор баҳосидаги умумий йиғиндиси.

**Ялпи таклиф** (валовой предложение, gross the supply) – Мавжуд нарх даражасида сотиш мумкин бўлган, сотишга чиқарилган ва тайёрланган турли-туман товарлар ва хизматлар ҳажмидир.

**Ялпи талаб** (валовой спрос, gross demand) – Барча истеъмолчилар, яъни аҳоли, корхона ва давлат нархларнинг мавжуд даражасида сотиб олиши мумкин бўлган турли хил товарлар ва хизматларга бўлган талабини умумий ҳажмини ёки миллий иқтисодиётдаги реал пул даромадлари ҳажмини билдиради.

**Ялпи фойда** (валовой прибыль, gross profit) – Қиймат билан сотув нархи ўртасидаги тафовут.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот** – Мамлакатнинг маълум бир ҳудудида ишлаб чиқарилган барча пировард товар ва хизматлар бозор баҳоларининг умумий йиғиндиси. Масалан, Қашқадарё вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти.

**Ярмарка** (ярмарка, fair) – Ярмаркалар кенг истеъмол товарлари ёки асбоб-ускуналарнинг намуналарини намойиш этувчи катта бозордир. Белгиланган муддатда, маълум чекланган вақтда иштирокчиларга маҳсулот, товар намуналарини кўрсатиш учун махсус ажратилган жойда ҳаракат қилади, миллий ва халқаро миқёсда савдо шартномаларини тузади.

**Яширин ишсизлик** (скрытая безработица, hidden unemployment) – Ишлаб чиқариш жараёнида банд, лекин амалга ишлаб чиқаришда ортиқча бўлган ишчилар сони.

## Ў

**Ўзгарувчан харажатлар** (переменные расходы, variable charges) – Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бирлиги кўпайган сари ошиб борувчи чиқимлар.

**Ўртача маҳсулот** (среднее производство, average production) – Жалб қилинган ишчи кучи ва капиталнинг бир-бирлигига тўғри келадиган маҳсулот миқдори.

**Ўтиш даври** (переходной период, transitive the period) – Бир иқтисодий тизимдан бошқасига, мавжуд иқтисодий муносабатлардан бутунлай бошқа, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тақозо қиладиган давр.

## Қ

**Қадрсизланиш** (обесценивание, depreciation) – Миллий валютанинг нархи чет эл валюталарининг баҳосидан камайиши.

**Қарз бериш** (дать долг, to give a duty) – Пул ёки товарларни қайтариш шarti билан маълум муддатга бериш (қарз ишлатилгани учун олдиндан келишилган фоизлар тушунилади).

**Қиймат** (ценность, value) – Товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнатдир. Товар қийматининг меъёри уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ижтимоий зарурий меҳнат миқдори билан белгиланади.

**Қимматли қоғоз** (ценная бумага, capital) – 1) Конверция имтиёзига кўра облигация ва акцияни бошқа қимматли қоғозга алмаштириш. Муайян мулкый ҳуқуқни ифодаловчи ҳужжат. Масалан: акция, облигация, вексел ва ҳоказо. 2) эгасига даромад келтирадиган, эгалик ҳуқуқи ёки заём кўринишидаги пул ҳужжати. Қимматли қоғозга акция, облигация давлат ғазна мажбуриятлари, омонат сертификатлари ва векселлар киради. Кўшилган қиймат келтирадиган даромадга қараб хар хил нархда сотилади.

**Қисқа муддатли кредитлар** (короткие ссуды срока, short term loans) – Қайтариш муддати бир йилдан ошмайдиган кредитлар.

**Қонун** (закон, act) – Конституцияда асосан давлат органи томонидан қабул қилинган норматив акт.

**Қўшилган капитал** (суммированный капитал, summarized capital) – Капитал микдорининг ўсган қисми, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган капитал микдори устига қўшимча равишда сарфланган капитал.

**Қўшилган маҳсулот** (прибавочный продукт, additional product) – Ишлаб чиқаришда капитал ёки ишчи кучи таъсирида ўсган маҳсулот.

**Қўшилган қиймат** (добавленная стоимость, value added) – Корхона ялпи маҳсулотидан ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотининг бозор нархидан (амортизация ажратмасидан ташқари) моддий харажат чиқариб ташланган микдори.

**Қўшилган қиймат солиғи** (налог на добавленную стоимость, valueadded tax) – Ишлаб чиқаришнинг хар бир босқичида товар қийматининг ошиб боришига солинадиган солиқ.

**Қўшимча масъулиятли жамият** (общество с дополнительной ответственностью, close corporation) – Бир ёки бир неча шахслар томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис хужжатлари билан белгиланган микдордаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти. Жамият иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулклари билан ҳамма учун бир хил бўлган ва қўшилган ҳиссалари қийматига нисбатан жамиятнинг таъсис хужжатларида белгиланадиган микдорда жавобгардир.

**Қўшимча маҳсулот** (прибавочный продукт, surplus produce) – Ишчи ва хизматчиларнинг қўшимча иш вақтида яратилган маҳсулот бўлиб, соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми.

**Қўшимча тўловлар** (дополнительней платёжы, fringe benefitis) – Иш берувчининг иш кучига иш ҳақидан ташқари, шу жумладан касалликни суғурталаш, пенсия дастурларига ва таътил ҳақида қилган харажатлари.

**Ғазна мажбурияти** (казначейские обязательства, treasury notes) – Ғазна (қоғоз пул) мажбурияти: давлат қимматли қоғози; маълум муддат давомида даромад олиш ҳуқуқини беради. Узоқ муддатли, қисқа, ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари мавжуд.

**Ҳақиқий пуллар** (настоящие деньги, present money) – Номинал қийматини ўзида ифодаловчи, реал қийматга эга булган пуллар.

**Ҳисоб ставкаси** (чет ставки, couples of the rate) – Федерал резерв тизими банкларга ва бошқа молия муассасаларига берган қарзлар эвазига ундириб олинадиган фоиз.

**Ҳиссадорлик капитали** (акционерный капитал, share capital) – Ҳиссадорлик жамиятининг асосий капитали. У акциялар эмиссияси ҳисобига ташкил топади. У устав капитали, обуна капитали, тўланган капитал турларига бўлинади.

## **Оммавий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти» фанидан асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. Abdukarimov B.A. Ichki savdo iqtisodiyoti. Darslik II–qism. (2-qayta ishlangan va to‘ldirilgan lotin alifbosidagi nashri).–T.: «Iqtisod-Moliya», 2010.

2. Абдукаримов Б.А., Шарипов Т.С. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти. Маърузалар матни. – Самарқанд. СамИСИ, 2010.
3. Абдукаримов Б.А., Шарипов Т.С. Умумий овқатланиш: ҳолати, муаммо ва ечимлар. Монография. -Т.: «Иқтисодиёт», 2011.
4. Абдукаримов Б.А ва бошқалар. Оммавий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанидан масалалар тўплами ва услубий кўрсатмалар. Самарқанд. СамИСИ, 2012.
5. Абдукаримов Б.А ва бошқ. Савдо иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. II–қисм.–Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2013.
6. Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2008.
7. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. Муаллифлар жамоаси.-Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2016.
8. O‘lmasov A., Vahobov A. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik (to‘ldirilgan va qayta ishlangan nashri). -Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2014.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи, 2017 йил
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Abdukarimov B.A. Ichki savdo iqtisodiyoti. (2-qayta ishlangan va to‘ldirilgan lotin alifbosidagi nashri). Darslik I–qism.–Т.: «Iqtisod-moliya», 2010.
9. Abdukarimov B.A va boshqalar. Korxona iqtisodiyoti. (2-qayta ishlangan va to‘ldirilgan lotin alifbosidagi nashri). Darslik.–Т.: “Fan va texnologiya” 2013.
10. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2011йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2012-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.-Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
11. Статистические сборники Госкомстат Узбекистана: «Узбекистан в цифрах 2016»; «Торговля в Узбекистане 2016».